

Ф. Қодирова  
Ш. Тошпұлатова  
М. Аъзамова

# МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА



407 g. ga  
Bobogulova  
Narzakat. 24.12.2013

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
МАКТАБГАЧА МУАССАСАЛАР ХОДИМЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА  
ЎҚУВ МЕТОДИКА МАРКАЗИ

Ф. ҚОДИРОВА, Ш. ТОШПҮЛАТОВА,  
М. АЪЗАМОВА

# МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА

*Ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ «МАҲНАВИЯТ» 2013

УУК 377.2(075)  
КБК 74.10  
74.10(5Ү)

Ушбу ўқув кулланмада мактабгача педагогика фанининг тар-  
кибий қисми — мактабгача муассасаларни ташкил этиш ва уларга  
раҳбарлик қилиш бўлими фаолияти, мудира ва услубчиларнинг  
шахсий ва касбий сифат ҳамда малакаларини шакллантириш,  
уларнинг педагогик қобилиятларини ривожлантириш омилла-  
ри, мактабгача таълимни бошқаришда педагогик-инновация  
технологияларни куллаш жараёнларининг илмий-услубий жи-  
ҳатлари ёритилган.

Тақризчилар:

**Ш. Шодмонова** — педагогика фанлари доктори, проф.;  
**М. Расулова** — психология фанлари номзоди, доц.

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва  
малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази  
илмий-методик кенгашининг 2012 йил 19 ноябрдаги  
3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилди.*

**Қодирова Ф. Р.**

К-53

Мактабгача педагогика: / ўқув кулланма /  
Ф. Р. Қодирова, Ш. К. Тошпұлатова, М. Н. Аъзамова;  
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги; Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази. — Тошкент: «Маънавият», 2013. — 160 б.

УУК 377.2(075)  
КБК 74.10

K 4702620204-07  
M25(04)-13

ISBN 978-9943-04-214-8

© «Маънавият», 2013

## КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим тизимиға давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳозирги вақтда таълим тизимида, жумладан, биринчи босқич мактабгача муассасаларни ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш йўналишида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарали олиб борилишини таъминлаш ва бу жараёнларни педагогика фани нуқтаи назаридан чукур таҳлил қилиш зарурати юзага келмоқда. Бу талаблар мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув методика марказининг давлат таълим стандартлари ва ўқув режаси асосида мутахассислик фанлари блокига мувофиқ, мазкур соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Ушбу ўқув қўлланмада мактабгача таълим тизими шаклланишининг тарихий жиҳатлари, мактабгача муассасаларни ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш тамойиллари, уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш ва назорат қилиш масалалари баён этилган.

Бу масалаларни чукур ва ҳар томонлама ўрганишда педагогика фанлари асослари ва умумий назарий-методологик қоидаларига таянилгани мактабгача таълим педагогикаси фанининг ғоявий-назарий даражасини таъминлашга, унинг мазмунини педагогика фани соҳасида қулга киритилган илмий-назарий ютуқлар ва хуносалар негизида ёритишга имкон беради.

Қўлланмада ана шу назарий-методологик асосларга таянган ҳолда асосий эътибор Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишнинг илмий асослари; мактабгача таълимни режалаштириш ва молиявий таъминлаш омиллари; мактабгача таълим муассасалари ва уларни ташкил этиш ва бошқариш; Халқ таълими вазирлиги

ва унинг тегицили бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасаларига раҳбарлик, назорат ишларини мувофиқлаштириш, такомиллаштириш вазифалари; методик ишларнинг мазмун-моҳияти, шакллари ва услублари каби масалалар таҳлилига қаратилган.

Мазкур масалалар мантиқан бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда изчил тадқиқ этилиши мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган таълим-тарбиявий ва методик ишларни ташкил этишда янгича ёндашувни тақозо этади.

Ўкув қўлланманинг ҳар бобида таянч иборалар, назорат ва тест саволлари, замонавий педагогик технологиялар асосида яратилган ишланмалар, илмий ва илмий-методик адабиётлар рўйхати тақдим этилгани тингловчиларнинг ҳар бир мавзуни чуқур ўзлаштириши ва мустаҳкамлашига, шунингдек, уларда ўз устида мустақил ишлаш кўнижмасининг ҳосил бўлишига хизмат қиласди.

Ушбу ўқув қўлланмани яратишда мустақиллик йилларида мазкур соҳада фаолият юритган етук олим ва мутахассислар томонидан чоп этилган илмий-услубий манбалардан фойдаланилди.

Ўқув қўлланма мактабгача таълим йўналиши тизимида фаолият юритаётган барча педагоглар, болалар боғчалари мудидалари, услубчилар, шунингдек, педагогика университети, институтлари, коллежлари талabalари ҳамда ўқувчилари учун илмий-услубий манба сифатида хизмат қиласди.

## **I боб. ИЖТИМОЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИННИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ**

1. Мактабгача таълимнинг мазмун-моҳияти ва таълим тизимида тутган ўрни.
2. Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълимнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари.
3. Мустақиллик йилларида мактабгача таълим тизимини ривожлантириш тамойиллари ва асосий йўналишлари.
4. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойиллари.

### **1.1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ**

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бүғини сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим түғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида ташкил этилади.


Мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради. Мактабгача таълим бола 6–7 ёшга етгунча оиласда ҳамда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади.

Мактабгача таълим бола шахсини мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қулланадиган давлат талабларига мувофиқ, жисмоний, маънавий ва интеллуктуал жиҳатдан мактабда ўқишга тайёрлашни назарда тутади.

Мактабгача таълимнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

— болалар ҳаётини муҳофаза этиш ва соғлигини мустаҳкамлаш;

- бола шахси асосларини шакллантириш, унинг би лимга қизиқишини ривожлантириш;
- боланинг интеллектуал, шахсий ва жисмоний ри вожланишини таъминлаш;
- бола ривожланишидаги нуқсонларни бартараф этиш;
- болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар билан танишириш;
- болаларни жисмоний, маънавий ва интеллуктуал жиҳатдан мактабда ўқишига тайёрлаш.



Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг барча бўғинлари билан мустаҳкам алоқа ва узвий боғлиқликда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга»<sup>1</sup> деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган, 45-моддасида вояга етманлар давлат ҳимоясида экани<sup>2</sup>, 64-моддасида эса «Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади»<sup>3</sup>, деб қайд этилган.

Мактабгача таълим муассасаси ана шу ҳуқуқий асосларга таянган ҳолда оила ва жамиятнинг болаларга фамхўрлик қилиш, миллий ва минтақавий хусусиятларни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., «Ўзбекистон» НМИУ, 2012, 12-б.

<sup>2</sup> Ўша манба, 10-б.

<sup>3</sup> Ўша манба, 12-б.

эътиборга олиб, уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш мақсадида ташкил этилади.

Ижтимоий мактабгача таълим бу – давлат томонидан ташкил этиладиган муассаса булиб, унда мактабгача таълим ёшидаги болаларга таълим-тарбия берилади.

*Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошлиғи бўгини сифатида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ташкил этилади.*

*Мактабгача таълим соғлом, ҳар томонлама етук болаларни тарбиялаш учун зарур ташкилий, услугубий, психологик, педагогик шарт-шароитлар яратади, болаларни мактабда мунтазам равишда таълим олишга тайёрлашда ота-оналарга ёрдам беради. Мактабгача таълим бола 6–7 ёшга етгунча оиласда ҳамда давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади.*

*Ижтимоий мактабгача таълим бу – давлат томонидан ташкил этиладиган муассаса булиб, унда мактабгача таълим ёшидаги болаларга таълим-тарбия берилади.*

## **Мактабгача таълимнинг устувор вазифалари**

Мактабгача таълим боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишига интилиш ҳиссини уйғотади, мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим бола 6–7 ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ҳамда оиласда амалга оширилади. Мактабгача таълим мақсади ва вазифаларини рӯёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади.

Мактабгача таълимни ривожлантириш учун қўйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш зарур:

- юқори малакали тарбиячи ва педагог кадрларни тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини яратиш ва амалиётга жорий этиш;
- болаларни оиласда тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услугубий жиҳатдан таъминлаш;

- замонавий уқув-услубий қулланмалар, техник воситалар, үйинчоқлар ва үйинлар яратиш ҳамда уларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш;
- болаларни халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- мактабгача таълим муассасаларининг ҳар хил турлари учун муқобил дастурларни танлаб олиш, барча масалалар бўйича малакали маслаҳат кўрсатиш имкониятини яратиш;
- мактабгача таълим ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

## **1.2. ӮЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ**

Ўлкамизда XIX асрнинг 80–90-йилларига келиб мактабгача ижтимоий тарбия тизимини вужудга келтириш гоялари етила бошлади. Ўша даврда яшаб иход этган маърифатпарвар маҳаллий зиёлилар аёлларнинг оғир аҳволи ва болалар назоратсизлигини эътиборга олиб, бу масаланинг ечимини излай бошлайди. Жумладан, 1872 йилда Туркистонда тузилган «Жамияти хайрия» таркибиға кирган зиёлилар вакиллари томонидан мискинлар уйлари, тунаш жойлари, илк туғуруқхоналар билан бир қаторда, ота-онаси бўлмаган болалар учун етимхоналар (дастлабки болалар уйлари) ташкил этилди. Бутун Туркистон бўйича 150–200 нафар болани қамраб олган ушбу етимхоналарда ҳам ясли ёшидаги, ҳам мактаб ёшидаги болалар тарбияланган.

1891 йилда «Боғдорчилик» жамияти томонидан Тошкент истироҳат боғида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар учун «Болалар майдончаси» кўринишида биринчи болалар боғчаси очилган. Болалар боғчаси учун истироҳат боғи ҳудудидан серсоя жой ажратиб берилган бўлиб, бу ерда аргимчоқлар, қайиқлар үрнатилган, турли үйинчоқлар тайёрланган. Бундан ташқари, майдончада каттагина гулзор ташкил этилиб, бу ерда болалар ўсимликларни

парвариш қилиш билан машғул бўлган. Аммо 1891–1903 йиллар мобайнида маблағ тақчиллиги сабабли боғча бир неча марта ёпилган.

1896 йилда Туркистонда васийлар кенгаши камбағалларнинг болалари учун «ясли»лар деб аталадиган муассасаларни туза бошлади. Ясли ишларини назоратчи-услубчи аёл бошқарган, шунингдек, хизмат қилувчи ходимлар ҳам бўлган. Бу муассасаларда болаларга ўқиш, ёзиш, санаш билан бир қаторда, талай ҳунарлар ҳам ўргатилган. Бироқ, бутун ўлка бўйлаб шундай яслилардаги болалар сони 50–60 нафар боладан ошмаган.

Бундан ташқари, маҳаллий зиёлиларнинг саъй-ҳаракати билан камбағалларнинг болалари учун Тошкент, Самарқанд, Сирдарё, Намангандаги етимхоналар (болалар уйлари) ташкил этилган.

1903 йил февраль ойида Тошкентда «Оилавий таълим-тарбиявий тўгараги» ташкил қилинган. Тўгарак низомида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1) болаларга таълим-тарбия бериш усулларини ривожлантириш ва такомиллаштиришда оилалар ва ота-оналарга ёрдам бериш;

2) педагоглар билан ота-оналарни ва болалар тарбияси ишини бошқарадиган кишилар (оила, мактаб ва болалар боғчаси фаолиятининг ўзаро муштараклигини таъминлаш мақсадида) фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бу тўгаракда мактабгача таълим секцияси ҳам фаолият курсатган. Таълим-тарбия тўгараги юзага келгунга қадар болалар боғчасининг тарбиявий ишида муайян педагогик тизим мавжуд бўлмагани сабабли болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалалар тўгарак аъзолари ўртасида муҳокама қилинган.

Ана шу тўгарак доирасидаги тарбия муассасаларида болалар биринчи марта 4–6 ёшгacha ва 6–10 ёшгacha бўлган икки хил ёш гуруҳларига булиниб, машғулотлар, жумладан, ҳаракатли ўйинлар, хор булиб қўшиқ кўйлаш, ўқиш, расм чизиш, лой ва пластилиндан нарсалар ясаш, гимнастика машқлари муайян жадвал асосида олиб борилган. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур тўгарак доирасидаги айrim болалар боғчаларида ота-оналар талаби билан француз ва немис тиллари текин ўргатилган.

1937 йил 3 майда қабул қилинган «Болалар боғчалари тұғрисида»ғи қарорда «Қарамоғида болалар боғчалари бұлған хужалик ташкилотлари ва муассасалари зымасиға тегишли иттифоқдош республикаларнинг Соғлиқни сақлаш ва Халқ маорифи комиссарликлари томонидан болалар боғчалари санитария-гигиена қоидалари, бинолар жиҳозлар, құлланмалар, күргазмали воситалар билан таъминлаш, болаларни овқатлантириш ва уларга тиббий ёрдам хизмати күрсатиш юзасидан белгиланған меъёрларга риоя қилиш вазифаси юклансин», деб таъқидланған.

Жумладан, Соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг буйруғига асосан:

— болалар боғчаларига шифокорларни бириктириш ва камида 100 та бола тарбияланаётган ҳар бир болалар боғчасига битта ҳамшира билан таъминлаш, болалар поликлиника ва амбулаториялари ҳамда умумий поликлиника ва амбулаторияларнинг болалар бұлымлари ташкил этиб, болаларга тиббий ёрдам күрсатиш;

— болалар боғчаларини биринчи ёрдам дори-дармонлар билан таъминлаш;

— мусиқа машғулотларини олиб борадиган ходимлар ойлик маоши учун маблағ ажратиш күзда тутилған.

Иккінчи жағон уруши йилларида Ўзбекистонда болалар боғчалари ва болалар майдончаларининг тармоғи деярли икки баробар күпайди. 1944 йил 1 январига келиб, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг умумий сони 54 минг нафарни ташкил этди. Шу йилларда Ўзбекистоннинг болалар боғчаларида собық иттифоқнинг бошқа республикалардан күчириб келтирилған 16000 дан зиёд, шу жумладан, 400 та ота-онасиз қолған бола тарбияланған.

Халқ маорифи комиссарлари кенгашнинг 1944 йил 10 ноябрдаги «Мактабгача таълим муассасалари тармоқларини кенгайтириш ҳамда хотин-қызылар ва болаларга тиббий ёрдам ва майший хизмат күрсатышни яхшилаш тадбирлари тұғрисида»ғи қарорида республикалар раҳбар идораларига болалар яслилари, гудаклар уйлари, болалар маслаҳат жойлари, әмизикли болаларга сут тайёрлаб берувчи муассасалар, болалар боғчалари ва болалар уйлари тармоғини кенгайтириш, болаларни мазкур муассасалар-

га тұлиқ жалб этишни таъминлаш вазифаси юклатылған. Шунингдек, ёлғыз оналарнинг үз болаларини тарбиялашыга күмаклашиш мақсадида болалар яслилари ва болалар бөгчаларыда уларнинг фарзандларини күн давомида қабул қилиш ташкил этилған.

Халқ маориғи комиссарлари кенгашининг «Мактабгача таълим муассасаларини янада ривожлантириш, болаларни тарбиялаш ва уларга тиббий ёрдам курсатишни яхшилаш чоралари тұғрисида» ги 1959 ийл 21 май қарорида күйидагилар назарда тутилған: мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашнинг ягона тизимини шакллантириш мақсадида, маҳаллій шароит ва имконияттарни эътиборга олиб, мактабгача таълим муассасаларининг икки тури – ясли ва болалар бөгчесини ягона мактабгача таълим муассасаси сифатида ташкил этиш ва уларга халқ маориғи комиссарлығи раҳбарлық қилиши белгилаб қўйилған;

– бундан бүён барча турдаги мактабгача таълим муассасаларига болалар турар жойларини яқинлаштириш мактабгача таълим муассасалари намунавий лойиҳа асосида қурилиши;

– иттифоқдош республикаларда мактабгача таълим муассасалари тұғрисида низом ишлаб чиқиши;

– педагогика фанлари ва тиббиёт академиялари билан биргаликда мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялашнинг ягона дастурини ишлаб чиқиши;

– тарбиячилар ва тиббий ёрдам ходимларини тайёрлаш;

– болаларни овқатлантириш ва мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлар билан таъминлаш;

– болалар бөгчесига қатнамайдыган болалар учун болалар истироҳат бөг ва хиёбонларыда, ҳовлиларда майдончалар ташкил қилиш ва уларни жиҳозлаш ишлари ташкил этиш;

– аҳоли үртасида маърузалар ўқиши, суҳбатлар үтказиши, оммавий-илмий адабиётларни күп нусхада нашр этиш;

– болаларни тарбиялаш ва уларнинг соглигини сақлаш масалаларини ёритувчи бадиий адабиётлар нашр этиш, кинофильмлар яратиши, радио, телевидение эшиттиришларини кенгайтириш каби вазифалар белгилаб қўйилған.

Албатта, мустабид тузум даврида таълим-тарбиянинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борганда, унинг дастлаб чо-

ризм, кейинчалик шүролар мафкурасига тулиқ буйсунди да хизмат қылди. Ушбу дастурда мактаббача ва мактаб, рилган, миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз пой урта маңсус ва касб-хунар ҳамда олий таълимни уч босқич-мол этилган, халқымиз, шу жумладан, фарзандларимиңда истроқ қилишни, беш босқичли таълим тизимини ярапонгига ёт тоғыларни сингдеришга қаралат килемнан. Де тиши күздә түтилганды.

кин Президентимиз ҳақли равищда таъкидлаганидек: «Но-  
хақлик ва зўравонлик хукмрон бўлган шундай замонларда  
ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайфуси билан яшаган  
чинакам ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди»<sup>1</sup>. Бу үрин  
да жадид боболаримизнинг маърифат ила жамиятимизни  
тараққий эттириш, замонавий таълим-тарбия тизимини  
вужудга келтириш борасида эзгу саъй-ҳаракатларини тилга  
олиш жоиздир. Улар аёвсиз қатағон этилган бўлса ҳам,  
орзу-интилишлари зое кетмади. Мамлакатимиз мустақил-  
ликка эришгач, уларнинг орзу-армонлари рӯёбга чиқди.  
Истиқтол йилларида юртимизда дунё жамоатчилиги то-  
монидан эътироф этилган замонавий миллӣ таълим ти-  
зими яратилди.

Бу борадаги миллый дастур концепцияси Президенттимиз томонидан 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли маъruzасида асослаб берилди. Унга бинонан, мамлакатимизда ноёб, дунёда ўхшаши йўқ узлуксиз итаълим тизими яратилиди.

Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг дастлабки босқичи ҳисобланади. Унинг асосий мақсади – бола шахсининг ҳар жиҳатдан ривожланишини таъминлаш, қобилиятларини рӯёбга чиқариш, ўқишга, доимий таълим олиш учун зарур бўлган кўнікмаларни шакллантириш ва мактабда муваффақиятли ўқиш учун тайёрлашдан иборат. Мактабгача тарбия муассасалари болаларнинг билими ва амалий кўнікмаларини шакллантириш билан бирга, уларни ватанпарварлик, мустақиллик фояларига садоқат, тарихимиз ва бой маънавий-маърифий меросимиз ва қадриятларимизга юксак ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

Мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг қонуний асослари «Таълим тўғрисида»ги Қонун (1992 й.), Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (1997 й.), «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Концепция (2008, 2011), «Мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги Низом (2007), «Болажон» дастури (2010) ва бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгилаб берилган.

Масалан, 2008 йилда Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Концепцияда мактабгача таълим муассасалари тараққиётининг устувор йўналишлари, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш усул ва услублари белгилаб берилган булиб, бу борада илгари сурилган давлат талаблари ҳар бир боланинг ёшини эътиборга олган ҳолда ривожланиш даражасини аниқлаш, педагог ва тарбиячилар иш самардорлигини ошириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 ийл 18

### **1.3. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙÙНАЛИШЛАРИ**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигига давлат ва жамият ҳәётини, жумладан, таълим тизимини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлолнинг дастлабки йилларида ёқ Президентимиз кадрлар тайёрлашнинг замонавий ягона тизимини яратиш foясини илгари сурисиб: «Таълим беришнинг, маънавий, ахлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялашнинг мутлақо янги тизими ишлаб чиқилиши зарур. Сифат жиҳатидан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркор»<sup>1</sup>, дея таъкидлаган эди. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари кейинчалик таълим-тарбия соҳасига оид кўплаб қонунларнинг, тегишли меъёрий хужжатларнинг, энг муҳими, бутун дунё жамоатчилиги томонидан тан олинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг яратилишига методологик асос сифати-

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., «Маънавият», 2013, 26-б.

<sup>3</sup> Ислом Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1996, 49-б.

ионда қабул қилинган «Давлат ихтисослаштирилган мақ таъкид табгача таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида»ги қарорига асосан мазкурията максад ҳа муассасаларнинг моддий-техника базаси Мустаҳкамландингдек, зарур мутахассислар, жумладан, психологлар, дефектологлар келмоқда.

лар ва тиббий ҳамширалар билан тулиқ таъминланди. Ушб Бугунги кунга келиб, республикада 6911 та мактабгача муассасаларда имконияти чекланган болаларга ёрдам бегаълим ва 605 та мактабдан ташқари муассасалар фаолиятниш ва уларни мактабда ўқитиш учун барча ишлар амалга ортиб, уларда амалдаги қонунчиликка биноан, таълим-оширилмоқда.

Бугунги кунга келиб, республикада 6911 та мактабгача муассасаларда имконияти чекланган болаларга ёрдам бегаълим ва 605 та мактабдан ташқари муассасалар фаолиятниш ва уларни мактабда ўқитиш учун барча ишлар амалга ортиб, уларда амалдаги қонунчиликка биноан, таълим-оширилмоқда.

Республикадаги барча мактабгача таълим муассасаларга қалпоқ, рус, тожик, қирғиз ва қозоқ тилларида олиб рида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини мухофаза этиш масабориимокда.

лаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан ишлаб чиқилган «Мактабгача таълим муассасалари»даги бола ҳёти ва соғлигини муҳофаза этиш тартиби түгриси да»ги Низомда болалар ҳёти ва соғлигини муҳофаза этишини ташкил қилиш тартиби, болаларнинг муассасага келиб-кетиш қойдалари, бинода соғлиқни муҳофаза этишга, ёнғин хавфсизлигига доир талаблар баён этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги мактабгача таълим мусассасалари фаолият йўналишларига кўра қуидаги турларга бўлинади:

- болалар яслиси, болалар ясли-богчалари, болалар боғчалари, оиласирилган болалар боғчаси (ҳам алоҳида муассаса ҳам филиал тарзида);
  - мактабгача ва бошлангич таълим (болалар боғчаси – мактаб);
  - бир неча устувор йўналишда фаолият юритувчи мактабгача таълим (бадиий-эстетик, тилларни ўрганиш ва спорт йўналишлари ва ҳ.к.);
  - имконияти чекланган болаларга (жисмоний ёки руҳий жиҳатдан) малакали ёрдам кўрсатадиган болалар боғчаси;
  - тиббий-гиgienик, профилактик ва соғломлаштириш тадбирлари орқали жисмонан заиф болаларга қараб туриш ва уларнинг соғлигини тиклашга йўналтирилган болалар боғчаси;
  - аралаш тусдаги болалар боғчаси (унинг таркибига умумирик ишни олдириш, соғломлаштирувчи ва бошқа гурӯҳлар кириши мумкин).

6) таълим дастурини танлашга ягона ва таобақалаштирилган ёндашув;

7) ҳар бир шахснинг билим олиши ва истеъодони ривожлантиришни рафбатлантирилиши;

8) таълим тизимида давлат ва ижтимоий бошқарувининг ўзаро ўйғунлиги.

Бу устувор тамойилларга таянган ҳолда мактабгача таълим тизимини бошқаришда қўйидаги омиллар алоҳида аҳамият касб этади:

  - 1) демократик-халқарварварлик асосида бошқарув. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Халқ таълими тизимига доир қонун ҳужжатлари асосида ишларни ташкил этиш;
  - 2) яккабошчилик тамойили – маълум мақсадга қаратилган иш усули бўлиб, мактабгача таълим муассасалари ийлилк иш режасини тўлиқ бажаришга қаратилади;
  - 3) ҳамкорлик тамойили – барча масалаларни жамоатъзодари билан биргаликда ҳал этишни назарда тутади;

Таъкидлаш жоизки, мактабгача таълим олдида турган  
мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишда жамоат ва  
ташкилотлари, маҳалла, халқаро жамғармалар, шу-  
нингдек, тадбиркорлик тузилмалари фаол иштирок этиб  
кељмокда.

Бугунги кунга келиб, республикада 6911 та мактабгача  
егальим ва 605 та мактабдан ташқари муассасалар фаолият  
тароритиб, уларда амалдаги қонунчилликка биноан, таълим-  
гарбия ишлари, асосан, ўзбек тилида, шунингдек, Қо-

арақалпок, рус, тожик, қирғиз ва қозоқ тилларида олиб  
аборилемоқда.

Узбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги давлат исиёсатининг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

1) таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характери, тегра Эга экани;

- 2) таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
  - 3) ўрта маҳсус, касб-хунар таълим йўналишини академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;
  - 4) таълим тизимининг дунёвийлиги;
  - 5) Давлат таълим стандартлари доирасида таълим олиш ўкуқига эга экани;
  - 6) таълим дастурини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;
  - 7) ҳар бир шахснинг билим олиши ва истеъодини ривожлантиришни рафбатлантирилиши;
  - 8) таълим тизимида давлат ва ижтимоий бошқарувининг ўзаро йўғунлиги.

Бу устувор тамойилларга таянган ҳолда мактабгача таълим тизимини бошқаришда қүйидаги омиллар алоҳида аҳамият касб этади:

- 1) демократик-халқарварлық асосида бошқарув. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Халқ таълими тизимиға доир қонун ҳужжатлари асосида ишларни ташкил этиш;
  - 2) яккабошчилик тамойили – маълум мақсадга қаратилган иш усули бўлиб, мактабгача таълим муассасалари йиллик иш режасини тўлиқ бажаришга қаратилади;
  - 3) ҳамкорлик тамойили – барча масалаларни жамоа аъзодлари билан биргаликда ҳал этишни назарда тутади;

4) *аниқлик тамойили* – педагогик, методик ва хўжаликни маъдум мақсадга қаратилган ҳолда аниқ, пухташкил этиш ва бажарилишини таҳдил қилиш;

5) *хўжаликни бошқариш тамойили* – иш юритиш түғри ташкил қилиш асосида сметадаги маблағларни түргаш, унинг бандларини ўз вақтида бажарилишидан назоратни олиб бориш;

6) *такқид ва ўз-ўзини танқид* – раҳбар ва ҳар бир ишни ўзишига нисбатан талабчанлик билан ёндаши меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, баъди ишларга танқидий муносабат;

7) *фарқлаш тамойили* – ишдаги ижобий ва салби жиҳатланни ва илгор иш тажрибаларни кўра олиш;

8) *ярниликни ҳис қила олиш тамойили* – ўз устида таълимни изиз ишлаш асосида таълим соҳасидаги ўзгариш янгиликтардан хабардор бўлиш, замонавий ахборот-коммуникация ва илгор педагогика технологияларни ўзлаштириш виши фоалиятida кўллай олиш.

Мактабгача таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш соҳасининг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Унгага олиш, мактабгача таълим тизимининг асосий мақсади – бола шахснинг асосларини шакллантириш, унинг таълим тўғрисида»ги концепция ва низомда кўрсатиб берилган мактабгача таълим мусавидалар ташкил этиди. Шу билан бирга, мактабгача таълим муассасаси мустақил равишда ўзмактабда ўқишига тайёрлаш, билим олишга қизиқишини тааллуқли масалалар юзасидан, қонунчиликка ва педагогик тамоилиларга зид бўлмаган ҳар қандайдаги қарорлар қабул қилишга ҳақлиdir.

Узлук из таълим тизими ва кадрлар тайёрлашнинг давлат ва нодавлат таълим муассасаларини таркибий жиҳатдан ўзартиш ва уларни изчилир ривожлантириш давлат томонидан бошқариб борилади. Барча бўгин таълим бошқарув органларининг хукуқ ва ваколатлари «Таълим тўғрисида»ғи қонунга мувофиқ белгиланади. Мазкур қонун таълим муассасалари фоалиятининг меъёрий-хукуқий асосларини белгилаб бериш баробарида унинг молия-хўжалик ишларини тўғри ва оқилона юритишни, таълим жароёнини ташкил этишда ўқув юртларининг мустақил фо-

Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирати МАҲКАМАСИ томонидан белгиланган тартибда аттеста-нидан ўтказилади ҳамда аккредитация қилинади. Аккредитация якунларига кўра, уларга таълим соҳасида фаолига юритиш ҳуқуқи берилади.

Муассис ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият органлари, тадбиркорлар доиралари, жамоат ташкилотлари, турмушни жамғармалар ва ҳомийлар вакилларини ўз ичига олган мөхнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, баъди муассасаларида самарали жамоат бошқарув тизими жоюрадиган ишларга танқидий муносабат; ий этилади.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида мамлакатидан таълим тизими, жумладан, мактабгача таълим тизимини тубдан янгилаш ва такомиллаштириш давлати из сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланади. Шу йиллар мобайнида юртимизда мазкур соҳани риоҳлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий-институционал сослари яратилди. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг алоҳида моддаси мактабгача таълимга бағишланган шундан далолат беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади – бола шахснинг асосларини шакллантириш, унинг таълим тизимини таъминлаш, таълимнинг кейинги босқичи – ўрта мактабда ўқишига тайёрлаш, билим олишга қизиқишини тааллуқли масалалар юзасидан, қонунчиликкага таълим олти-етти ёшгача ойлада, давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида олиб борилади», деянидай этилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади кам комил инсон тарбиясига қаратилган. Мазкур хуқуқий тегизлар асосида яратилган мактабгача таълим концепциясига таянган ҳолда мактабгача таълимнинг таркиби ва мазмунини қайта кўриб чиқиш, жисмоний, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан баркамол, мустақил фикрлайдиган авлодни шакллантириш, уни миллий анъана ва қадриятларимиз, буюк аждодларимиз қолдирган улкан маънавий-маърифий мерос, халқ педагогикаси тажрибаси, замонавий илм-фан эришган ютуқларга таянган ҳолда тар-

биялаш тарбиявий жараёнда мактабгача таълим мусалалари оила ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари уйғунлаштириш масалалари узлуксиз ва изчил ҳал этишини баҳс-мунозара тарзида үтказишида қўлланиладиган мөқдати.

Шу маънода 1993 йилда қабул қилинган ҳамда фикрларни асослашга ҳамда зандларни ёшлигиданоқ жисмонан, руҳан, маънабаҳаслашиш маданиятига ўргатади. Тингловчиларга таржихатдан тарбиялашни кўзда тутган «Соғлом авлод узлуксиз ҳамда бўёни баён этишига ёрдам беради.

1) мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбияни мазмунини такомиллаштириш ва бойитиш;

2) мактабгача таълим муассасаларида бассейн, сувхалини, залари, турли спорт иншоотлари ва тўгаракларини ташкил этиши;

3) бу борада мамлакатимизда ва хорижда тўпланилгор таҳкибани ўрганиш ва оммалаштириш;

4) машғулотларни қизиқарли ўйин тарзида, хусуса халқ миллий ўйинлари асосида ташкил этиши ва ўтказиши;

5) болаларнинг соғлигини сақлаш, муҳофаза қилива мустахкамлаш, согломлаштириш ва чиниқтириш машғулотларини узлуксиз олиб бориш.

### **Мактабгача таълим бўйича асосий иш хужжатлари:**

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун (Т., 1997).
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Т., 1997).
3. «Мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги Ном (Т., 2007).
4. «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Концепция (Т., 2008; 2010).
5. Мактабгача ўшдаги болалар ривожланишига кўйинг асосини ташкил этиб, таълимнинг барча турларини, ладиган давлат талаблари (Т., 2008; 2012).
6. Мактабгача таълим соҳасида чиқарилган фармогузилмаси ва унинг фаолият мазмун-моҳияти-бўйруқ, фармойишлар, курсатмалар, йуриқномалар, бошни ифода этади.
7. «Болажон» дастури (Т., 2010).

### **ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Мунозарали масалаларни ҳал этиши ҳамда ўқув жараёнини баҳс-мунозара тарзида үтказишида қўлланиладиган либу технология тингловчиларни ўз нуқтаи назарини ҳимоя

мөқдати.

Ф – фикрингизни баён этинг.

С – фикрингизни айнан шундай баён этишининг сабабини курсатинг.

М – фикрингизни асословчи далиллар келтиринг.

У – фикрингизни якунлаб, умумлаштиринг.

Савол	Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг миллий моделига тавсиф
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингизни айнан шундай баён этишининг сабабини курсатинг	
(М) Фикрингизни асословчи далиллар келтиринг	
(У) Фикрингизни якунлаб, умумлаштиринг	

### **1.4. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Узлуксиз таълим – юксак малакали кадрлар тайёрлашниң асосини ташкил этиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими ладиган давлат талаблари (Т., 2008; 2012). Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожланишишни ифода этади.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожланишишни асосий тамойиллари кўйидагилардан иборат:

– таълимнинг устуворлиги – мазкур соҳани изчил ва узлуксиз ривожланишиш, билим, ақл-заковат ва юксак интеллектнинг нуфузи устувор аҳамиятга эга экани,

биялаш, тарбиявий жараёнда мактабгача таълим муассасалари, оила ва ота-оналарнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш масалалари узлуксиз ва изчил ҳал этилмокда.

Шу маънода 1993 йилда қабул қилинган ҳамда фарзандларимизни ёшлигиданоқ жисмонан, руҳан, маънавий жиҳатдан тарбиялашни кўзда тутган «Соғлом авлод учун дастури» ҳам бекиёс аҳамият қасб этади. Унда, жумладан, қўйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- 1) мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия мазмунини такомиллаштириш ва бойитиш;
- 2) мактабгача таълим муассасаларида бассейн, сув ҳавзалари, турли спорт иншоотлари ва тугаракларини ташкил этиш;
- 3) бу борада мамлакатимизда ва хорижда тўпланган илфор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш;
- 4) машғулотларни қизиқарли ўйин тарзида, хусусан, ҳалқ миллий ўйинлари асосида ташкил этиш ва ўтказиш;
- 5) болаларнинг соғлигини сақлаш, муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, соғломлаштириш ва чиниктириш машғулотларини узлуксиз олиб бориш.

### **Мактабгача таълим бўйича асосий иш ҳужжатлари:**

1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун (Т., 1997).
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (Т., 1997).
3. «Мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги Низом (Т., 2007).
4. «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Концепция (Т., 2008; 2011).
5. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари (Т., 2008; 2012).
6. Мактабгача таълим соҳасида чиқарилган фармон, буйруқ, фармойишлар, кўрсатмалар, йўриқномалар, бошқа директив ва меъёрий ҳужжатлар.
7. «Болажон» дастури (Т., 2010).

## ФСМУ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Мунозарали масалаларни ҳал этиши ҳамда ўқув жара-  
ёнини баҳс-мунозара тарзида ўтказишда қўлланиладиган  
ушибу технология тингловчиларни ўз нуқтаи назарини ҳимоя  
қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини асослашга ҳамда  
баҳслашиш маданиятига ўргатади. Тингловчиларга тар-  
қатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ифода  
этуб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни  
баён этишга ёрдам беради.

**Ф** – фикрингизни баён этинг.

**С** – фикрингизни айнан шундай баён этишининг саба-  
бини кўрсатинг.

**М** – фикрингизни асословчи далиллар келтириңг.

**У** – фикрингизни якунлаб, умумлаштириңг.

Савол	Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг миллий моделига тавсиф
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингизни айнан шундай баён этишининг сабабини кўрсатинг	
(М) Фикрингизни асос- ловчи далиллар келти- риңг	
(У) Фикрингизни якун- лаб, умумлаштириңг	

### 1.4. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Узлуксиз таълим – юксак малакали кадрлар тайёрлаш-  
нинг асосини ташкил этиб, таълимнинг барча турларини,  
давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими  
тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш мазмун-моҳияти-  
ни ифода этади.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириши-  
нинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

– *таълимнинг устуворлиги* – мазкур соҳани изчил ва  
узлуксиз ривожлантириш, билим, ақл-заковат ва юксак  
интеллектнинг нуфузи устувор аҳамиятга эга экани;

— таълимнинг демократлашуви — таълим-тарбия технологиялари, услуга ва тамойилларини белгилаш ва қуллашда ўқув юртлари мустақиллигининг кенгайиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимининг жорий этилиши;

— таълимнинг инсонпарварлашуви — бола манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, қобилиятларини рўёбга чиқариш ва ривожлантириш, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигини, инсоннинг жамият ва атроф-муҳит билан узаро муносабатлари уйғунлигини таъминлаш;

— таълимнинг ижтимоийлашуви — таълим олувчилар дунёқарашини шакллантириш ва юксалтириш, уларда эркин, мустақил ва ижодий фикрлаш куникмаларини қарор топтириш;

— таълимнинг миллийлашуви — таълимнинг тарихимиз, миллий анъана ва урф-одатлар билан узвий боғлиқлиги, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар тарихи ва маданий қадриятларини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг энг муҳим омили сифатида эътироф этиш;

— таълим-тарбиянинг узвий боғлиқлиги — бу жараённинг ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантиришга йўналтирилгани;

— иқтидорли ёшларни аниқлаш — ёшлигиданоқ ҳар бир боланинг қобилияти ва қизиқишиларини эътиборга олиб, аста-секин муайян соҳага йўналтириб бориш, мукаммал билим олиши учун барча зарур шарт-шароит яратиш.

## ИНСЕРТ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИБ ИШЛАШ ҚОИДАСИ

1. Маъруза матнини ўқиб, матнинг четига қуийдаги белгиларни қўйиб чиқинг:

Б./ Б. /Б. технологияси

Б — биламан

Б — мен учун янги маълумот

Б — мен билган маълумотни инкор этади

? — ноаниқ (аниқлаштириш талаб этиладиган) қўшимча маълумот.

*2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.*

Мавзуу саволлари	Б	Б	Б	?
1. Мактабгача таълимнинг мазмун-моҳияти ва таълим тизимида тутган урни				
2. Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълимнинг вужудга келиши ва тараққиёт босқичлари				
3. Мустақиллик йилларида мактабгача таълим тизимини ривожлантириш тамойиллари ва асосий йуналишлари				
4. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойиллари.				

**Таянч тушунчалар:**

*Ижтимоий мактабгача таълим муассасаси* – давлат томонидан ташкил этиладиган мактабгача таълим муассасаси.

*Типовой лойиҳа* – Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган намунавий лойиҳа.

*Директив ҳужжат* – маъмурий йўриқнома, курсатма.

*Меъёрий ҳужжат* – мактабгача таълим соҳасига оид қонунлар, фармонлар, қарорлар, буйруқлар, фармойишлар, қонуности ҳужжатлар.

**МАВЗУ ЮЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН  
АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., «Ўзбекистон», 2012.
2. **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., «Маънавият», 2013.
3. **Ислом Каримов.** Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар. 4-жилд. –Т., «Ўзбекистон», 1999, 49-б.
4. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим түғрисида»ги Қонуни:// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури:// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.

7. «Ўзбекистон Республикаси давлат мактабгача таълим муассасаси түғрисида»ги Низом. –Т., 2007.
8. «Ўзбекистон Республикаси нодавлат мактабгача таълим муассасаси түғрисида»ги Низом. –Т., 2007.
9. **Ф. Р. Қодирова, Р. М. Қодирова.** Мактабгача таълим Концепцияси. –Т., «Фан ва технология», 2011.
10. «Болажон» дастури. –Т., «Маърифат-Мададкор», 2010.
11. **О. Ҳасанбоева, М. Таджиева, Ш. Тошпулатова** ва бошқ. Мактабгача таълим педагогикаси. –Т., «Илм-зиё», 2011.
12. **Ш. К. Тошпулатова.** Мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш усуллари. –Т., ТДПУ, 2001.
13. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. 2008; 2012.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Мактабгача таълим тизимининг мазмун-моҳияти нимада намоён бўлади?
2. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабгача таълим тизимиға қандай аҳамият берилган?
3. Ижтимоий мактабгача таълимнинг ривожланиш тарихини ёритиб беринг.
4. Мактабгача таълимнинг вазифалари нималардан иборат?
5. Узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг қандай тамойилларини биласиз?
6. Мактабгача таълим буйича асосий иш ҳужжатларини изоҳлаб беринг.

### **МАВЗУ ЙОЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

1. **Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими қайси жавобда тўғри берилган?**
  - а) ясли–боғча, мактабгача муассаса–мактаб;
  - б) боғча–мактаб–лицей мажмуаси;
  - в) мактабгача таълим муассасаси–мактаб–лицей, нодавлат мактабгача таълим муассасалари;
  - г) мактаб, лицей, боғча–мактаб.
2. **Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш тамойиллари қайси меъёрий ҳужжатда белгилаб берилган?**
  - а) «Таълим тўғрисида»ги Қонунда;
  - б) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида;

- в) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида;
- г) «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Низомда.

**3. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси таълимнинг қайси турига бағишланган?**

- а) ўрта маҳсус, касб-хунар тизимиға;
- б) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- в) мактабдан ташқари таълим;
- г) оиласидаги таълим ва мустақил равишда таълим олиш.

**4. «Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида»ги Низомнинг мақсади қайси бандда тўғри келтирилган?**

- а) бола шахсини, мактабгача ёшдаги болалар таълим тарбия-сига қўйиладиган давлат талабларига мувофик, соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш;
- б) мактабгача таълим ёшидаги болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан соғлом ва етук қилиб тарбиялаш;
- в) 6–7 ёшли болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, ақлий-ахлоқий етук инсонлар этиб тарбиялаш;
- г) мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш;

**5. Мактабгача таълим муассасасининг юридик шахс ҳукуқи қайси қонунда белгилаб берилган?**

- а) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида;
- б) «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Низомда;
- в) «Таълим тўғрисида»ги Қонунда;
- г) Мактабгача таълим концепциясида.

## **II боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ РЕЖАЛАШТИРИШ, МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ, ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

1. Халқ, хўжалигини илмий асосда режалаштириш – иқтисодий тараққиёт асоси.
2. Режалаштиришнинг асосий босқич ва турлари.
3. Смета – давлат молиявий ҳужжати сифатида.
4. Мактабгача таълимни ташкил қилиш ва бошқариш тамойиллари.

### **2.1. ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИЛМИЙ АСОСДА РЕЖАЛАШТИРИШ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ**

Мактабгача таълим муассасаларини лойиҳалаштириш, режалаштириш ишлари республика халқ хўжалиги режаси асосида амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаси шу асосда иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режасини ишлаб чиқади. Унда мактабгача таълим муассасаси йўналиши бўйича фаолият натижаларини акс эттирувчи ва болаларнинг ўртача йиллик сонини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қиласидан назорат рақамлари, кўрсаткичлари, бюджет ва тармоқ молия меъёрлари орқали муассасани сақлаб туриш ва ривожлантиришга ажратилган маблағлардан фойдаланишда:

- маблағ билан таъминлашнинг бюджет ва тармоқ меъёрлари;
- иш ҳақи жамғармаси даромадларини тақсимлаш меъёрлари;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш жамғармаси меъёри;
- валюта ажратмалари жамғармаси меъёрлари;
- мактабгача таълим муассасаси режа, молия, меҳнат интизомига қатъий риоя қилишга мажбурдир.

*Мактабгача таълим муассасаларини лойиҳалашибриши, режалаштириш ишлари республика халқ хўжалиги режаси асосида амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаси иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши режасини ишлаб чиқишида соҳага оид меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар: қонунлар, қарорлар, фармойишлар, буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатларга асосланиб иш юритади. Мактабгача таълим муассасаси ўз хуқуқ ва ваколатлари доирасидан ташқарига чиқадиган бошқа масалаларни, хусусан, ер ва сувдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш ишларини амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан келишган ҳолда ҳал этишлари лозим.*

Мактабгача таълим муассасаларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режаси ҳамда бюджет ёки тармоқ молиявий меъёрлари Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, бошқа республика ташкилот ва идоралари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг илмий жиҳатдан асосланган методик тавсиялари асосида ишлаб чиқилади. Мактабгача таълим муассасаларини маблағ билан таъминлашда ҳисоб бирлиги сифатидан ўртача йиллик ҳисобда бир бола олинади.

Мактабгача таълим муассасаси ўз хуқуқ ва ваколатлари доирасидан ташқарига чиқадиган бошқа масалаларни, хусусан, ер ва сувдан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш ишларини амалга ошириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш борасидаги режаларини халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ўзаро келишган ҳолда ҳал этишлари лозим.

Давлатга тегишли мактабгача таълим муассасаси бюджет ёки тармоқ молиявий манбалари асосида фаолият юритади.

Мактабгача таълим муассасасининг қўшимча пул маблағлари қўйидаги манбалардан шаклланади:

- 1) бажарилган иш, курсатилган хизмат учун олинган маблағлар;
- 2) бўш хоналар, иншоотлар, ускуналарни ижарага беришдан тушган маблағлар;

3) ихтиёрий бадаллар, давлат, жамоат ва хайрия таш-кilotларидан, шунингдек, фуқаролардан тушган маблағ-лар, моддий неъматлар;

4) бошқа манбалар.

Мактабгача таълим муассасасида қуйидаги жамғармалар шакллантирилиши мумкин:

- а) иш ҳақи ва ижтимоий ривожланиш жамғармалари;
- б) ишлаб чиқариш жамғармаси;
- в) валюта жамғармаси.

### **Б./ Б. /Б технологиясини кўллаш қоидалари**

	Мавзуга оид саволлар	Биламан	Билиб олдим	Билишни хоҳлайман
1.	Халқ хўжалигини режалаштириш тамойиллари			
2.	Мактабгача таълим муассасасини режалаштириш тамойиллари			
3.	Бюджет ҳисобининг моҳияти			
4.	Жамғармалар турлари			

## **2.2. РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧ ВА ТУРЛАРИ**

Режалаштиришда истиқболли ва жорий турлар фарқланади.

**Истиқболли режа** бу – Халқ таълими вазирлиги, вилюят бошқармалари, туман ва шаҳар молия-иктисод бўлимлари томонидан узоқ муддатга (5–10 йилга) мўлжаллаб тузиладиган режалар тушунилади.

**Жорий режалаштириш** – ҳар йили амалга ошириладиган молиявий-хўжалик ишлари режасидир. Таълим тизими юқори бошқарув органлари қонунчиликда белгиланган хукуқ ва ваколатлари доирасида мактабгача таълим муассасаларига тегишли кўрсатмалар беради, муассаса ўз фаолиятида қонунчиликка қанчалик риоя қилаётгани, ижтимоий мулкни қай даражада тасарруф этаётгани ишлаб чиқариш ва молиявий хўжалик фаолиятини назорат

этади, зарур ҳолларда бошқа манфаатдор ташкилотларни жалб қилиб, бир йилда бир марта комплекс текширувни амалга оширади.


Мактабгача таълим муассасаларининг харажат сметалари уларнинг ижтимоий-тарбиявий ва молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ажратилган маблағларнинг қандай мақсадларга сарфланиши ва чораклар бўйича тақсимланишини белгилаб берадиган асосий ҳужжат ҳисобланади. Ана шу сметага асослануб, бюджетда мактабгача таълим муассасасининг молиявий эҳтиёjlари учун маблағ кўзда тутилади ва қонунчиликда белгиланган тартибда муассаса ҳисоб рақамига ўtkазиб берилади.

Мактабгача таълим муассасалари вазирликлар, идоралар, халқ депутатлари маҳаллий қенгашлари қарорига биноан, республика, вилоят, шаҳар ва туманлар халқ хўжалиги режасида белгилаб берилган болалар контингенти доирасида тузилади.

Таъкидлаш жоизки, таълим соҳаси ва кадрлар тайёрлашни молиялаштириш тизими узлуксиз такомиллаштириб борилади, жумладан, унинг кўп вариантлик (бюджет ва бюджетдан ташқари манбалардан) тизими жорий этилиб, таълим муассасаларининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, хусусий ҳамда чет эл инвестицияларини таълим соҳасига жалб этиш борасида сайд-ҳаракатлари рафбатлантирилади.

Республика фуқаролари учун кейинчалик уларни тӯлашнинг мослашувчан тизимига асосланган таълим кредитлари бериш механизмини шакллантиришга, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда донорлик ва ҳомийлар мавқеини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, таълим соҳасида пуллик хизматлар қўрсатиш, тадбиркорлик, маслаҳатлар бериш, экспертиза ишлари, ноширлик, ишлаб чиқариш ҳамда муассаса низомида белгилаб қўйилган вазифаларга мувофиқ бошқа тарздаги фаолият йўналишлари ривожлантириб, шу асосда таълим муассасалари даромадларини кўпайтириш таъминланади.

## Режалаштиришнинг асосий босқичлари бўйича Вени диаграммасини тўлдиринг



### РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧ ВА ТУРЛАРИ

*Режалаштиришда истиқболли ва жорий турлар фарқланади.*

*Истиқболли режалаштириш* бу – *Халқ таълими вазирилиги, вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар молиятиқтисод бўлимлари томонидан узоқ муддатга (5–10 йилга) мўлжаллаб тузиладиган режалар тушунилади.*

*Жорий режалаштириш* – *ҳар йили амалга ошириладиган молиявий-хўжалик ишлари режасидир.*

### 2.3. СМЕТА – ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА

Смета – мактабгача таълим муассасасининг барча харажатлари ва уларни қоплаш манбалари, бюджет ажратмалари ва ота-оналар маблағларини акс эттирадиган молиявий-меъёрий ҳужжатdir.

Мактабгача таълим муассасасида ёзги ҳордиқ ва соғломлаштириш тадбирларини утказиш учун алоҳида смета тузилади. Ишлаб чиқариш курсаткичларини аниқлашда муассасадаги гуруҳлар, болалар сони, уларнинг муассасада қанча вақт булиши, муассаса ходимларининг неча соат ишлаши ва ишнинг турига ҳам алоҳида эътибор берилади. Смета харажатларини режалаштириш қуйидаги моддалар бўйича амалга оширилади: «Иш ҳақи», «Иш ҳақига нисбатан ажратмалар», «Маъмурий ва хўжалик харажатлари», «Хизмат сафарлари харажатлари», «Адабиётлар,

кургазмали воситалар ва үйинчоқлар сотиб олиш», «Овқатлантириш харажатлари», «Асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш», «Бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш харажатлари», «Бошқа харажатлар».

Болаларни «Овқатлантириш харажатлари» моддаси асосида таомнома тузиш:

«Овқатлантириш харажатлари» моддасига болаларни овқатлантиришга мұлжалланған маблағлар киритилади. Таомнома битта болага күнлик овқатланиш учун белгіланған пул меъёри ва йил давомидаги тушумлар асосида тузилади. Бунда мактабгача таълим муассасасининг тури, иш вақти эътиборга олинади. Овқатлантириш меъёри Соғлиқни сақлаш, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари томонидан белгилаб берилади. Овқатланишга ажратылған маблағ миқдорини аниқлаш учун бир болага кунига сарфланадиган овқат қийматини мактабгача таълим ва ясли гурухлары бүйича жами бола сонига күпайтирилади. Шунингдек, мактабгача таълим муассасаси сметасига барча ходимларнинг овқатланиши учун маблағ ажратылған күзде тутилади. Бу халқ таълими ва молия бўлимлари томонидан алоҳида рўйхат бўйича амалга оширилади. Бунда ходимлар ҳақ тулаш ҳисобига мактабгача таълим муассасаларида овқатланишлари мумкин. Смета амал қиладиган йил ва муассаса қайси бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминланиши қайд этилади.

Ёзги дам олиш ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказиши сарф-харажатлари мактабгача таълим муассасаси харажат сметасига киритилмайди. Бундай тадбирлар ўтказиладиган ҳолларда уларни амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар учун алоҳида смета тузилади. Шунингдек, болалар боғчаларида ота-оналар маблағлари ҳисобга олинган алоҳида смета ҳам тузилади.

Смета бюджетида қайд этилган харажат моддалари Молия вазирлиги томонидан тасдиқланған ҳужжат асосида тузилади. Сметада муассасасининг келаси йил учун ҳисоблаб чиқилған жами ҳамда ҳар бир модда бўйича харажатлар миқдори жорий йилга тасдиқланған харажатлар суммаси смета қачон тузилаётгани ва ўтган даврдаги ҳақиқий харажатлар миқдори эътиборга олинган ҳолда киритилган ўзгартишлар билан таққослаб келтирилади.

Кўрсатилган маълумотларни таққослашда сметани ижро этиш жараёнида ундан четга чиқиш ҳолларининг юз бергани ва уларнинг сабабини аниқлаш асосида келаси йилги харажатлар миқдорини туғри белгилаш талаб этилади.

Мактабгача таълим муассасалари смета тузиш вақтида келгуси йилги иш курсаткичларини (гуруҳлар ва тарбияланувчилар сонининг ортиши, болаларнинг муассасада булиш вақти ва ҳоказо) белгилашда ўзи бўйсунгандан юқори ташкилотнинг меъёрий хужжатлари, буйруқ ва кўрсатмаларига амал қиласи. Сметага киритилган харажатлар смета бланкасига келтирилган аниқ ҳисоб-китоблар билан асосланган булиши шарт.

Сметага ҳисоб-китоблар билан бирга, мактабгача таълим муассасаси эгаллаб турган бино ҳақида умумий маълумотлар (унинг ҳажми, майдони, иситиш тизими, электр, газ, водопровод, канализация тармоғининг мавжудлиги), шунингдек, муассасанинг кўламига оид курсаткичлар (гуруҳлар ҳамда болалар сони ва ҳ.к.) ҳам акс эттирилади. Бундан ташқари, сметага мактабгача таълим муассасасида фаолият юритаётган педагоглар, тарбиячилар, энагалар, ҳамширалар ва бошқа ходимларнинг икки нусхада тузилган тарификация рўйхати илова қилиниши шарт.

Смета лойиҳаси тегишли иловалар билан мактабгача таълим муассасалари томонидан белгиланган муддатда юқори ташкилотларга икки нусхада, зарур ҳолларда эса уч нусхада тақдим этилади.

Юқори ташкилот мактабгача таълим муассасасининг сметасини қабул қилиб олгач, энг аввало, сметанинг туғри тузилганини аниқлаб, унинг тўлиқ тўлдирилгани, алоҳида моддалар бўйича харажат суммалари аниқ ҳисоб-китоб қилингани, бинонинг ҳажми ва майдони тўғри кўрсатилгани, шунингдек, ходимларнинг тарификация рўйхати илова қилинганини текширади.

Барча ҳисоб-китоблар кўриб чиқилгач, ҳар бир модда бўйича харажатлар аниқланади ва бюджет ҳисобидан ажратиладиган харажатлар унда аниқ мақсадлар учун белгиланган суммага тенглаштирилади. Сунг мактабгача таълим муассасасининг смета бланкасига жами харажатлар

(алоҳида модда бўйича ва умумий сумма), шунингдек, бюджет ҳамда ота-оналар маблағлари ҳисобига ажратиладиган харажатлар кварталлар бўйича тасдиқланган тақсимотга биноан ёзib қўйилади. Смета юқори ташкилот томонидан қабул қилингач, мактабгача таълим муассасаси бошқа харажатлар ва ота-оналардан тушадиган маблағларни ҳар бир квартал бўйича тақсимлаб, ҳисоб-китоб қилиб қўяди.

Харажатларни тақсимлашда баъзиларининг мавсумий характерда булиши (ёқилғи тайёрлаш, сабзавот жамғариш, таъмирлаш ишлари ва ҳоказолар) ҳисобга олиниши лозим. Агарда жорий йилда болалар сонини қўпайтириш кўзда тутилган бўлса, бу билан боғлиқ сарф-харажатлар (иш ҳақи, болаларни овқатлантириш учун сарфланадиган қўшимча маблағлар ва ҳ.к.) тегишли кварталлар харажатлари кўрсаткичларида акс эттирилиши керак. Сметанинг бир нусхаси муассасада қолади, иккинчи нусхаси юқори ташкилотга, учинчи нусхаси эса марказлашган бухгалтерияга, қишлоқ кенгашига, молия бўлими ва бошқаларга тақдим этилади.

Смета тасдиқланиш бланкасининг олд томонидаги маҳсус ёзув билан расмийлаштирилади. Мазкур ёзувда харажатларнинг жами миқдори, ходимлар иш ҳақи жамғармаси, смета тасдиқланган сана қайд этилади. Сўнгра сметани тасдиқлаган юқори ташкилот бошлиғи имзо чекади ва унинг имзосига идора муҳри босилади. Таъкидлаш жоизки, сметани тасдиқлаган ташкилот унга ўзгариш киритишга ҳақлидир. Бундай ўзгаришлар юқори ташкилотнинг мактабгача таълим муассасасига юборган ёзма хати билан расмийлаштирилади.

**II. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини аниқлаш.** Мактабгача таълим муассасаларининг харажатлар ҳажми асосан ундаги гуруҳлар ва болалар сонига, ҳар бир боланинг мактабгача таълим муассасасида қанча вақт булишига боғлиқ. Бунда болаларнинг умумий сони ва уларнинг ҳар бирни муассасада қанча вақт булишига оид қўсаткичлар (9–10, 12–14 ва 24 соат) мактабгача таълим ва ясли гуруҳлари бўйича алоҳида қайд этилади. Муассасада соғломлаштириш гуруҳлари мавжуд бўлса, улардаги болалар сони ҳам ало-

ҳида курсатилиши лозим. Бу бўлимда гуруҳлар ва болаларнинг йил боши ва йил охиридаги ҳамда ўртача йиллик сони кўрсатилади. Режалаштирилаётган йил бошида мактабгача таълим муассасаларида смета тузилаётган вақтда ҳақиқатда мавжуд гуруҳлар миқдори ва болаларнинг рўйхатдаги сони келтирилади. Бу рўйхатда юқори ташкилот йўлланмаси билан муассасага қабул қилинган барча болалар қайд этилади. Агар жорий йил сметасида мактабгача таълим муассасасини кенгайтириш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда «Йил бошида» графасида гуруҳлар миқдори ва болалар сонида жорий йил охиригача юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар акс эттирилади. Ўзгаришлар бўлмаса, «Йил охирида» графасига йил бошида келтирилган маълумот ёзиб кўйилади. Режалаштирилаётган йил учун бир боланинг мактабгача таълим муассасасида бўлган кунлар сони, одатда, давомат табелидаги маълумотлар, шунингдек, ўтган йиллар режасининг ижросини таҳдил қилиш асосида болаларнинг турлича муддат билан муассасада қанча вақт бўлганига қараб аниқланади.

#### ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН САРФ ҚИЛИНАДИГАН ХАРАЖАТЛАР

Ёзги ҳордиқ ва соғломлаштириш тадбирлари вазирликлар ва идоралар томонидан республика бюджетида ижтимоий-маданий тадбирларга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади. Бинобарин, бу тадбирларни ўтказиш учун алоҳида смета тузилади.

Корхоналар қошидаги мактабгача таълим муассасаларида ёзги соғломлаштириш тадбирлари рағбатлантириш фонди ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда овқатлантириш меъёрлари купайтирилади, иш вақти узайтирилади, ота-оналардан олинадиган ҳақ миқдори ҳам оширилади. Шу муносабат билан, сметада ходимларнинг иш ҳақи, ташкилий-хўжалик ишлари, болаларни овқатлантириш учун қўшимча харажатлар кўзда тутилади.

*Смета – мактабгача таълим муассасасининг барча харажатлари ва уларни қоплаш манбалари, бюджет ажратмалари ва ота-оналар маблағларини акс эттирадиган молиявий-меъёрий ҳужжатдир.*

*Мактабгача таълим муассасасида ёзги ҳордиқ ва соғломлаштириши тадбирларини ўtkазиш учун алоҳида смета тузилади. Ишлаб чиқариш кўрсаткичларини аниқлашда муассасадаги гурухлар, болалар сони, уларнинг муассасада қанча вақт бўлиши, ходимларнинг неча соат ишлиши ва унинг турига ҳам алоҳида эътибор берилади. Смета харажатларини режалаштириши қўйидаги моддалар бўйича амалга оширилади: «Иш ҳақи», «Иш ҳақига нисбатан ажратмалар», «Маъмурий ва ҳўжалик харажатлари», «Хизмат сафарлари харажатлари», «Адабиётлар, кўргазмали воситалар ва ўйинчоқлар сотиб олиш», «Овқатлантириши харажатлари», «Асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олиш», «Бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш харажатлари», «Бошқа харажатлар».*

### **Билим даражасини аниқлаш ва фаоллаштириш**

#### **КЛАСТЕР МЕТОДИ**



## **2.4. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Ҳар қайси соҳани самарали идора этиш, авваламбор, бошқариш тамойил ва мезонлари, усул ва услубларининг илмий асослангани, қай даражада такомиллашгани билан белгиланади. Шу боис уларнинг ҳар бирини тавсифлаш, моҳиятини ифодалашга эҳтиёж туғилади.

**Тамойил** – бирор-бир соҳада, жумладан, таълим соҳасида илмий-амалий жиҳатдан асосланган хulosалар, эришилган натижалар.

**Бошқариш усули** – бошқарув субъектининг (бизнинг ҳолатимизда бу – ҳалқ таълими бошқаруви идоралари, муассаса раҳбарияти ва ҳ.к.) муайян мақсадларга эришишни назарда тутган ҳолда бошқарув объектига (бизнинг ҳолатимизда бу – мактабгача таълим муассасаси, тарбияланувчилар ва ҳ.к.) таъсир этиш усул ҳамда воситаларининг мажмуи.

**Бошқаришининг психологияк услублари** – бу шахснинг мустаҳкам психологик хислатлари – диққат, идрок, тафаккур, сезги, онг орқали бошқариш услублари мажмуи.

Бу тушунчалар ўзаро бир-бирлари билан узвий боғлиқ бўлиб, буларнинг барчаси кишилар ўртасидаги муносабатларда кузатилади.

Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, бошқариш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари татбиқ этилиб, уларга таянган ёндашувлар қарор топмоқда. Бошқариш усулининг энг муҳим белгиларидан бири унинг илмий ёндашувга таянишида намоён бўлади. Зеро, бугун бошқарув жараёнини илмий асосда ташкил этмасдан унинг изчилиги ва самарадорлигини тасаввур этиб бўлмайди.

Албатта, раҳбар шахс муайян соҳани, корхона ёки ташкилотни самарали бошқариши учун, аввало, етарли малақа ва билим, раҳбарлик салоҳияти, қўплаб маънавий-ахлоқий хислат ва фазилатлар соҳиби бўлиши даркор. Таълим соҳаси, жумладан, мактабгача таълим муассасалари ни бошқариш ҳам бундан истисно эмас.

Ушбу муассасалардаги бошқарув фаолиятида назарий билим ва амалий тажриба ва қўниқмаларни ўзаро ўйғун ҳолда қўллаш таълим-тарбия билан боғлиқ масалаларни талаб даражасида ҳал этиш, бу жараёнда фойдаланилади-

ган усул ва услубларни узлуксиз такомиллаштириб бориш, умуман олганда, мактабгача таълим-тарбия тизимини яна-да ривожлантиришга хизмат қиласи.

Шу маънода, кадрларни танлаш, тайёрлаш, малакасини ошириш баробарида уларнинг раҳбарлик салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш фойят муҳим аҳамият касб этади. Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратиб, Президент Ислом Каримов «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик» асарида: «Кадрлар танлашда – ватанпарварлик, халқпарварлик туйгуси бугун жуда катта аҳамиятга эгадир», деб таъкидлайди.

## МУНОЗАРА ТЕХНОЛОГИЯСИ

### Мунозара қатнашчиларига эслатма:

1. Мунозара – масалани ҳал этиш, ечиш усул ва услубларини излаб топишга қаратилмоғи лозим.
2. Кўп гапирмасдан, бошқаларнинг сўзлашига имкон бер!
3. Мақсадга эришиш йулида ҳиссиётларингни жиловлаб, пишиқ-пухта ўйлаган ҳолда сўзла!
4. Рақибларнинг фикр-мулоҳаза ва далилларини дикқат билан тингла!
5. Рақибларнинг фикр-мулоҳазаларига танқидий муносабатда бўл!
6. Мунозара мавзуси доирасидан четга чиқмаган ҳолда фикрларингни баён эт!

### Мунозарани бошқариш субъектлари

**Бошловчи** – мунозарани оқилона олиб бориш, иштирокчилар томонидан жавобларнинг асосланиши, атама ва тушунчаларнинг ўринли қўлланганини изоҳлаб боради, иштирокчилар ўртасидаги мулоқотни, тақдимотлар тақсимотини тўғри бошқаради.

**Тақризчи** – томонларнинг маърузаларини йўналишлар бўйича таҳлил этиб, масаланинг долзарблиги, аниқ кўйилгани, илмий жиҳатдан асосланиши, фикр-мулоҳазаларнинг мантиқийлиги ҳамда хуносаларнинг асосли ва тўғрилигини баҳолаб боради.

**Рақиб** – мунозарада иштирок этадиган бир гурухга мухолиф бўлган бошқа гуруҳ ёки гуруҳ аъзоси. У асосий маъruzачининг мулоҳазаларини куруқ танқид қилиш билан чекланмасдан, унинг қарашларидағи заиф ёки хато томонларини кўрсатиб бериш ҳамда ўзининг фикрини асослаб беришга интилади.

**Эксперт** – мунозара жараёни, жумладан, мунозара иштирокчилари томонидан билдирилган барча фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг изчилиги, ҳаққонийлиги ва самарадорлигини баҳолайди.

### Мунозара ўтказиш регламенти

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маъruzачиларнинг тақдимотларини эълон қиласи.
2. Маъруза 5 дақиқа давом этади.
3. Тақризчига 2 дақиқа ажратиласи.
4. Рақиб тарафга маъруза мавзуси бўйича фикрларини баён этиш учун 1–3 дақиқа берилади.
5. Ялпи муҳокама 5–10 дақиқа давом этади.

### Таянч тушунчалар:

**Жамоат муассасалари** – аҳолининг иқтисодий-ижтиомий, маданий-маиший, таълим-тарбиявий ва бошқа соҳалардаги талаб-эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган давлат томонидан ташкил этиладиган муассасалар.

**Тармоқ нормативлари** – тармоқ доирасида ишлаб чиқилган меъёрлар.

**Истиқбол режса** – узоқ муддатга мўлжаллаб тузиладиган режса.

**Смета** – муассаса ва ташкилот харажатлари акс эттирилган молиявий ҳужжат.

**Мавсумий мактабгача таълим муассасаси** – йилнинг муйян мавсумида ташкил этиладиган мактабгача таълим муассасаси.

## МАВЗУ ЎЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., «Ўзбекистон», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.
4. «Болажон» дастури. –Т., «Маърифат-Мададкор», 2010.
5. Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари. –Т., 2006.
6. Справочник «Руководителя дошкольного образовательного учреждения». –Т., 2006.
7. **Ф. Р. Қодирова, Р. М. Қодирова.** Мактабгача таълим концепцияси. –Т., «Фан ва технология», 2011.
8. Мактабгача таълим тизимига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т., «LIDER PRESS», 2009.
9. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. –Т., 2008; 2012.

## Назорат учун саволлар:

1. Мактабгача таълимни режалаштиришнинг асосий босқичларини ёритиб беринг.
2. Режалаштиришнинг қандай турларини биласиз?
3. Халқ хўжалиги режалари лойиҳаларини тузиш тартиби қандай?
4. ХТБ томонидан режалаштириш асослари нималардан иборат?
5. Смета нима?
6. Смета харажатларини тузиш тартиби қандай?
7. Метод деганда нима тушунилади?
8. Бошқариш тамойиллари тушунчаси ва мазмун-моҳиятини изоҳлаб беринг.
9. Бошқариш усули нима?
10. Мактабгача таълим муассасаларида бу тамойиллардан фойдаланишининг аҳамияти нималардан иборат?

## **МАВЗУ ЙОЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

**1. Мактабгача таълимни молиявий таъминлаш қайси ҳужжатда күрсатылған?**

- а) мактабгача таълим муассасасининг сметасида;
- б) мактабгача таълим муассасасининг йиллик иш режасида;
- в) мактабгача таълим муассасасининг уставида;
- г) «Таълим тұғрисида»ги Қонунда.

**2. Мактабгача таълим соҳасида тадбиркорлық фаолияти қайси қарорда белгилаб берилған?**

- а) мактабгача таълим муассасасининг 212-сонли қарорида;
- б) Халқ таълими вазирлигининг 2002 йил 414-сонли қарорида;
- в) Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 414-сонли қарорида;
- г) «Мактабгача таълим тұғрисида»ги қонунда.

**3. Мактабгача таълим муассасасида бошқариш тамойиллари бу –**

- а) яккабошчилик, ҳамкорлик, танқид ва ўз-ўзини танқид;
- б) ҳамкорлик, танқид ва ўз-ўзини танқид мұхитини шакллантириш;
- в) яккабошчилик, аниқлик, ҳамкорлик, фарқ қылмоқ, ҳұжаликни бошқариш, танқид ва уз-ўзини танқид қилиш, янгиликни ҳис этиш;
- г) яккабошчилик, танқид ва ўз-ўзини танқид қилиш.

**4. Таълим соҳасидаги давлат сиёсати қайси қонунда белгилаб берилған?**

- а) Кадрлар тайёрлаш миilliй дастурида;
- б) «Болажон» дастурида;
- в) «Таълим тұғрисида»ги қонунда;
- г) «Мактабгача таълим тұғрисида»ги Низомда.

**5. Мактабгача таълимни ташкил этиш ва уни бошқаришнинг методологик асоси қайси баңда тұғри күрсатылған?**

- а) таълим соҳасига оид қабул қилинган барча қонун ҳужжатлары;
- б) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тұғрисида»ги қонун, «Мактабгача таълим тұғрисида»ги Низом, «Мактабгача таълим тұғрисида»ги Концепция;
- в) «Мактабгача таълим тұғрисида»ги Низом, педагогика ва психология фани ютуқлари, «Мактабгача таълим тұғрисида»ги Концепция;
- г) барча жавоблар тұғри.

### **III боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

1. Мактабгача таълим муассасаси – мактабгача ёшдаги болалар ижтимоий тарбия маскани.
2. Турли типдаги мактабгача таълим муассасалари ташкилий тузилмаси ва унинг хусусиятлари.
3. Мактабгача таълим муассасаси биноларини лойиҳалаштириш.
4. Нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш.

#### **3.1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯ МАСКАНИ**

Мактабгача таълим муассасаси узлуксиз таълим тизими-нинг биринчи босқичи, ижтимоий тарбиянинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Мактабгача таълим муассасаси болаларни тарбиялаш, қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, уларни мактабга тайёрлашда етакчи ўрин тутади.

Мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республика Халқ таълими вазирлиги қарорлари, буйруқлари, фармойишлари, «Мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом ҳамда ўз Низомига амал қиласиди.

Мактабгача таълим муассасаси мустақил равишда ўз фаолиятига тааллуқли, амалдаги қонунчилик ва педагогик тамойилларга зид бўлмаган қарорлар қабул қилишга ҳақлидир.

Мактабгача таълим муассасаси оила ва жамиятнинг болаларга ғамхўрлик қилиш, миллий ва минтақавий ху-

сусиятларини эътиборга олган ҳолда уларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш ва ривожлантиришига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил этилади.



Мактабгача таълим муассасаси таълим-тарбия ишларининг сифати ва самарадорлиги, бу борада болалар ва ота-оналар ҳуқуқлари, жамият ва давлат манбаатларига риоя қилиш учун масъулдир.

Етим ва ота-она қаровисиз қолган болалар учун меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар ва аралаш шаклдаги болалар уйлари ҳузурида мактабгача таълим гурӯҳлари ташкил қилинади. Бундай гурӯҳларнинг мақоми, таълим-тарбия мезон ва тамойиллари тегишли қонун-қоидалар билан белгиланади.

Турли типдаги мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва йуриқномалар асосида амалга оширилади. Уларнинг мазмун-моҳияти «Мактабгача таълим түғрисида»ги Концепция ва «Мактабгача таълим муассасаси түғрисида»ги Низомда ҳам батафсил баён этилган.

Мактабгача таълим муассасасида амалдаги қонунчиликка биноан болаларга тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Тиббий ёрдам муассасага бириткирилган соғлиқни сақлаш бўлимлари ходимлари ёки муассаса-

сада ишлайдиган тиббиёт ходимлари (врач ва ҳамширапар) томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт ходимлари муассаса маъмурияти билан бир қаторда, болаларнинг саломатлигини муҳофаза этиш ва жисмоний ривожланишини таъминлаш, даволаш ва профилактика тадбирларини ўтказиш, тарбиячилар ва тарбияланувчиларнинг санитария-гигиена ҳамда кун тартиби қоидаларига риоя қилишлари, озиқ-овқат ва таомларнинг сифати, болаларнинг жисмоний ва аклий зўриқ маслиги учун масъулдирлар.

Мактабгача таълим муассасасида ишлаётган тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш маҳаллий соғлиқни сақлаш булимлари зиммасига юклатилган.

Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш штатдаги тиббиёт ходимлари ҳамда мактабгача таълим муассасаларига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади, улар мактабгача таълим муассасаси ходимлари билан биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирлари ўтказилиши, санитария-гигиена нормаларига, овқатланиш тартиби ва сифатига риоя қилиниши учун жавоб беради. Тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига юкландади. Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимига хона ажратади ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шарт-шароитлар яратади. Мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимлари соғлиқни сақлаш органларида бепул тиббий кўриқдан ўтади. Бунинг учун сарфланадиган харажатлар давлат томонидан ажратилган маблаглар доирасида белгиланади.



Мактабгача таълим муассасаси кимга бўйсунишидан қатъи назар, халқ депутатлари маҳаллий кенгашида тегишли тартиб рақами билан рўйхатга олинади. Рўйхатга олингач, у юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Мактабгача таълим муассасаларини қайтадан тузиш (қўшиш, олиш, бирлаштириш, ажратиш, булиш, қайта ташкил этиш) халқ таълими булимлари, корхона, муасса-

са, ташкилот тавсиясига кура, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари қарори асосида амалга оширилади. Бу қарор муассасаси меҳнат жамоаси ва халқ таълими кенгаши билан ўзаро келишган ҳолда қабул қилинади. Мактабгача таълим муассасаси унинг қайси турга мансублиги, тузилишига қараб, штат бирликлари ва ойлик маошларини тасдиқлади.

Ота-оналар қўмитасининг асосий вазифалари, мактабгача таълим муассасаси низомида қўрсатиб берилган.

Мактабгача таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган кўп варианти таълимий дастурлардан бирини танлаш ҳукуқига эга. Мактабгача таълим муассасаси тарбиявий таълим муассасаси бўлиб, ижтимоий вазифалар билан бир қаторда концепция, низом ва дастурига мувофиқ малакали таълим-тарбия беришни таъминлади.

Мактабгача таълим муассасаси ўз дастури ва иш услубларини ишлаб чиқиш ва амалий фаолиятда қўллаш ҳукуқига эга. Уларни тасдиқланган тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича услугий қўлланмаларни эркин танлаш ҳукуқига эга.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилиш ва ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун янги типдаги, йўналишдаги мактабгача таълим муассасаларини тузиш республика халқ таълимини бошқариш ва соғлиқни сақлаш органлари томонидан белгиланади.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари иш хусусияти, уларга қабул қилиш қоидалари, болаларга таълим бериш ва уларни тарбиялашни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли йўриқномалар билан аниқланади.

### **Мактабгача таълим муассасасини шакллантириш**

Мактабгача таълим муассасасига болалар 2 ёшдан бошлаб 6–7 ёшгacha туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг қарорлари билан ташкил этилган халқ таълими бўлимлари ҳузуридаги қабул қилиш комиссияси томонидан тे-

тишли тиббиёт хуносаси ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади. Қабул комиссиясининг фаолият курсатиш тартиби белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Муассислар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлган мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилиш комиссиясининг қарорига биноан ҳалқ таълими бўлиmlарининг йўлланмалари асосида амалга оширилади.

Муассислари бошқа органлар бўлган мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш уларнинг муассислари томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Бўш ўринлар мавжуд бўлган тақдирда ушбу мактабгача таълим муассасалари болаларни ҳалқ таълими бўлиmlарининг йўлланмалари бўйича шартнома асосида қабул қилиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасасига болаларни қабул қилишда уларнинг айрим тоифалари, жумладан:

- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- кўп болали оиласларнинг болалари;
- ҳарбий хизматчиларнинг болалари;
- тарбиячилар ва педагогларнинг болалари тегишли имтиёзлардан фойдаланади.

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА БОЛАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ МУАССИС ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНАДИ

I VA II ГУРУХ  
НОГИРОНЛАРИ

КЎП БОЛАЛИ  
ОИЛАЛАРНИНГ  
БОЛАЛАРИ

ҲАРБИЙ  
ХИЗМАТЧИЛАР-  
НИНГ  
БОЛАЛАРИ

ТАРБИЯЧИЛАР  
ВА  
ПЕДАГОГЛАРНИНГ  
БОЛАЛАРИ

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ИМТИЁЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИ

Шунингдек, қабул комиссияси мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда отоналари ёрдам берган болаларни истисно тариқасида навбатдан ташқари қабул қилиши мумкин. Бундай болалар миқдори мактабгача таълим муассасасининг режадаги қуввати умумий сони 20 фоиздан ортиқ бўлмаслиги керак.

### 3.2. ТУРЛИ ТИПДАГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мактабгача таълим муассасасида гуруҳлар сони муассасанинг қувватидан ва гуруҳларнинг режали тўлдирилишидан келиб чиқиб муассис томонидан белгиланади.

#### I. Умумий йўналиш бўйича:

- 2 ёшдан 3 ёшгacha гуруҳларда камида 15 бола, бироқ болаларнинг умумий сони 20 нафардан;
- 3 ёшдан 6–7 ёшгacha гуруҳларда камида 20 бола, бироқ болаларнинг умумий сони 25 нафардан ошмаслиги керак.



Ихтисослаштирилган ва санатория йўналишидаги мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ва ёшига (икки ёшдан бошлаб ва уч ёшдан катта) қараб белгиланади ва қуйидагича ташкил этилади:

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА ГУРУХЛAR  
СОНИ МУАССАСАНИНГ КУВВАТИДАН ВА ГУРУХЛарНИНГ  
РЕЖАЛИ ТЎЛДИРИЛИШИДАН КЕЛИB ЧИКИB МУАССИС  
ТОМОНИДАН КУЙИДАГИЧА БЕЛГИЛАНАДИ:



## II. Ихтисослаштирилган (махсус мактабгача таълим муассасаси) йўналиш бўйича:

- нутқи оғир нуқсонли болалар учун 10–12 бола;
- уч ёшдан катта ёшдаги нутқи фонетик-фонематик нуқсонли болалар учун 12–15 бола;
- кар болалар учун 8 бола;
- яхши эшитмайдиган болалар учун 10–12 бола;
- кузи ожиз болалар учун 6 бола;
- яхши кўрмайдиган болалар, амблиопияли, филай болалар учун 6–10 бола;
- таянч-ҳаракатланиш аъзоси бузилган болалар учун 6–10 бола;
- интеллекти бузилган (акли заиф) 3 ёшгача болалар учун 6 бола;
- уч ёшдан катта ёшдаги акли заиф болалар учун 10 бола.

### ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЙЎНАЛИШ

- НУТҚИ ОҒИР НУҚСОНЛИ БОЛАЛАР УЧУН 10–12 БОЛА
- КАР БОЛАЛАР УЧУН 8 БОЛА
- НУТҚИ ФОНЕТИК-ФОНЕМАТИК НУҚСОНЛИ ФАҚАТ УЧ ЁШДАН КАТТА БОЛАЛАР УЧУН 12–15 БОЛА
- ЯХШИ ЭШИТМАЙДИГАН БОЛАЛАР УЧУН 10–12 БОЛА
- КҮЗИ ОЖИЗ БОЛАЛАР УЧУН 6 БОЛА
- ЯХШИ КЎРМАЙДИГАН БОЛАЛАР, АМБЛИОПИЯЛИ, ФИЛАЙ БОЛАЛАР УЧУН 6–10 БОЛА
- ТАЯНЧ-ҲАРАКАТЛаниш АЪЗОСИ БУЗИЛГАН БОЛАЛАР УЧУН 6–10 БОЛА
- ИНТЕЛЛЕКТИ БУЗИЛГАН (АКЛИ ЗАИФ) 3 ёшгача БОЛАЛАР УЧУН 6 БОЛА
- УЧ ЁШДАН КАТТА ЁШДАГИ АКЛИ ЗАИФ БОЛАЛАР УЧУН 10 БОЛА

### III. Санатория йұналишидаги муассасалар бүйича:

- сил касаллигига чалинган болалар учун 15–20 бола;
- бир неча нұқсонли (икки ва ундан ортиқ нұқсонли) болалар учун 8–10 бола;
- ривожланишида бошқа нұқсонлари (масалан, эндокрин касалліктер) мавжуд бўлган болалар учун 15–20 бола;
- тез-тез касалликка чалинадиган болалар учун 15–20 бола.



Гурухларни бошқа ёшдаги гуруҳдан ўтган болалар билан тўлдириш ўқув йили охирида (август ойида), янги қабул қилинаётганлар билан тўлдириш эса ўринлар бўшашига қараб амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрда бошланади, кейинги йилнинг 1 июнида туғалланади ва янги ўқув йили бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади.

Мактабгача таълим муассасаси халқ таълимини бошқариш органлари ёки қарамоғида ушбу мактабгача таълим муассасаси бўлган корхона, муассаса, ташкилот томонидан шакллантирилади. Маҳаллий бошқариш органлари қарори билан шакллантиришнинг бошқа тартиби қабул қилиниши мумкин.

Болаларни мактабгача таълим муассасаларига ва ихтиносослаштирилган гуруҳларга йўллаш республика, вилоят, шаҳар, туман тиббий ёрдам-педагогика комиссиялари, санатория типидаги мактабгача таълим муассасаларига эса ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан йўлланма берилади.

Болаларни давлат мактабгача таълим муассасасидан чиқариш халқ таълими кенгаши томонидан қуидаги ҳолатларда: боланинг мазкур мактабгача таълим муассасасида қолишига тўсқинлик қилувчи тиббий холоса асосида; бола мактабгача таълим муассасасига сабабсиз бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида келмаса; унга хизмат кўрсатиш учун ҳақ тўлашнинг белгиланган муддатидан икки ҳафта ўтиб кетса; ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахслар хоҳишига қараб амалга оширилади. Ота-оналар боланинг муассасадан чиқарилиши ҳақида 7 кун олдин хабардор қилинади.

Ота-онанинг иш жойи ўзгариши муносабати билан болани мактабгача таълим муассасасидан чиқариш, агар бу шартномада алоҳида кўрсатилмаган бўлса, қатъян ман этилади.

Тарбиячилар ва ота-оналарнинг бу меъёрларига асосланган муносабатлари амалдаги қонунчилик ва бола мактабгача таълим муассасасига қабул қилинаётганда томонларнинг узаро келишувига биноан тузилади, шартнома орқали бошқарилади. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги юзасидан халқ таълими кенгашига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиш мумкин.



Мактабгача таълим муассасаси қўйидаги муассислар томонидан ташкил этилади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади<sup>1</sup>:

- давлат бошқаруви органлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- давлат корхоналари;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҚЎЙИДАГИ МУАССИСЛАР  
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ ҲАМДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА  
БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛАДИ

- ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ;
- МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ;
- ДАВЛАТ КОРХОНАЛАРИ;
- ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚ БОШҚА ДАВЛАТ  
ТАШКИЛОТЛАРИ

Мактабгача таълим муассасалари ишининг ўзига хослигига кура қўйидаги типларга бўлинади:

- умумий типдаги мактабгача таълим муассасалари;
- ихтисослаштирилган (жисмоний ва психик ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун);
- санатория йўналишида (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун).

Мактабгача таълим муассасаси ўз уставига, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи кўрсатилган мухрга, юридик манзили курсатилган штампга эга бўлади.

Мактабгача таълим муассасасини аккредитация қилиш давлат ваколатли органи томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаси белгиланган давлат меъёrlарига ва мактабгача таълим муассасасига қўйиладиган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат «Мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом. –Т., 2007, 26-бет.

талабларга мувофиқ болаларни тарбиялашни, ўқитишни, уларни парвариш қилиш ҳамда соғломлаштиришни таъминлайди.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим мазмунини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган ёки тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси ўз (муаллифлик) дастуридан фойдаланишга ҳақлидир. Бундай дастурларни тасдиқлаш тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасасининг иш куни тартиби ва унинг давомийлиги муассаса низоми ва муассиснинг қарори билан белгиланади. Мактабгача таълим муассасаси (гурух)нинг кундузги ва кечки вақтларда ҳамда кечаю кундуз фаолият кўрсатишига йўл қўйилади.

Мактабгача таълим муассасасида болаларни ўқитиш ва тарбиялаш давлат тилида ва «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасасида овқатланишни ташкил этиш муассаса зиммасига юкланади ҳамда Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган санитария қоидалари ва меъёrlарига мувофиқ амалга оширилади.

Болаларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам, штатдаги тиббиёт ходимлари ҳам мактабгача таълим муассасаларига бириктирилган соғлиқни сақлаш органларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Улар биргаликда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирларининг ўтказилиши, санитария-гигиена меъёrlарига, овқатланиш кун тартиби ва сифатига риоя қилиниши учун жавобгардир.

Тиббиёт ходимлари фаолиятини назорат қилиш маҳаллий соглиқни сақлаш органларига юкланади. Мактабгача таълим муассасаси тиббиёт ходимига алоҳида хона ажратади ва унинг самарали фаолият юритиши учун тегишли шарт-шароит яратади.

Мактабгача таълим муассасасининг штатдаги ходимлари соглиқни сақлаш органларида бепул тиббий кўрикдан утади, бу тадбир давлат томонидан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Соғликни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаси низомида қайд этилган мақсад ва вазифаларини бажариш учун ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан тузилган шартномалар асосида оиласинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда асосий таълим дастурларидан ташқари қўшимча пуллик таълим хизматлари кўрсатишга ҳақлидир. Пуллик таълим хизматлари муассис томонидан молиялаштириладиган асосий таълим фаолияти доирасида кўрсатилиши мумкин эмас.

### **Мактабгача таълим муассасасининг таълим-тарбиявий ишлар соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчлари**

Мактабгача таълим муассасасида болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог ходимлар таълим жараёнининг қатнашчилари ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашлари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва ваколатлари мактабгача таълим муассасасининг низомларида белгиланади. Васийлик кенгашларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунавий низом асосида амалга оширилади.

Болаларни қабул қилишда ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар муассасанинг низоми ва унинг фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан таниширилиши лозим.

Мактабгача таълим муассасаси билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома билан тартибга солинади. Шартномада томонларнинг ўқитиш, тарбиялаш, қараб туриш ва парвариш қилиш жараёнида пайдо бўладиган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги акс эттирилади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

– ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шаклларини, мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;

— мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан унинг низомига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар таъминланишини талаб қилиш;

— боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

— болаларнинг мактабгача таълим муассасасидаги ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

— кун тартиби доирасида улар учун қулай бўлган исталган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш ҳуқуқига эга;

— ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

— болаларнинг жисмоний ва руҳий соғлиғи учун фамхўрлик қилиш;

— боланинг қадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, унда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат хислатларини, катта ёшдагиларга ҳурмат туйгусини тарбиялаш;

— белгиланган меъёрларга мувофиқ мактабгача таълим муассасасида боланинг таъминотига тегишли тұловни үз вақтида амалга ошириш;

— болаларни оиласа тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни таъминлаш;

— болаларнинг тұлақонли овқатланишини, уларда шахсий гигиена күникмаларини шакллантирилишини қать-ий кузатиб бориш, уларни муассасага тоза-озода кийинган ҳолда олиб келиш;


— ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига қонун ҳужжатлари ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходимлари уртасидаги муносабатлар үзаро ҳамкорлик, бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий хусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

Мактабгача таълим муассасаси жамоасини шакллантириш тартиби намунавий штат жадвалига мувофиқ белгиланади.

Тегишли педагогик маълумотига, касбий тайёргарликка ва юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эга булган шахсларгина педагогик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Суд ҳукми ёки тиббий хуносага кўра педагогик фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахсларнинг ушбу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.



### 3.3. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИНОЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ

Мактабгача таълим муассасаси маҳсус лойиҳа буйича қурилган ёки мослашган, шунингдек, санитария-гигиена мөъёrlарига, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган ва об-ҳаво шароити, экологик вазият, миллий анъаналар ҳисобга олинган бинога жойлаштирилиши лозим.

Мактабгача таълим муассасаси одатда 320 ўринга мўлжалланади. Мавжуд меъёрларга кура, умумий йўналишдаги мактабгача таълим муассасалари 140–160 ўринга, ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари 90–120 ўринга эга бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай муассасалар бинолари лойиҳалари муайян талабларга жавоб бериши лозим: жумладан, биноларни лойиҳалаштиришда муассаса худути кукаламзорлаштирилиши, деразалар уфқ томонда жойлаштирилиши, болалар ўйнайдиган майдончаларда соябонлар, фавворали ҳовузчалар бўлиши, йўлаклар ва ўтиш жойлари қаттиқ нарсалар билан қопланиши, бассейннинг чуқурлиги 0,25 метрдан ошмаслиги, катта, сершовқин кўчалардан узоқроқ, лекин мактабга яқинроқ жойда курилиши, шунингдек, бино санитария-гигиена, ёнғинга қарши талабларга тўлиқ жавоб беришига жиддий эътибор қаратиш лозим.

Мактабгача таълим муассасаси амалдаги меъёрларга мувофиқ юмшоқ ва қаттиқ спорт жиҳозлари, тиббий ёрдам ускуналари, таълимнинг техник воситалари, ўқув-кўргазмали қўлланмалар ҳамда ўйинчоқлар билан таъминланади, муассасани жиҳозлаш рўйхатига миллий жиҳоз-анжомлар ҳам киради.

Мактабгача таълим муассасаси иш тартиби ҳалқ таълими бошқармаси ёки қарамогида мактабгача таълим муассасаси булган корхона, муассаса, ташкилот тавсиясига мувофиқ ҳалқ таълими, мактабгача таълим муассасаси билан келишилган холда ҳалқ депутатлари маҳаллий кенгашлари қарори билан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасалари ёки унинг айрим гуруҳлари ҳафтасига 5, 6, 7 кун кундузги ва болалар кечаю кундуз бўладиган, бир ёки икки кунлик дам олиш кунлари билан, шунингдек, ходимларга сиргалувчи жадвал бўйича дам олиш куни бериладиган кун тартибida ишлаши мумкин.

Ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида куни узайтирилган кун, шунингдек, шанба, якшанба ва байрам кунлари эрталаб ва кечки вақтда ишловчи навбатчи гуруҳлар очилиши мумкин.

Ўзбекистонда ижтимоий мактабгача таълим муассасаларини шакллантириш жараёнида уларнинг ҳар хил турларини ташкил этиш назарда тутилади. Улар тилга кура

(узбек, қозоқ, рус, татар, корейс ва ҳ.к.) фарқланиши ва бу муассасаларда таълим-тарбия миллий анъаналарга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Мактабгача таълим муассасалари боланинг муассасада қанча вақт булишига қараб: бир неча соатлик, бир неча кунлик;

тарбия вазифаларига кўра: ижодий, ёрдамчи, умумий, ижтимоий мослаштирилган;

маблағ билан таъминланишига қараб: давлатга тегишли, идоравий, хусусий ва бошқа шаклларда булиши мумкин.

Ижтимоий мактабгача таълим қишлоқ муассасасида болалар сони 40—100, шаҳарда 140—170 үриндан ошмаслиги кўзда тутилади.

Мактабгача таълим муассасаси, жумладан, унинг айрим гуруҳларининг ишгаши ота-оналарнинг ҳисоби асосида олган ҳолда белгиланади. Аммо унинг иш куни эрталабки 6.30 дан олдин бошланмаслиги керак.

Мактабгача таълим муассасасида ота-оналар аризаси бўйича халқ депутатлари кенгаши қарори билан, жумладан, шартнома ва хўжалик ҳисоби асосида иш 6 соатдан кам давом этадиган қисқа муддатли гуруҳлар; 1—2 соатлик гуруҳлар; сайдир гуруҳлари; жисмоний тарбия-соғломлаштириш гуруҳлари; мусиқа-эстетик ва бадиий тарбиялаш, ақлий ва жисмоний ривожланишдан орқада қолган болалар учун хўжалик ҳисоби асосида ишлайдиган гуруҳлар очилиши мумкин. Бунда мазкур мактабгача таълим муассасасига муентазам қатнайдиган болаларнинг манфатлари камситилмаслиги лозим. Мактабгача таълим муассасасининг таълим тили Узбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонунга мувофиқ белгиланади.

Ота-оналар ўз болаларини мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларини илиаридан огоҳлантирган ҳолда ўзлари учун қулай пайтда олиб келишлари ва олиб кетишлари мумкин. Шу билан бирга, ота-оналар мактабгача таълим муассасасида болалар ҳаётининг физиологик асосланган кун тартибига риоя қилишлари ва ўқув-тарбия жараёнини бузмасликлари лозим.

Мактабгача таълим муассасасида болаларни овқатлантириш унинг иш куни дағомийлигини ҳисобга олган ҳолда

ва белгаланган пул ҳамда табиий меъёрларга мувофиқ ташкил қилинади. Болалар 6 ва ундан кам соат мобайнида буладиган гуруҳларда овқатланишни ташкил қилиш, унинг шакли ва неча марталиги ота-оналар билан келишувга биноан белгиланади. Бу гуруҳларда овқатлантириш учун пул меъёрлари халқ депутатлари кенгашлари ва қарамоғида ушбу мактабгача таълим муассасаси бўлган корхона, муассаса, ташкилот, хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилинган гуруҳларда ота-оналар томонидан белгиланади.

Мактабгача таълим муассасаси:

- ўз низомида назарда тутилган функцияларнинг бажарилмагани;
- таълим дастурининг тўлиқ ҳажмда бажарилмагани, амалга оширилаётган таълим дастурларининг сифати;
- таълим жараёнини ташкил этишнинг қулланилаётган шакллари, услублари ва воситалари болаларнинг ёши, руҳий-физиологик хусусиятлари, қобилияти, лаёқати, қизиқишлари ва эҳтиёжларига мос эмаслиги;
- муассасада тарбияланаётган болаларнинг таълим жараёни вақтида ҳаёти ва соғлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

### **3.4. НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ (НМТМ) ТАШКИЛ ЭТИШ**

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларга, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низомга амал қиласди.

НМТМнинг низоми Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган «Таълим муассасаси уставини ишлаб чиқиш тартиби»га мувофиқ ишлаб чиқиласди, муассис томонидан тасдиқланади ва тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказилади.

НМТМ таълим-тарбия ва соғломлаштириш муассасаси ҳисобланади.

Унинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлигини мустаҳкамлаш;
- бола шахси асосларини ўзгарттириш, унинг билимга қизиқишларини ривожлантириш;
- боланинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий ривожланишини таъминлаш;
- боланинг ривожланишидаги нуқсонларни тузатиш;
- болани миллий маданият ва умуминсоний қадриятлар билан таништириш;
- болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш.

НМТМ муассасаси тарзида ташкилий-хуқуқий шаклда ташкил этилади ва қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият юритади. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, нодавлат мулкчилик шаклидаги юридик ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари булиши мумкин.

НМТМ юридик шахс мақомига эга булади, мустақил молия-хўжалик фаолиятини амалга оширади, думалоқ муҳрга, бурчакли штампга ва ўз логотипи ёзилган бланкага эга булади.

НМТМ қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибида лицензия олган вақтдан бошлаб таълим фаолиятини амалга ошириш хуқуқига эга булади.

НМТМни аккредитация қилиш ваколати давлат органи томонидан, аттестация асосида амалга оширилади.

НМТМда таълим ва тарбия дунёвий хусусиятга эга булади.

НМТМда таълим мазмуни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тавсия қилинган дастурлар билан белгиланади. Муассасаси ўз (муаллифлик) дастуридан фойдаланишга ҳақлидир. Ушбу дастурларни тасдиқлаш тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

НМТМнинг иш кун тартиби ва болаларнинг у ерда қанча вақт булиши муассасаси низомида ҳамда муассасаси раҳбари (ёхуд муассис) билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида тузилган шартномада белгиланади.

НМТМда болаларни ўқитиши ва тарбиялаш давлат тирида ва «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ бошқа тилларда олиб борилади.

НМТМ тарбияланувчилариға тиббий ёрдам курсатиш штатдаги ёки соғлиқни сақлаш органларининг шартнома асосида маҳсус биринчирилган тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади.

Тиббиёт ходимлари муассаса ходимлари билан биргалиқда болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ва жисмоний ривожланиши, даволаш-профилактика тадбирларининг ўтказилиши, санитария-гигиена меъёрларига, овқатланиш кун тартиби ва сифатига риоя қилиниши учун масъулдир. Муассаса ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш шартнома асосида амалга оширилади.

НМТМда болаларнинг овқатланиши Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тиббиёт, санитария-гигиена меъёрлари ва талаблари асосида амалга оширилади.

НМТМ таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида шартнома асосида ўз фаолиятини умумий ўрта таълим мактаблари билан биргалиқда амалга ошириши мумкин.

НМТМга болалар 2 ёшдан бошлаб 6–7 ёшгача тегишли тиббий холоса асосида қабул қилинади.

Болаларни қабул қилиш ва уларнинг чиқиб кетиши тартиби нодавлат мактабгача таълим муассасасининг низоми билан белгиланади.

Нодавлат муассаса гурӯҳларидаги болалар сони давлат мактабгача таълим муассасалари учун белгиланган меъёрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

Маҳсус педагогик маълумотга эга бўлган шахсларгина нодавлат мактабгача таълим муассасасида педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир. Суд томонидан ёки тиббий холосага кўра, бундай фаолият билан шуғулланиши тақиқланган шахслар педагогик фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

НМТМ раҳбари белгиланган тартибда педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни таъминлайди, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қиласи, илфор педагогик ва ахборот технологиялари, муаллифлик дастурлари, методик қўлланмалар ва дидактик материалларни жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади.

НМТМда педагоглар ва бошқа ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни бекор қилиш амалдаги қонун ҳужжатларига биноан амалга оширилади.

НМТМда болалар, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва педагог олимлар таълим жараёнининг қатнашчилари (субъектлари) ҳисобланади.

**НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИННИГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ:**

- БОЛАЛАННИГ ҲАЁТИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВА СОГЛИҒИНИ МУСТАХКАМЛАШ;
- БОЛА ШАХСИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УНИНГ БИЛИМГА КИЗИҚИШЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ;
- БОЛАННИГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ, МАЛНВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ;
- БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ НУКСОНЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ;
- БОЛАНИ МИЛЛИЙ МАДДАНИЯТ ВА УМУМИСОННИЙ ҚАДРИЯТЛАР БИЛАН ТАНИШТИРИШ;
- БОЛАЛАРНИ МАКТАБДА ЎКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Нодавлат мактабгача таълим муассасасида васийлик кенгашилари ташкил этилади, уларни сайлаш тартиби ва ваколатлари мактабгача таълим муассасаси низомида белгиланади.

Болаларни қабул қилишда муассаса ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни унинг низоми ва фаолиятини тартибга соладиган бошқа ҳужжатлар билан таништириши лозим.

НМТМ билан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар нодавлат мактабгача таълим муассасасининг низоми ва шартнома орқали тартибга солинади. Шартномада томонларнинг ўқитиш, тарбиялаш, караб туриш ва парвариш қилиш жараённида пайдо бўладиган ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги акс эттирилади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

- ўз болалари учун ўқитиш ва тарбиялашнинг шаклларини, болалар мактабгача таълим муассасалари типини ва таълим бериш тилини танлаш;
- болалар мактабгача таълим муассасаси маъмуриятидан мактабгача таълим муассасасининг низомига мувофиқ бўлган зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;
- бола шахсига нисбатан ҳурмат билан муносабатда булишни талаб қилиш;
- болаларнинг мактабгача таълим муассасасида ҳаёт кечиришини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

– кун тартиби доирасида улар учун қулай булган вақтда болаларни мактабгача таълим муассасасига олиб келиш ва ундан олиб кетиш хуқуқига эга;

– ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

– болаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом булиши тўғрисида ғамхурлик қилиши;

– боланинг қадр-қимматига ҳурмат билан муносабатда булиш, унда меҳнатсеварлик, эзгулик, меҳр-шафқат хислатларини, катта ёшдагиларга ҳурмат туйғусини тарбиялаш;

– белгиланган меъёрларга мувофиқ мактабгача таълим муассасасида боланинг таъминотига тегишли тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

– болаларни оилада тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш;

– болаларнинг тулақонли овқатланиши, уларда шахсий гигиена қуникмаларининг шакллантирилишини кузатиб бориш, болани мактабгача таълим муассасасига тоза-озода кийинган ҳолда олиб келиш;


– ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар зиммасига қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

### ОТА-ОНАЛАР ЁКИ УЛАРНИНГ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАР:

- ◆ ЎЗ БОЛАЛАРИ УЧУН ЎҚИТИШ ВА ТАРБИЯЛАШНИНГ ШАКЛЛАРИНИ, БОЛАЛАР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТИПНИН ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ ТИЛИНИ ТАНЛАШ;
- ◆ БОЛАЛАР МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МАЪМУРИЯТИДАН УНИНГ УСТАВИГА МУВОФИК БЎЛГАН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛИШНИ ТАЛАБ КИЛИШ;
- ◆ БОЛАНИНГ ШАХСИГА НИСБАТАН ҲУРМАТ БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛИШНИ ТАЛАБ КИЛИШ;
- ◆ БОЛАЛАРНИНГ МУАССАСАСАДА ҲАЁТ КЕЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ;
- ◆ РЕЖИМ ДОИРАСИДА УЛАР УЧУН ҚУЛАЙ БЎЛГАН ИСТАЛГАН ВАҚТДА БОЛАЛАРНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИГА ОЛИБ КЕЛИШ ВА УНДАН ОЛИБ КЕТИШ ХУҚУКИГА ЭГА;
- ◆ ОТА-ОНАЛАР ЁКИ УЛАРНИНГ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАР ҚОНУН ҲУҶОҚАТЛАРИГА ВА ШАРТНОМАГА МУВОФИК БОШҚА ХУҚУҚЛАРГА ҲАМ ЭГА БЎЛИШЛАРИ МУМКИН.

Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси ва ходими ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳамкорлик, боланинг шахсини ҳурмат қилиш ва унга шахсий ҳусусиятларига мувофиқ ривожланиши учун эркинлик бериш асосида олиб борилади.

НОДАВЛАТ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ВЕН ДИАГРАММАСИНИ  
ТЎЛДИРИНГ



Мактабгача таълим муассасасида ўқув йили ҳар йили 2 сентябрда бошланади, кейинги йилнинг 1 июняда тугалланади ва янги ўқув йили бошлангунга қадар соғломлаштириш даври бошланади<sup>1</sup>.

#### Таянч тушунчалар:

*Комплектлаш* — мактабгача таълим муассасасини болалар билан тұлдириси.

*Ихтисослаштырылган мактабгача таълим муассасалари* — ақлий ва жисмоний ривожланишда нуқсонлари бүлган болалар учун ташкил этиладиган муассасалар.

*Муассаса филиали* — муассаса бўлинмаси.

*Этика меъёрлари* — ахлоқ-одоб меъёрлари.

#### МАВЗУ ЮЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т., «Ўзбекистон», 1992.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Республикасида нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида»ги Низом. –Т., 2008, 35–38-бетлар.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Узбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.
4. Ф. Р. Қодирова, Р. М. Қодирова. Мактабгача таълим концепцияси. –Т., «Фан ва технология», 2011.
5. Узбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари тўғрисида низом. –Т., 2007.
6. Болажон. Таянч дастур. –Т., «Маърифат-Мададкор», 2010.
7. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган талаблар. –Т., 2008.
8. Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари. –Т., 2006.
9. Справочник «Руководителя дошкольного образовательного учреждения». –Т., 2006.
10. Мактабгача таълим тизимига доир ҳукуқий-месъерий ҳужжатлар тўплами. –Т., «LIDER PRESS», 2009.
11. Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган Давлат талаблари. –Т., 2008; 2012.

### **Назорат учун саволлар:**

1. Мактабгача таълим муассасалари қандай мақсадларда ташкил этилади?
2. Биноларни лойиҳалаштиришда нималарга аҳамият берилади?
3. Давлат инструктив ҳужжатларга қайси ҳужжатлар киради?
4. Ота-оналар қўмитасининг асосий вазифалари нимадан иборат?
5. Мактабгача таълим ва таълим дастури мазмунини ёритиб беринг.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

- 1. Узбекистон Республикасида таълим турларини аниқланг.**
  - а) мактабгача таълим, умумий урта таълим, урта-маҳсус таълим, олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
  - б) мактабгача таълим, бошлангич, касб-хунар, лицей, олий таълим, малака ошириш;
  - в) мактаб, муассаса, колледж, олий таълим;
  - г) мактабгача таълим, мактаб, колледж, олий таълим.
- 2. Таълим жараёни қатнашчилари ва уларнинг ҳукуқ ва бурчлари қайси қонун ҳужжатида белгиланган?**
  - а) «Таълим тўғрисида»ги қонунда;
  - б) «Мактабгача таълим муассасалари тўғрисида»ги Низомда;

- в) Мактабгача таълим Концепциясида;
- г) Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида.

**3. Мактабгача таълимнинг турлари ва йўналишларини аниқланг.**

- а) мактабгача таълим муассасаси, ўрта таълим мактаби, но давлат болалар мажмуаси, умумий йўналишдаги мактабгача таълим муассасалари;
- б) мактаб-муассаса мажмуаси, санатория типидаги мактабгача таълим муассасалари, логопедик мактабгача таълим муассасалари;
- в) аралаш турдаги болалар муассасалари, хонадон мактабгача таълим муассасалари;
- г) тил ўргатиш, руҳий ва жисмоний ривожланишда нуқсони булган болалар учун мактабгача таълим муассасалари.

**4. Қисқа муддатли гуруҳларнинг турлари қайси бандда тұғри ёритилған?**

- а) «Аралаш гуруҳлар», «Келажак үқувчи», «Тарбияси оғир бола»;
- б) «Келажак үқувчи», «Интеграллашган гуруҳ», «Тарбияси оғир бола»;
- в) «Интеграллашган бола», «Жадаллаштирилған гуруҳ», «Араплаш гуруҳ»;
- г) «Намунавий гуруҳ», «Аралаш гуруҳ», «Интеграллашган гуруҳ».

**5. Нодавлат мактабгача таълим муассасаси муассиси кимлар ҳисобланади?**

- а) юридик ва жисмоний шахслар;
- б) корхоналар, фермер хўжаликлари, давлат ташкилотлари;
- в) мустақил фаолият кўрсатувчи хўжалик ташкилотлари;
- г) аккредитация қилиш ваколатли органлари.

---

## **IV боб. МУДИРА – МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИГ РАҲБАРИ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ УСЛУБЧИСИННИНГ МЕТОДИК ИШЛАРГА РАҲБАРЛИГИ**

1. Мудиранинг ташкилий, маъмурий, педагоглик фаолияти ва унга қўйилган талаблар.
2. Мудира ишининг мазмуни:
  - а) маъмурий-хўжалик ишларини бошқариш;
  - б) ташкилий-педагогик ишларга раҳбарлик;
  - в) таълим-тарбия ва методик ишларга раҳбарлик;
  - г) ота-оналар билан ишлаш услублари;
  - д) дастур талабларининг бажарилишини назорат қилиш;
  - е) мудиранинг халқ таълими бўлинмалари, ота-оналар, жамоатчилик олдидағи масъулияти;
  - ж) мудира ишини режалаштириш;
  - з) мудиранинг ҳуқуқ ва вазифалари.
3. Мактабгача таълим муассасаси услубчиси, унинг ҳуқуқла-ри, вазифалари ва унга қўйилган талаблар.
4. Услубчининг методик ишларга раҳбарлиги.

### **4.1. МУДИРАНИНГ ТАШКИЛИЙ, МАЪМУРИЙ, ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР**

Мактабгача таълим муассасаси мураккаб соҳалардан бири бўлиб, уни самарали бошқаришда мудиранинг ўрни бекиёсdir. Муассаса ташкилотчиси, раҳбари, малакали педагог – мудиранинг фаолияти мактабгача таълим ёши-даги болаларни комил инсон қилиб тарбиялаш вазифаси-ни тўлақонли ҳал этишга қаратилган. У мазкур муассаса-лардаги таълим-тарбия, педагогик ва гигиеник талаблар-га мувофиқ равишда амалга оширилиши учун барча зарур шарт-шароитларни таъминлайди. Мудира жамоага уму-мий раҳбарликни амалга ошириб, муассаса зиммасидаги мақсад ҳамда вазифаларни эътиборга олган ҳолда, унда ишчанлик, уюшқоқлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат му-ҳитининг қарор топишига интилади. Мудира ўз фаолия-

тида амалдаги қонунчилік ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилингандар, буйруқ ва күрсатмаларга амал қылади, у үз устида тинимсиз ишлаб, раҳбарлик фаолиятини, муассасадаги таълим-тарбия ишларини тақомиллаштиришга интилади. Юксак онглилик ва сиёсий етуклик, үзига ва құл остидаги ходимларға талабчанлық ва қатыяят мудирага қўйиладиган асосий талаблардир.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ МУДИРАСИ  
ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

*Лавозим вазифалари:*

- а) мактабгача таълим муассасаси умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш;
- б) педагогик жамоа ва бошқа ходимларнинг болалар билан олиб борадиган тарбиявий ишларида юқори самарага эришишини ташкил қилиш;
- в) тарбиявий жараёнда меҳнатни ташкил қилишнинг замонавий шаклларидан фойдаланиш;
- г) болаларни бошлангич синфда ўқитишга тайёрлаш бўйича давлат талабларига мувофиқ тарбиялаш дастурларининг бажарилишини назорат қилиш;
- д) болалар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни педагогика ва гигиена талабларига мувофиқ тарбиялаш ва ўқитиш учун зарур шарт-шароитларни яратишни таъминлаш;
- е) педагогик кенгашга раҳбарлик қилиш, оиласда фарзанд тарбияси масалалари бўйича ота-оналар билан ишлашни ташкил қилиш;
- ж) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш;
- з) болаларнинг овқатланишини, ёзги соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилиш;
- и) мактабгача таълим муассасасида тасдиқланган реважа мувофиқ иш юритишни ташкил қилиш, тарбияланувчилар рўйхати бўйича тўлдирилишини амалга ошириш;
- й) жиҳозлардан тўғри фойдаланиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва сақланишини таъминлаш;
- к) кадрларни таңлаш, жой-жойига тўғри (оптималь, самарали) қўйишни таъминлаш, уларнинг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- л) бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ва муассаса мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, корхонада қарашларни таъминлаш.

на, муассаса ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалари тузиш, мактабгача таълим муассасаси номидан фаолият юритиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ишончномалар бериш, турли йўналишлардаги давлат ва нодавлат жамғармалар билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиш;

м) ички меҳнат тартиби қоидаларини ўрнатиш, мактабгача таълим муассасаси штатлар жадвалида тарбиячи-услубиётчи лавозими кўзда тутилмаганда унинг вазифаларини бажариш;

н) тарбияланувчиларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиш.

***Мудира билиши лозим бўлган меъёрий ҳужжатлар:***

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Бола ҳуқуқлари-нинг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар;

б) мактабгача ёшдаги болаларни ривожланишига қўйилган давлат талабларининг мазмуни;

в) ҳукуматнинг тегишли қарорлари, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

г) болаларни мактаб таълимига тайёрлаш дастури ва тарбиявий ишлар концепцияси;

д) мактабгача педагогика ва психологияни, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шакл ва методлари;

е) педагогика фани ва амалиётда ишлаб чиқилган методик ҳужжатлар, ўқув ва тарбия жараёнида ўқитиш техникавий воситаларидан фойдаланиш амалиёти;

ж) педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси, таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалар.

***Мудира малакасига қўйиладиган талаблар:***

а) ўз йўналиши буйича камида бакалавр даражасидаги олий маълумот ва кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш буйича маҳсус курсларни тутатгани;

б) хорижий тиллардан бирининг бошлангич босқичини билиши ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши;

в) беш йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлиши.

Жамоада тўғри шакллантирилган ўзаро муносабатлар, соғлом маънавий муҳит ҳар бир ходимнинг сидқидилдан

мәхнат қилишини ва ишлаб чиқариш интизомига риоя  
этишини таъминлайди.

Раҳбарлик мавқеи мудиранинг foяvий, маънавий-маърифий, сиёсий, ҳуқуқий савияси ва мутахассислик маҳоратининг ошиб боришига, педагогика назарияси ва амалиётини пухта эгаллашга, ҳозирги босқичда мактабгача таълим тизими олдида турган вазифаларни чуқур билишга, ўз билим ва тажрибасини амалий фаолиятида кўллашга мажбур этади. Шу боис у таълим-тарбия жараённида қўлланадиган дастурлар, услубий ва меъёрий ҳужжатларни яхши билиши ва уларга амал қилиб, фаолият юритиши керак. Бундан ташқари, мудира педагогик жараённинг мазмун-моҳиятини теран англаган ҳолда, нуқсон ва камчиликларини ўз вақтида бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Мактабгача таълим муассасаси мудираси Халқ таълимини бошқариш органлари томонидан олий маълумотга ва камида уч йиллик недагогик иш стажига эга бўлган шахслар орасидан тайинланади. Мактабгача таълим муассасасида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш бўйича ишни мәхнат жамоаси, мактабгача таълим муассасаси кенгаши фаоллари иштироқида маъмурият томонидан амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари кадрларнинг билими ва касб маҳоратини ҳамда умумий маданий дарражасини мунтазам ўстириб боришига ғамхўрлик қиласи: ходимлар малакасини эътиборга олган ҳолда ҳамда мактабгача таълим муассасаси манфаатларидан келиб чиқиб, уларни хизмат лавозимлари бўйича ўз вақтида жойдан-жойга кўчириб турилишини таъминлайди.

#### КЛАСТЕР МЕТОДИ



Мактабгача таълим муассасасида кадрлар захираси шакллантирилиб, улар билан доимий иш олиб борилади.

Шундай қилиб, мудира маънавий, сиёсий, ҳукуқий ва ахлоқий жиҳатдан етук, дунёқараши кенг, юксак маънавий фазилатлар соҳибаси, жамоада соғлом маънавий-психологик мұхитни шакллантириши, ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаши, уларнинг онгига ҳалоллик, меҳнатсеварлик, виждон-инсоф, меҳр-оқибат ва саховат түйгуларини сингдириши керак.

Илмий-ўқув адабиётида раҳбарлик қилишнинг (раҳбарнинг) уч тури ажратиб курсатилади: демократик, авторитар ва либерал раҳбарлик (раҳбар).

*Демократик раҳбар:*

- бошқариш функцияларини жамоа фикри билан ҳи-соблашган ҳолда амалга оширади;
- ишлаб чиқаришни бошқаришга ходимларни жалб этади;
- уларнинг билдирган фикр-мулоҳаза ва таклифлари-ни эътиборга олади;
- барча масалаларни ходимлар билан маслаҳатлашган ҳолда ҳал этади;
- барчага баробар ва самимий муносабатда бўлади, устунлигини билдирмайди;
- фаолиятида буйруқ бериш йўли билан эмас, асосан ишонтириш услубига таяниб иш юритади;
- ходимларнинг шахсий ташаббусини, ижодий интилишларини рагбатлантиради ва ривожлантиради ҳамда жамоада ўзаро биродарлик ва ишчанлик мұхитини яратади.

*Авторитар раҳбар:*

- буйруқ чиқариш, қарор қабул қилиш, ходимларга жазо бериш ёки рағбатлантиришда ходимлар ва жамоатчилик фикрини эътиборга олмайди;
- ўзини жамоадан узоқ тутади, ходимлар билан бевосита мулоқот юритиш имкониятларини чеклашга интилади;
- ноўрин (файриқонуний ёки гайриахлоқий) ҳаракатларининг танқид қилинишига чидай олмайди;
- ўзига бўйсунувчиларнинг саъй-ҳаракатларини кескин танқид қилишни хуш куради;
- муттасил буйруқ беришга, барча ходимларни ўзига сўзсиз бўйсундиришга интилади;

— күп гапиришни ёқтиirmайди, лекин бүйсунувчилар билан муомалада кеккайиши, үзини катта тутиши сезилиб туради.

Хуллас, авторитар раҳбар үзига бино қўйган, димогдор, ўз қобилияти ва имкониятларига ортиқча ишонадиган, барчага ҳукмини ўтказишга интиладиган кишилар орасидан етишиб чиқади.

Бундай раҳбар назоратдан четда қолса, ўша ерда дагалик, такаббурлик, тазийк ўтказиш, мажбур қилиш каби салбий ҳолатлар авж олади.

Бироқ авторитар бошқарув усулининг айрим ижобий жиҳатларини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Масалан, ишлаб чиқариш ва ижро интизоми издан чиқсан, маънавий-психологик мұхит бузилган корхона ва жамоалардаги вазиятни ўнглаш учун раҳбар томонидан авторитар бошқарув услубининг айрим элементларини құллаш муйян самара бериши ҳам мумкин.

#### *Либерал раҳбар:*

- ташаббус кўрсатишига интилмайди;
- масъулиятни ўз зиммасига олишни ёқтиirmайди;
- ишни ўз ҳолига ташлаб қўяди;
- бошқарув фаолиятида қатъият билан иш юритишдан ҳайиқади;
- үзини ҳаддан ташқари эҳтиёт қиласди;
- ходимлар билан ўзаро муносабатларнинг бузилишини истамайди;
- ходимларга зиммасига юқлатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши талаб этмайди, қатъий назоратни йўлга қўймайди;
- суиистеъмолликлар юз берган ҳолларда ҳам куриб курмасликка олади;

Бундай раҳбар фаолиятида ташқаридан кўрсатиладиган таъсирга мойиллик, қатъият, талабчанлик, масъулиятни зиммасига олиш, иш жараёнини изчиллик билан назорат этиш каби хислатларнинг етишмаслиги, ҳар қандай вазиятда муросаю мадора тамойилига таяниши яққол кузга ташланади.

Ҳар бир раҳбарга қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат(унинг қандай маънавий-ахлоқий фазилатларга ва тадбиркорлик хислатларига эга бўлиши лозимлиги):

## Маънавий етуклик даражаси



## Раҳбарга хос маънавий-руҳий хислатлар



## Раҳбарга хос тадбиркорлик хислатлари



*Сиёсий-хуқуқий ва маънавий-маърифий жиҳатдан:*

- сиёсий ва хуқуқий етуклик;
- билимдонлик;
- ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;
- топширилган иш учун шахсий масъулиятни ҳис этиш;
- ҳалоллик, виждонлилик;
- шахсий манфаатларни жамоат манфаатларига бўй-сундириш;
- қўл остидаги ходимларга нисбатан меҳрибон ва эъти-борли бўлиш, жамоадан узилиб қолмаслик;
- ташабbus ва янгиликларга интилишни қўллаб-кув-ватлаш;
- қатъият ва қучли ирода;
- танқидни тўғри қабул қилиш, ўзига танқидий муно-сабатда бўлиш;
- доимо маънавий жиҳатдан уйгоқ бўлиш.

*Меҳнат ва ижро интизомига муносабати жиҳатидан:*

- меҳнатсеварлик; қўл остидаги ходимларни меҳнат-севарлик руҳида тарбиялаш;
- жамоада намунали меҳнат ва ижро интизомини йўлга қўйиш;
- ишни режа асосида ташкил этиш ва унинг бажари-лиши устидан қатъий назорат ўрнатиш.

*Билим даражаси нуқтаи назаридан:*

- иқтисодиёт асосларини билиши, бошқариш илмини чукур эгаллаш;

— замонавий ахборот-коммуникация ва технологияларидан хабардор бўлиш;

— бошқариш илми, унинг мазмун-моҳияти, функциялари ва тузилишини билиш;

— инновациялар, янгиликларга чанқоқлик;

— ўз устида тинимсиз ишлаб, билим даражаси ва дунё-қарашини юксалтириб боришга интилиш ва ҳоказо.

Раҳбар чуқур ва кенг билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши ва ўз салоҳиятини ошириб бориши керак. Акс ҳолда, унинг жамоада обрў-эътибор қозониши, ходимларнинг ишончига сазовор бўлиши амримаҳол.

*Ташкилотчилик қобилияти нуқтаи назаридан:*

— ходимларни танлай билиш, уларнинг билими ва таж-рибасидан самарали фойдаланишини таъминлай олиш;

— қўл остидаги ходимларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш;

— жамоада жипслик ва ўюшқоқлик муҳитини вужудга келтира олиш;

— мақсад сари интилувчанлик;

— мураккаб вазиятларда эсанкирамасдан, тўғри, оқилона қарорлар қабул қила олиш.

*Бошқариши самарадорлигини таъминлаши жиҳатидан:*

— бошқаришни коллегиал тарзда (бамаслаҳат) ташкил қила олиш;

— мақсад ва вазифаларни қисқа ва аниқ баён этиш;

— ишга оид хатлар, буйруқлар, фармойишларни бекаму кўст тайёрлай олиш;

— тури манбалардан иш ва бошқариш самарадорлигини ошириш учун зарур ахборотларни топа олиш ва улардан фойдаланиш;

— раҳбарлар ва қўл остидаги ходимлар фикр-мулоҳазаларини тинглай билиш;

— асосланган қарорларни мустақил ва тез қабул қила олиш;

— ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш;

— бошқарув органи қарорларининг бажарилиши устидан изчил назоратни таъминлаш;

— бошқарув тузилмаси ва бошқариш усуllibарини уз-луксиз такомиллаштириб бориш ва ҳоказо.

**Раҳбарга қўйиладиган талаблар**

<b>№</b>	<b>Талаблар</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Сиёсий-хуқуқий ва маънавий-маърифий етуклик	<ul style="list-style-type: none"> <li>— сиёсий етуклик;</li> <li>— хуқуқий етуклик;</li> <li>— ахлоқий етуклик;</li> <li>— юқори савия ва онглилик;</li> <li>— юксак маънавият ва маърифат;</li> <li>— ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;</li> <li>— топширилган иш учун шахсий масъулиятни ҳис этиш, ҳалоллик, виждонлилик;</li> <li>— шахсий манфаатларни жамоат манфаатларига бўйсундира олиш;</li> <li>— кишиларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли булиш, жамоадан узилиб қолмаслик;</li> <li>— ташаббус ва янгиликларга интилишни қуллаб-кувватлаш;</li> <li>— қатъият ва кучли ирода;</li> <li>— танқидни тўғри қабул қилиш, ўзига танқидий муносабатда булиш</li> </ul>
2.	Меҳнат ва ижро интизомига муносабати жиҳатидан	<ul style="list-style-type: none"> <li>— меҳнатсеварлик, қўл остидаги ходимларни ҳам шу руҳда тарбиялаш;</li> <li>— жамоада намунали меҳнат ва ижро интизомини йўлга кўйиш;</li> <li>— ишни режа асосида ташкил этиш ва унинг бажарилиши устидан қатъий назорат урнатиш;</li> <li>— ишни режали олиб бора билиш (режасиз ишлаган раҳбар ходимлар жамоаси олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятили бажара ололмайди)</li> </ul>
3.	Билим даражаси нуқтаи назаридан	<ul style="list-style-type: none"> <li>— иқтисодиётни билиши, бошқариш илмини чуқур эгаллаш;</li> <li>— замонавий ахборот-коммуникация ва технологияларидан хабардор булиш;</li> <li>— инновациялар, янгиликларга чанқоқлик;</li> <li>— уз устидаги тинимсиз ишлаб, билим даражаси ва дунёқарашини юксалтириб боришига интилиш ва ҳ.к.</li> </ul>
4.	Ташкилотчилик қобилияти жиҳатидан	<ul style="list-style-type: none"> <li>— ходимларни танлай билиш ва уларнинг билими ва тажрибасидан самарали фойдаланишини таъминлай олиш;</li> <li>— қўл остидагиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялашни билиш;</li> </ul>

№	Талаблар	Изоҳ
		<ul style="list-style-type: none"> <li>— жамоада жипслик ва уюшқоқлик мухитини вужудга келтира олиш;</li> <li>— мураккаб вазиятларда эсанкирамасдан, тұғри, оқилюна қарорлар қабул қила олиш</li> </ul>
5.	Бошқариш самара-дорлигини таъминлай олиш нұқтаи назаридан	<ul style="list-style-type: none"> <li>— бошқаришни коллегиал тарзда ташкил қила олиш;</li> <li>— мақсад ва вазифаларни қысқа ва аниқ баён эта олиш;</li> <li>— ишга оид хатлар, бүйрүқтар, фармойишларни бекаму күст тайёрлай олиш;</li> <li>— турли манбалардан иш ва бошқариш самара-дорлигини ошириш учун зарур ахборотларни топа олиш ва улардан фойдаланыш;</li> <li>— раҳбарлар ва құл остидаги ходимлар фикр-мулоҳазаларини тинглай билиш;</li> <li>— асосланған қарорларни мустақил ва тез қабул қила олиш;</li> <li>— ходимларнің моддий ва маънавий ман-фаатдорлигини таъминлаш;</li> <li>— бошқарув органдар қарорларининг бажарилиши устидан изчил назоратни таъминлай олиш;</li> <li>— бошқарув тузилмаси ва бошқариш усулдарини узлуксиз такомиллаштириб бориш</li> </ul>

### *Раҳбарнинг маданий савиғаси кўрсаткичлари:*

- сўз билан ишининг бирлиги;
- ўз касбий маҳорати, раҳбарлик салоҳияти ҳамда маънавий фазилатларини юксалтириш ҳақида қайфуриш;
- оқилюна турмуш тарзи, жисмоний согломлигини сақлаш;
- ўз-ўзини танқид асосида камчиликларини тан олиш;
- ўзини интизомга бўйсундириш;
- саъй-ҳаракатларининг қатъийлиги ва аниқ мақсадга йўналтирилгани;
- ўзига ва меҳнат фаолиятига талабчанлик билан ёндашиш.

### *Раҳбарнинг ахлоқий хислатлари:*

- камтаринлик;
- ҳақгўйлик;
- ҳалоллик;
- ўзини тута билиш;

- оддийлик;
- тұғрилик;
- инсофлилик;
- меҳр-оқибат;
- виждонлилик;
- саховат ва бошқ.

***Раҳбарнинг жамоага нисбатан маданияти:***

- кишиларга эътибор ва ҳурмат;
- хайрихоҳлик ва илтифотлилик;
- олижаноблик ва беғаразлиқ;
- холислик;
- инсоннинг қадр-қимматига етиш ва ҳоказолар.

***Фуқаролик ва қасбий бурчани бажарии:***

- одамларга ишонч, кишиларнинг уз кучига, қобилиятига булган ишончини қуллаб-қувватлаш, шахсий камчиликларини бартараф этишга йўналтира олиш;
- юқори нутқ, маданиятига эга бўлиш ва ташқи кўринишидаги озодалиги;
- салбий иллатларга эга бўлган, қонун-қоидаларга риоя қилмайдиган кишиларга, шу жумладан, қавм-қариндош ва таниш-билишларга нисбатан муросасизлик.

***Ўзаро муносабатларда раҳбардан талаб этиладиган муюмала маданияти талаблари:***

- хушмуомалалик;
- камсуқумлик;
- андишлилиқ;
- вазминлик.

***Меҳнатда ва дўстона муносабатларда раҳбардан талаб этиладиган хислатлар:***

- ўзаро ёрдам ва бир-бирини қуллаб-қувватлаш;
- ҳозиржавоблик ва мажбурийлик, зиммасидаги вазифаларни сўзсиз бажариш;
- қатъият ва кучли ирода;
- талабчанлик.

***Раҳбарнинг ижтимоий-маданий даражаси курсаткичлари:***

- фуқаролик масъулиятини теран англаш, ватанпарварлик ва байнамилаллик;
- жамият тараққиёти ва баҳт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш, бойлигини кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиш;

- Конституция ва қонунларга, давлатнинг меъёрий ҳужжатларига, ишлаб чиқариш ва ижро интизомига қатъий риоя қилиш;
- ижтимоий бурч ва масъулиятини чукур англаш, жамият манфаатларининг бузилиши ҳолларига муросасиз бўлиш;
- ҳуқуқий, моддий ва маънавий жавобгарликни тан олиш ва унга риоя қилиш;
- фикрлар хилма-хиллигини қуллаб-қувватлаш ва уни ҳурмат қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир раҳбар, қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар, юқорида баён этилган мезон ва тамойилларга таянган ҳолда топширилган соҳа учун масъулиятни теран англаши, ташаббускорликни, доимий изланишларни, янгиликка интилишларни қуллаб-қувватлаши, кишиларнинг фам-ташвиши билан яшаши, жамоадан узилиб қолмаслиги, кеккайиш ва манманликдан холи бўлиши, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш тизимини узлуксиз такомиллаштириб бориши, ўзининг ва қўл остидаги ходимларнинг салоҳияти, сиёсий-хукуқий билимлари ва маънавий-маданий савиясини юксалтириб боришнинг замонавий тизимини яратиши ва амалиётга жорий этишга интилиши зарур.

#### **4.2. МУДИРА ФАОЛИЯТИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ**

##### ***а) маъмурий-хўжалик фаолияти.***

Мудира мактабгача таълим муассасасининг ташкилий, маъмурий-хўжалик, таълим-тарбия ишлари ва барча йўналишидаги фаолиятига раҳбарлик қиласи. Жумладан, смета бўйича харажатларни тўғри тақсимлаш, муассасани витаминаларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш (ҳафтада камида 2 марта), кун тартибини тўғри ташкил этиш, режа бўйича мактабгача таълим масканини болалар билан тўлдириш, таълим-тарбия дастурининг тўлиқ амалга оширилиши, ходимларнинг ўз вақтида ойлик маош билан таъминланишига, ёзги соғломлаштириш ишлари, педагоглар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг билими ва малакасини ошириш, фаол ишлайдиган ходимлар меҳнатини рағбатлантириб боришга, меҳнат интизомига қатъий риоя этишлари устидан назорат қилиш, шунингдек, муассаса ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига раҳбарлик қиласи.

Мудира болалар ҳаётини муҳофаза этиш, уларнинг жисмонан ва интеллектуал жиҳатдан ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратади. У шунингдек, муассасада санитария-гигиена қоғидаларига амал қилиниши, ёнгинга қарши чора-тадбирлар қўрилиши, қиши фаслига витаминга бой озиқ-овқат маҳсулотларини гамлаш, муассаса ҳудудида мевали ўсимликларни ўстиришга, мактабгача таълим муассасасида ўтилизиладиган жорий, капитал таъмирлаш ишларига ҳам масъулдир. У шунингдек, молия-хўжалик ишлари, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича жавобгар шахслар, кир юувчилар, боғбон, дурадгор, фаррош, қорувул, электрик, сантехник, ҳайдовчилар билан яккана-якка суҳбат ўtkазади, уларнинг фаолиятини назорат этади.

Муассасани асбоб-ускуна ва хўжалик материаллари, бинони ўз вақтида таъмирлаш, жиҳозлар (қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар) ва ўқув-кўргазмали қуроллар билан таъминлаш меъёрлари турли ёшдаги гуруҳлар учун мўлжалланган методик хужжатларда тавсия этилган. Тарбияланувчиларни жисмоний, қўлий, ахлоқий, меҳнат ҳамда эстетик тарбиялаш мақсадида тегишли бадиий ва педагогик адабиётлар билан таъминлаш, болалар майдончасини режа асосида тўғри жиҳозлаш, кадрларни болалар билан ишлаш тажрибаси ҳамда индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, шифокор билан биргаликда тиббий ёрдам ишларини назорат этиш ва болаларни тизимли тиббий ёрдам кўригидан ўtkазиш ишларига раҳбарлик қилиш ҳам мудира зиммасига юклатилиди.

Мудира муассасанинг молия-хўжалик, таълим-тарбия ва бошқа йўналишдаги фаолияти, жамоада ижодий, соғлом маънавий-руҳий мұхитни шакллантириш учун қонунда белгиланган тартибда шахсан жавобгардир.

#### *б) ташкилий-педагогик ишларга раҳбарлик.*

Ташкилий-педагогик жараёнларга қуидагилар киради:

- 1) байрам тадбирларини ўtkазишга раҳбарлик қилиш.
- 2) бошқа шаклдаги тадбирларни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш, таҳлил этиш (масалан, очик машғулотлар, сайрлар ва ҳоказолар).

3) Халқ таълими бўлимлари томонидан берилган топшириқ асосида тарбиячилар ва болаларнинг кўрик-танловларда иштирок этишини таъминлаш ва бошқариш, йил тарбиячиси, санъат ва спорт байрамларини ўtkазиш.

## *в) таълим-тарбия ва методик ишларга раҳбарлик.*

Мудиранинг таълим-тарбия жараёнларига раҳбарлиги кўйидагилардан иборат:

1) ҳар бир гуруҳдаги таълим-тарбия ишлари режа асосида ташкил этилишини назорат қилиш, тарбиячининг иш хужжатларини, жумладан, гуруҳнинг таълим-тарбия ишлари режаси, диагностика дафтари, амалга оширилган ишлар ҳисоботини ўрганиш ва таҳдил этиш;

2) гуруҳ хоналарининг жиҳозланиши, уларнинг тегишли ўқув қўлланмалари, кўргазмали воситалар, ўйинчоқлар билан таъминланишини назорат этиш.



Мудира ота-оналар мажлисини ташкил этишга ҳам масъулдир. Мажлисни ота-оналар кўмитаси раиси олиб боради ёки уни ташкил этишда ёрдам беради. Мудира ҳафтада 2 марта ота-оналарни қабул қиласди. Бунда мавжуд муаммо, камчиликлар, болалар тарбиясига оид масалалар ҳал этилади.

## *Мудира томонидан таълим-тарбия ишларини кузатиш, назорат қилиш услублари.*

«Болажон» дастурида мактабгача ёшдаги болаларнинг меҳнат тарбиясига оид кўйидаги вазифалар белгиланган:

а) меҳнатга нисбатан муносабатнинг асосларини тарбиялаш;

б) меҳнат кўнікмаларини шакллантириб бориш;

в) болалар меҳнат фаолияти мазмуни ва қўламини кенгайтириб, уларни такомиллаштириб бориш;

г) шахснинг муҳим сифатлари: меҳнатсеварлик, масъулият, фамхўрлик, тежамкорлик, сабр-тоқат, чидам, қатъият каби хислатларни шакллантириш;

д) топшириқни бажаришнинг бошланиши ва пировард натижаси ўртасида боғлиқликни аниқлашни ўргатиш, меҳнатнинг аҳамиятини тушунтириш, меҳнат натижаларига тежамкорлик билан ёндашишни тарбиялаш;

е) топшириқларга масъулият билан муносабатда бўлиш, ишни охиригача етказиш кўникмасини, уни сифатли бажаришга интилиш асосларини шакллантириш;

ж) меҳнат маданиятини таркиб топтириш; ўз иши ва умумий ишни режалаштириш, уюштириш ва амалга оширишнинг асосларини, жумладан, унинг изчиллигини тъминлаш, иш учун керакли меҳнат жиҳозларини ҳозирлаш ва улардан тўғри фойдаланиш, иш якунига етгач, барча жиҳоз ва меҳнат воситаларини тозалаб, жой-жойига олиб бориб қўйишни ўргатиш;

з) ўз ҳаракатларини ўртоқларининг ҳаракатлари билан мувофиқлаштириш, бир-бирига кўмаклашиш ва ўзаро кўникмасини шакллантириш.

Болаларнинг меҳнат фаолияти турли гуруҳларда тарбияланувчиларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда ўзига хос тарзда амалга оширилади.

### **Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия ишларига раҳбарлик қилиш**

Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия, айниқса, машгулотлар асосан турли ўйинлар тарзида олиб борилади. Шу сабабли мудира томонидан ўйин фаолиятини кузатиш ва таҳлил қилиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳол ўйиннинг мактабгача ёщдаги бола шахсини шакллантирища алоҳида ўрин эгаллаши, ўйин турларининг хилма-хиллиги ва уларнинг тарбияланувчиларда ижобий фазилатларни қарор топтириш ва ривожлантириш хусусиятига эга экани билан боғлиқ.


Мудирадан барча ўйинларга хос хусусиятларни яхши билиш, ўйин жараёнини чукур таҳлил қилиш ва тарбиячиларга ўз вақтида ёрдам курсатишни тақозо этади. Таъкидланганидек, болалар ўйинлари хилма-хиллиги билан ажralиб туради. Улар боланинг мактабгача муассасада бўлган бутун даври мобайнида мазмуни, уюштирилиши, тарбияланувчи фаоллиги ва имкониятларини намоён қилиш характеристери, болаларга курсатадиган таъсирига кура ўзгариб, такомиллашиб боради.



Мудира үйин турларини танлашга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Ҳусусан, мудира тарбиячи томонидан олиб борилаётган машғулотларда боланинг тили, дунёқараши, хислат ва фазилатларини шакллантиришга, ижодий имкониятларини, масалан, мусиқа ёки расм чизишга қизиқишини ривожлантиришга хизмат қиласиган үйинлардан қай даражада фойдаланаётгани, уларнинг таълимтарбия мақсад-вазифаларига қай даражада мослиги таҳдил этиб борилиши ва зарур ҳолларда, ўз билими ва тажрибасига таяниб, тарбиячига тегишли кўрсатма ҳамда маслаҳатлар бериши лозим. У турли ёшдаги гуруҳларда үйинлар тизимини «Болажон» дастури асосида ишлаб чиқиши ва үйин жараёнини кузатиш жадвалини тузиши зарур.

Мудира барча гуруҳларда үйинлар асосидаги машғулотларни ўтказиш учун зарур шарт-шароит яратилгани (ўйинлар учун етарли вақт ажратилгани, уларни тұлақонли ва қизиқарли ўтказиш учун жойнинг, үйинчоқ, кўргазмали воситалар ва құлланмаларнинг мавжудлиги ҳамда хоналарда тўғри жойлаштирилгани ва ҳоказо)га алоҳида аҳамият бериши даркор;

Шундай қилиб, мудиранинг бу борадаги раҳбарлик фаолияти тарбияланувчиларнинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишига хизмат қиласиган, уларнинг эмоционал-руҳий ҳолати барқарорлигини таъминлайдиган ва қизиқишлиарини ривожлантирадиган метод ва усуллардан самарали ва оқилона фойдаланишни рафбатлантириш, жумладан, зарур ҳолларда үйин фаолиятини узайтириш ва мураккаблаштириш орқали боланинг нутқини ривожлантириш, жисмоний ва ақлий фаоллигини ошириш, уларда маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашга йўналтирилмоғи керак.



Гурухларда ўинларнинг тұлақонли ва қизиқарлы ўтказилишига ёрдам берадиган омилларга қуидагиларни киритиш мүмкін:

- тарбиячининг ўинни тұлақонли ва қизиқарлы ўтказиш ҳамда уни оқылона бошқариш қобилятига эга экани;
- ўинни тұлақонли ва қизиқарлы ташкел этиш учун тегишли муҳит ва шарт-шароит яратылғани;
- кун тартиби режасига киритилған машгүлоларда ўин учун етарли вакт ажратылғани.

Маълумки, болаларнинг ўин жараёндаги хатти-харапатлари уларнинг катта ёшли кишиларга тақлид қилишга интилиши яқын күзге ташланади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасасида амалга ошириладиган таълимтарбия ва машгүлолар жараёндана бу жиҳатни эътиборга олиш баробарида, ўин орқали жисмоний, ақлий, маънавий жиҳатдан ривожлантиришга, уларнинг қизиқишилари ва ижодий имкониятларини шакллантиришга интилиш талаб этилади.

#### *2) ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлаш услублари.*

Мудиранинг ота-оналар, жамоатчилик, хусусан, маҳалла қўмитаси билан ишлаш услублари қуидагилардан иборат:

1. Ота-оналар ва жамоатчилик билан биргаликда анжуманлар ўтказиш.

2. Ота-оналар университетларини ташкел этиш. Унинг ийилишларида «Оила» маркази вакили, етук олимлар, халқ таълими бўлими ходимлари ва ота-оналар иштирок этади. Ота-оналар университетининг асосий мақсади – мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларида фарзандларимиз таълим-тарбиясига тааллукдли меъёрий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини

урганиш ва кенг тарғиб этиш, шунингдек, муассаса фаолиятига доир долзарб масалалар мұхқама этилиб, улар-нинг ечимиға оид чора-тадбирлар белгиланади.

Бундан ташқари, мудира тегишли умумтағым мактаблари билан алоқа үрнатыб, бир йилга мұлжалланган режа асосида фаолият юритади. Ушбу режада мактабгача тағым мұассасасининг бу борадаги асосий вазифалари, умумтағым мактаби томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар, тарбияланувчилярни мактаб тағимига тайёрлаш, лотин алифбосида үқиш ва ёзишни үргатиши ҳамда мұассаса мудираси ва мактаб директори томонидан амалга оширилиши лозим бұлған бошқа вазифалар белгиланади.

Шунингдек, үқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, мактабгача тағимнинг инновация шақларини ривожлантириш мақсадида мактабгача тағым мұассасасида Педагоглар кенгаши ташкил этилади. Мазкур кенгаш аъзоларини сайлаш тартиби ва унинг ваколатига кирадиган масалалар мактабгача тағым мұассасаси низомида белгиланади.

Мактабгача тағым мұассасасиға бевосита раҳбарлық қилиш мудира томонидан амалга оширилади. Мудираны ишга қабул қилиш амалдаги қонун ҳужжатларыда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Халқ тағыми вазирлиги билан келишилған ҳолда амалга оширилади.

Давлат мактабгача тағым мұассасаси мудири билан меҳнат шартномаси бир йил муддатта тузилади.

### **Мактабгача тағым мұассасаси мудираси:**

- мактабгача тағым мұассасаси номидан ишончномасиз фаолият күрсатади, барча мұассаса ва ташкилоттарда унинг манфаатларини ифодалайди;
- мактабгача тағым мұассасаси мол-мұлкини үзиге берилған ваколатлар доирасыда тасарруф этади;
- ишончномалар беради;
- банк мұассасаларыда ҳисоб рақамлари очади;
- мактабгача тағым мұассасаси ходимларини ишга қабул қилиш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, рағбатлантиради, интизомий жазо чораларини кўради ва улар билан тузилған меҳнат шартномаларини узайтиради ёки тўхтатади;

— ўз ваколати доирасида буйруқлар (фармойишлар) чиқаради;

— мактабгача таълим муассасасининг ишини такомиллаштириш, моддий базасини мустаҳкамлаш, ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун халқ таълимини бошқариш юқори органига киритади;

— болалар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишнинг самарали ташкил этилиши, ўқув-тарбия жараёни, молияхўжалик фаолияти аҳволи, моддий-техник базасининг мустаҳкамланиши ва моддий бойликларнинг сақланиши учун жавоб беради.

Мактабгача таълим муассасаси маъмурияти жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўз-узини бошқарув асосида болаларни тарбиялашда юксак натижаларга эришишга қодир бўлган турғун меҳнат жамоасини шакллантиради; кадрларни ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш, педагогик ва хизмат кўрсатиш, меҳнат самарадорлигини ошириш руҳида тарбиялайди, ўз жамоаси, танлаган касби учун фаҳрланиш ҳиссини шакллантиради.

Мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари кадрларнинг касб маҳоратини, умумий таълим маҳоратини, умумий таълим ва маданий даражасини мунтазам ўстириб боришга фамхўрлик қиласди; ходимлар малакасини ҳисобга олган ҳолда ва мактабгача таълим муассасаси манфаатларидан келиб чиқиб, уларни рационал ва ўз вақтида жойдан-жойга кўчириб турилишини таъминлайди. Бу мақсадлар учун маъмурият руҳий-педагогик ўқувнинг ҳуқуқий-иктисодий ўқув билан уйғунлигини таъминлайди; ходимлар малакасини бевосита мактабгача таълим муассасасида ошириш учун шарт-шароит яратади, мураббийлик ҳаракатини ривожлантиради; мамлакатимизда ва чет элларда педагогик ва бошқа гуманитар фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида ахборот беради.

Маъмурият жамоат ташкилотлари билан биргаликда мактабгача таълим муассасалари ходимларини аттестациядан утказиш учун тегишли шарт-шароитларни таъминлайди, уларга ўз вақтида зарур методик ёрдам кўрсатади.

*e) мудиранинг халқ таълими бўлимлари, ота-оналар, жамоатчилик олдидағи ҳисобдорлиги.*

Мактабгача таълим муассасасининг мудираси амалдаги қонунчилик доирасида маъмурият ва педагог ходим-

ларнинг касб-кори ва мансаб фаолиятига асоссиз аралашувга йул қўймайдиган зарур чора-тадбирларни белгилайди. Шунингдек, жамоага нисбатан маъмурий-буйруқ-бозлик уринишларига, унинг мустақиллигини чекловчи буйруқларга чек қўяди, ушбу масалалар бўйича тегишли органларга мурожаат қиласди.

Мудира ишонч қоғозисиз мактабгача таълим муассаси номидан ҳаракат қиласди, барча корхоналар, муассасалар ва жамоат ташкилотларида унинг манфаатини ҳимоя қиласди; кредитлар тарқатади; шартномалар тузади, ишонч қоғозларини беради, банкларда ва бошқа молиявий идораларда ҳисоб рақамларини очади; мактабгача таълим муассасаси учун зарур бўлган жиҳозлар ва бошқа моддий ресурсларни турли корхоналар, ташкилотлар, ширкатлардан ва хусусий шахслардан нақд пулга ёки пул ўтказиш йўли билан ижарага олиш ва буюртма бериш ҳукуқига эга.

Мудира мактабгача таълим муассасаси ваколатлари доирасида буйруқ чиқаради, курсатмалар беради. Бу буйруқ ва курсатмалар мактабгача таълим муассасасининг барча ходимлари учун мажбурийдир. Тарбиячи-услубчи, катта тиббий ёрдам ҳамшираси, хўжалик мудирининг ўз ваколатлари доирасида берган курсатмалари барча ходимлар учун мажбурийдир.

Мактабгача таълим муассасасининг шахсий таркиби қўйидагилардан иборат: маъмурий гуруҳ (мудир, тарбиячи-услубчи, хўжалик мудири, катта тиббий ёрдам ҳамшираси), педагогика, тиббий ёрдам, хизмат кўрсатиши тармоқлари ходимлари.

Меҳнат жамоаси ваколатини амалга оширишнинг асосий шакли — умумий йиғилишdir.

Мактабгача таълим муассасасининг умумий йиғилиши:

— мактабгача таълим муассасасининг Низомини кўриб чиқади ва қабул қиласди;

— мактабгача таълим муассасаси кенгашини тузади, унинг таркиби ва раисини сайлайди;

— йиллик ва истиқбол режаларни мұхокама этади, тасдиқлайди, унинг бажарилиши ҳақида маъмурият ҳисоботини эшитади, педагогик ва хизмат кўрсатиши меҳнати самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини белгилайди;

— жамоа шартномасини мұхокама қиласди ва касаба уюшмаси қўмитасига тақдим этади.

### **ж) мудира ишини режалаштириш.**

Мудира фаолиятида, юқорида тилга олинган омиллардан ташқари, қиёсий текширув ҳам муҳим урин эгаллайди. Унинг аҳамияти тарбиячининг педагогик фаолиятини бошқа педагогнинг иш тажрибаси билан таққослаш(масалан, ёнма-ён гуруҳлар тарбиячилари иш фаолиятини солиштириш), таҳлил қилиш ва баҳолашда намоён бўлади.

Қиёсий текширув дастурнинг айрим бўлимларини бажарилишини ўрганишда турли тарбиячиларнинг билими, кўнигма ва малакалари ҳамда умуман иш самарадорлигини таҳдил қилишда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Қиёсий таҳдил натижалари педагоглар кенгашида муҳокама этилиши мумкин.

Қиёсий текширув гуруҳларга кириш ва тарбиячилар ишларини бевосита кузатиш, режалар, болалар ишлари ва бошқа хужжатларни таҳдил қилиш шаклида ўтказилиши мумкин.

Мудира кундалик педагогик жараёнларни, уқиш ва машғулотларни, тарбияланувчилар фаолияти, улар олаётган билимлар сифатини тарбиячилар билан бирга таҳдил қиласди, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш йўлларини излайди.

Қиёсий текширув илфор иш тажрибасининг оммалашувига, таълим-тарбиявий жараёни ва барча гуруҳ тарбиячиларининг умумпедагогик салоҳияти даражасини оширишга ёрдам беради.

Назоратнинг ҳар қандай тури қўлланишидан қатъи назар, унга мудира жиддий, пухта тайёргарлик кўрган ҳолдагина кутилган самара бериши мумкин. Энг аввало, текширув мақсади аниқ белгиланиши лозим (масалан, кичик гуруҳларда болаларнинг кун давомидаги хилма-хил машғулотлари учун тегишли шарт-шароит яратилганини; катта гуруҳларда тарбияланувчиларнинг ўйин ва меҳнат жараёнидаги ўзаро муносабатларини кузатиш, хусусан, ўйин пайтида иноқлиги ёки меҳнат жараёнидаги ҳамжиҳатлиги).

Ўрта гуруҳларда эса мудира тарбияланувчилар нутқини ўстиришга доир дастурнинг қай даражада ўзлаштирилаётгани, болаларнинг нутқ фооллиги ва кўникмаларининг шаклланиш даражасини текширади.

Қиёсий текширув мақсадини аниқ белгилаб олгач, мудира тарбиячининг таълим-тарбия иш режасини «Болажон» дастури талаблари билан солиштиради, олдинги

текширув натижалари билан танишади, болаларнинг ишларини ўрганади, тарбиячи ва кичкитойлар билан суҳбатлашади. Шунингдек, янги методик адабиётлар ва ишланмалар, илфор педагогик тажрибани умумлаштириш хуносалари, илмий тадқиқотлар натижалари билан танишиб, текшириш жараёнида аниқламоқчи бўлган саволларни назарда тутиб, текширувнинг қисқа ҳамда аниқ резасини ишлаб чиқади.

Гуруҳларга кириш мўлжаллангани ҳақида, агарда бу тадбир илгари қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида амалга оширилаётган бўлса, мудира педагогни олдиндан огоҳлантириши лозим. Бошқа ҳолларда гуруҳга огоҳлантиришсиз кириш ёки кириш ҳақида эрталаб огоҳлантириш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашув тарбиячиларда ўз масъулиятини ҳис этишга ёрдамлашади. Бирор-бир бўлим бўйича дастур талабларининг баҷарилишини текшириш ҳақида тарбиячи олдиндан огоҳлантирилиши керак. Бундай огоҳлантириш педагогларнинг ўз фаолиятидаги камчиликларни мустақил аниқлашга, ҳар бир боланинг ривожланиши ва дастурни ўзлаштиришини холисона баҳолашига кўмаклашади. Шунингдек, гуруҳга бир марта бир лаҳзага кириш тарбиячи иши ҳақида тугал хулоса чиқариш хўкуқини бермайди.

Агар мудира муайян фаолият турини ёки кун тартиби жараёнини таҳдил қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса, у ҳолда фаолиятнинг бу турини бошдан охиригача тўлиқ кузатиб, хулоса қилиш талаб қилинади.

Шу билан бир қаторда, мудира қабул қилган курсатма, тавсия ва қарорларнинг ижросини текшириб бормаса, ҳеч қандай текширув ижобий самара бермайди. Ижрони мунтазам назорат қилиб бориш ходимларни интизомга одатлантиради, ўз масъулиятини теран ҳис этишга унрайди.

Мунтазам назорат — бу фақат илгари айтилган курсатма ва таклифларнинг ижросини текширишгина эмас, балки гуруҳда маълум вақт давомида қилинган ишларни солишириб куриш ҳамдир. Масалан, мудира ўқув йилининг бошида болаларнинг машғулотларда ақлий фаоллигини текшириш чоғида тарбиячиларнинг муаммоли тусдаги савол ва вазиятлардан кам фойдалангани, тарбияланувчиларда мустақил ҳамда танқидий фикрлаш кўнинмаларини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаганини

қайд этади. Мудира бу камчиликлар сабабини педагоглар жамоаси иштирокила муҳокама қилиб, уларни бартараф этиш йўлларини белгилаб олгач, ярим йилдан сўнг текширув ўтказади ҳамда йил бошидаги ва янги маълумотларни ўзаро солиштириб, тегишли холоса чиқаради.

Назоратнинг юқорида курсатиб ўтилган тур ва шаклларнинг амалга оширилиши мудирага гуруҳларда таълимтарбия ишлари қай даражада йўлга қўйилганини ўрганишга, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга, тарбиячиларнинг ўз устидаги мунтазам ишлаши, тинимсиз изланишига имкон беради.

*3) мактабгача таълим муассасаси раҳбарини тайинлаш, муассаса фаолиятини назорат этиши ва аттестациядан ўтказиш, мудиранинг ҳуқуқ ва вазифалари.*

Нодавлат мактабгача таълим муассасасини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан келишган ҳолда муассис томонидан тайинланадиган шахс бошқаради.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари бундай муассаса мудири лавозимига қўйиладиган малака талбларига мувофиқ булиши керак.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолиятини назорат қилиш муассис томонидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Мактабгача таълимта қўйиладиган давлат талблари ва ўқитиши дастурларининг нодавлат мактабгача таълим муассасалари томонидан бажарилишини назорат қилишини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги амалга оширади.

Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, уларнинг фаолиятини тұхтатиб туриш ва тұхтатиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*и) мактабгача таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва вазифалари.*

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг ҳуқуқ ва имтиёзлари қонун ҳужжатларида, мактабгача таълим муассасаси низомида, шунингдек, меҳнат шартномаси (шартномада белгиланади).

Мактабгача таълим муассасасининг педагог ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- мактабгача таълим муассасасини бошқаришда муассаса низомида белгиланадиган тартибда қатнашиш;
- ўз қасбий шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;
- педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Педагог ходимларнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

- болаларни юқори профессионал даражада ўқитиш ва тарбиялаш;
- педагог ахлоқ-одобига риоя қилиш, боланинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш, болаларни тазиикдан ҳимоя қилиш, уларни меҳнатга, ота-онага, катталарага ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;
- ўз малакасини белгиланган тартибда, ҳар уч йилда ошириб бориш;
- ўзининг қасбий кўнинмаларини ва педагогик маҳоратини доимий равишда такомиллаштириш.

Педагог ходимлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси ходимларига иш ҳақи миқдорлари (лавозим маошлари) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Муассаса раҳбари рағбатлантириш тусидаги устамалар, қўшимча ҳақ ҳамда бошқа тұловлар тури ва миқдорини иш ҳақига йұналтириладиган маблаглар доирасида белгилайди.

## Б./ Б./ Б./ ТЕХНОЛОГИЯСИ

МАВЗУ САВОЛЛАРИ	БИЛАМАН	БИЛДИМ	ВИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН
1. МУДИРАГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР 2. ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАР 3. МАЪМУРИЙ ҲЎЖАЛИК ИШЛАРИ 4. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ ВА МЕТОДИК ИШЛАРГА РАҲБАРЛЫК 5. НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСУЛИ 6. ОТА-ОНАЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ИШЛАШ УСЛУБЛАРИ			

#### **4.3. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ УСЛУБЧИСИ, УНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР**

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддасида «Таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш давлат бошқарув органларига раҳбарлик қилиш, таълимни ривожлантирувчи дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳар бир раҳбарнинг бош вазифаларидан биридири» деб таъкидланган.

«Мактабгача таълим туғрисида»ги Низомда ҳам мактабгача таълим муассасаларини бошқариш ва кадрлар тайёрлаш ишларини амалга ошириш, раҳбарнинг ҳуқуқ ҳамда кафолатлари белгилаб берилган. Мактабгача таълим муассасаси низомида услубчининг ҳуқуқ ва вазифалари аниқ белгилаб берилган. У таълим-тарбия услубларини мукаммал эгаллаган, сиёсий онги, дунёқараши кенг, юксак маънавий фазилатлар соҳиби, тадбиркор, камида битта хорижий тилни биладиган педагоглар орасидан тайинланади.

Мактабгача таълим муассасаси услубчи зиммасига қўйидаги вазифалар юклатилади:

- муассасадаги таълим-тарбия ишларига методик раҳбарликни амалга оширади;
- «Болажон» дастурининг бажарилишини таъминлайди ва назорат этади, таълим-тарбия ишларининг тўғри ташкил этилиши учун жавоб беради;
- илфор педагогик тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришга масъулдир;
- Педагогик кенгашда куриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди;
- муассасадаги методик кабинетнинг ишини ташкил қиласди; болаларнинг ёшлиларига мувофиқ педагогик қўлланмалар ва ўйинчоқларни танлайди;
- ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этиш, турли гуруҳ тарбиячилари, шунингдек, мактабгача таълим муассасаси ва умумтаълим мактаблари ўртасидаги ўзаро муносабатларда узвийликни таъминлашга йўналтирилган ишларни ташкил этади.

Услубчи ҳамкасбларининг ҳурматини қозониш ва уларга ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришларида ёрдам бериш учун муайян раҳбарлик салоҳиятига ҳам эга булиши лозим.

У нафақат пухта назарий тайёргарликка, балки билим ва тажрибаларини амалда қўллаш кўникмасига ҳам эга булиши зарур.

Тажрибали услубчи ташаббускорлиги ва ишга ижодий ёндашиш фояларини умумлаштира билиши, аниқ мақсадни кўзлаб фаолият юритиши, ҳар бир тарбиячининг имконият ва қобилиятларини эътиборга олиши билан ажралиб туради.

Мактабгача таълим муассасаси услубчининг таълим-тарбия йўналишидаги фаолиятининг самарадорлиги, унинг обрў-эътибори кўп жиҳатдан педагоглар жамоаси, энг аввало, муассаса раҳбариятининг жипслиги, уюшқоқлиги ва бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритишига боғлиқdir.

Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия ишларини талааб даражасида амалга ошириш, тарбиячиларда меҳнат интизомига қатъий амал қилиш кўнимкасини, бир-бирининг камчиликларига танқидий муносабатни шакллантириш, меҳнат ва ижодий фаолитини ошириш орқали иш самарадорлигини кўтариш; қабул қилинган қарорларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш услубидан юксак билим ва малака, тарбиячилар билан уларнинг руҳиятини инобатга олган ҳолда ишлаш салоҳияти, катта тажриба ҳамда қўплаб маънавий фазилатлар соҳиби булишни талааб этади. Шунинг учун ишини энди бошлаётган ҳар бир ёш мутахассис ёрдам ва маслаҳатга муҳтоҷлигини эътиборга олиб, уни етарли билим ва тажрибага эга мураббийга бириктириш мақсадга мувофиқdir.

Ёш мутахассиснинг касб маҳоратини эгаллаб олиши, жамоада обрў-эътибор қозониши осон кечмайди. Шунинг учун ҳам услубчининг асосий вазифаларидан бири – ёш мутахассиснинг етук тарбиячи-педагогларнинг илфор иш тажрибаси ва усулларини эгаллаш, ўз устида тинимсиз ишлаб, билим доирасини кенгайтириб бориш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш борасидаги интилишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, зарур ҳолларда амалий ёрдам ва маслаҳат беришдан иборат.

#### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЧИ-МЕТОДИСТ ЛАВОЗИМИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ

##### *Лавозим вазифалари:*

- а) мактабгача таълим муассасаси жамоаси ўқув-тарбиявий фаолиятига методик раҳбарлик қилиш;
- б) барча ёш гурӯҳларда болаларни тарбиялаш ва ўқитиш дастурларининг бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

в) тарбиячи ва тиббий ходимлар ишини йұналтириш, назорат қилиш, бевосита болалар билан ишловчи тарбиячиларга ва тиббий ҳамшираларга зарур методик ёрдам күрсатиш;

г) мактабгача таълим муассасасыда методик кабинет ишини ташкил қилиш, болаларни тарбиялаш ва үқитиш бүйіча йүрікнома-методик материалларни умумлаштириш;

д) илфор тажрибаларни үрганиб, тарбиячилар ва тиббий ҳамширалар орасыда тажриба алмашиш ишларини ташкил қилиш, тарбиячилар учун уларға амалий ёрдам беріш мақсадида маслаҳатлар үтказиши;

е) болалар тарбиясининг долзарб масалаларини педагогик кенгашнинг муҳокамасига киритиш, педагогик кенгашларга материаллар тайёрлаш ва унда тарбиячиларнинг иштирокини таъминлаш;

ж) мактабгача таълим муассасасыда қабул қилинган буйруқтарнинг бажарылышини назорат қилиш;

з) ота-оналар орасыда педагогик билимларнинг таşвиқоти ҳамда мактабгача таълим муассасасыда турли ёш гүрухлар бүйіча тарбиячилар ишида изчиллікни таъминлаш;

и) таълим муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнгин ҳавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш;

й) тарбияланувчиларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиш.

#### **Тарбиячи-методист:**

а) Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ва «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларини;

б) ҳукуматнинг тегишли қарорлари, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

в) мактабгача ёшдаги болаларнининг ривожланишига қўйилган давлат талабарининг мазмунини, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш дастури ва тарбиявий ишлар концепциясини;

г) мактабгача педагогика ва психологияни, мактабгача ёшдаги болаларни үқитиш ва тарбиялаш шакл ва услубларини;

д) мактабгача таълимга давлат талабарини бажарылышини назорат қилиш шакллари ва услубларини, болалар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш қоидаларини;

е) педагогик фан ва амалиётда ишлаб чиқилган методик хужжатларни, ўкув ва тарбия жараёнида ўқитиш техникавий воситаларидан фойдаланиш амалиётини билиши лозим.

### **Малака талаблари:**

а) ўз йўналиши бўйича камида бакалавр даражасидаги олий маълумот ёки кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш бўйича курсларни тутгатгани;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва аҳборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини билиши;

в) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

Услубчининг доимий хужжатлари қаторига гуруҳлардаги таълим-тарбия ва соғломлаштириш ишларини назорат қилиш дафтари (журнали) ҳам киради. Унда услубчи гуруҳларда болаларнинг ўкуви, ўйин-машғулотлари, меҳнат фаолиятини ўрганишга доир ишини; тарбиячилар ишининг сифатини; болалар томонидан дастурнинг тури бўлимлари бўйича эгаллаган билим, куникма ва малақаларининг таҳлили; болаларда хулқ-автор маданияти, маънавий-ахлоқий сифатларни, жамоада яшаш кўникмаларини қай даражада эгаллаганини қайд этади. Услубчи тарбиячилар ишидаги ютуқ ва камчиликларни таҳдил этар экан, улар дуч келган муаммо ва қийинчиликларнинг сабабларини аниқлааб, таълим-тарбия ишларини яхшилаш йўлларини акс эттиради.

### **Услубчининг лидерлик ва раҳбарлик хусусиятлари**

Услубчи жамоани бошқаришда, аввало, ўзи шахсий намуна курсатиши лозим. Умуман олганда, баъзан адабиётда «лидер» сўзини «етакчи» атамаси билан алмаштириш ҳоллари кўп учрайди. Ўйлашимизча, «етакчи» атамаси «лидер»га хос бўлган психологик хусусиятларни тўлиқ ифодалай олмайди. «Етакчи» сўзи одатда гуруҳга муносабат сифатида, унинг аъзоларига таъсир ўтказувчи ва мақсадга етакловчи шахсга нисбатан қўлланади. Етакчилик гуруҳ таркибини, ундаги муносабатлар тизимини таҳдил этиш орқали аниқланадиган шахс ҳолатидир. Лекин лидерга хос бўлган фазилатларни ифодаловчи яна талай жиҳатлар ҳам борки, уларни муносабатлар тизими доирасида гина таҳдил этиш мумкин эмас. Бундай талқинда лидерга хос бўлган асосий жиҳатлардан яна бири – шахснинг вази-

ятга мувофиқ равища ҳаракат қилиш қобилиятини ҳисобга олиш зарурати. Бирон-бир муаммоли вазиятда пайдо бўлган қийинчиликни бартараф этишда ташаббускорлик, топқирлик ва моҳирлик лидерга хос хусусиятлардир. Муаммони ечиш билан бўғлиқ қескин вазиятда лидер бошқаларга нисбатан ўзининг илфорлиги, пешқадамлиги билан ажралиб туради. Фикримизча, ўзбек тилида айнан шу икки ибора – «пешқадам» ва «етакчи» сўзлари яхлит тарзда лидер моҳиятини тулиқ ифодалаши мумкин.

Назаримизда, «етакчи» сўзи шахснинг гуруҳни етаклашга, бошчилик қилишга бўлган иштиёқи мавжудлигидан келиб чиқади. «Пешқадам» ибораси эса маълум фазилатларга эга бўлган шахс ортидан гуруҳнинг эргашишини, жамоа ишонган одам бораётган йўлни ихтиёрий равища танлашини анлатади. Айнан шу ҳолат «лидер» иборасига нисбатан ҳам қўлланishi зарур. Лидернинг бу хусусияти унинг ҳиссий жозибадорлигига, ўзгаларни ўзига жалб этиш фазилатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, «лидер» сўзини фақат «етакчи» атамаси билан бир хиллаштириш лидерлик ҳолатининг психолого-гик жиҳатлари тор доирада талқин этилишига сабаб бўлади. Ушбу мулоҳазадан келиб чиқсан ҳолда қўлланма матнида «лидер» сўзидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, «лидер» сўзи замиридаги маънони англаб олиш ўзбек китобхони учун қийинчилик туғдирмайди.

*Лидерлик ва раҳбарлик.* Мехнат жамоасидаги ҳар бир ходим гуруҳда муайян мавқега эга. Бундай мавқе расмий ёки норасмий тарзда кўлга киритилиши мумкин. Расмий мавқе ходимнинг мансаб поғонасидағи ўрни ва унинг лавозимидан келиб чиқадиган ваколатлари билан ифодаланади. Ҳар қандай ходим ўз ҳамкаслари билан ўзаро муносабатда бўлар экан, турли омиллар таъсирида бу муносабатлар ҳиссий тус ола бошлайди.

Ҳиссиятга асосланган муносабатлар икки кўринишда – ёқтириш (симпатия) ва ёқтираслик (антисимпатия) тарзида шаклланади ва намоён бўлади. Шундай ходимлар ҳам борки, улар ўзининг маълум хислатлари билан жамоанинг кўпчилик аъзоларида симпатия уйғота олади ва гуруҳнинг норасмий тизимида юқори мавқени эгаллайди. Психологик талқин бўйича жамоанинг расмий тизимида юқори мавқ-

ени эгаллаган ходим раҳбар булиб ҳисобланса, норасмий тизимда бундай шахс лидер сифатида эътироф этилади.

Лидерлик ҳолати, одатда, гуруҳнинг норасмий муносабатлар тизимида намоён бўлади. Бирон-бир шахснинг лидер даражасида тан олиниши унга нисбатан ҳиссий яқинликни, фаолияти билан боғлиқ бўлган қатор фазилатларининг юқори баҳоланишини ва ушбу шахснинг гуруҳ манфаатларига бефарқ эмаслигини англатади. Лидер – гуруҳнинг барча аъзолари томонидан тан олинган шахс. Лидернинг қадриятлар тизимидағи асосий ҳусусияти – гуруҳ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиши, гуруҳ олдига қўйилган вазифани ечишга сидқидилдан киришиши ва бу жараёнга жамоа аъзоларини сафарбар эта олишидир.

Меҳнат жамоасидаги лидер, аввалимбор, ўзининг ишчанлик ҳусусиятлари билан ажралиб туради. Чунки, у айнан меҳнат фаолияти туфайли бошқалардан ажралиб, яққол кўзга ташланади. Бундан ташқари, лидер гуруҳ манфаатини ҳимоя этар экан, кези келганда, расмий муносабатлар тизимига ва расмий доиралар манфаатларига қарши чиқа олади. Оқибатда, жамоада расмий раҳбар ва норасмий лидер ўргасида зиддият пайдо бўлиши мумкин. Корхона манфаатидан келиб чиқсан, жамоадаги расмий раҳбар ва кўпчилик томонидан эътироф этилган норасмий лидер бир шахс тимсолида намоён бўлиши энг мақбул ҳолдир.

Замонавий психология фани соҳасида қўлга киритилган ютуқларга таяниб, лидерга хос фазилатлар табиати ва унга эришиш йўл-йўриклиари ҳақида етарлича маълумот олиш имконияти бор. Шу муносабат билан, лидерга хос бўлган ҳусусиятларни уч тоифага ажратиш мумкин: 1) жамоа манфаатларига йуналганлик; 2) юксак касбий маҳорат, ҳар қандай муаммоли вазиятда масъулиятни ўз зими масига олиш ва ишни охиригача ҳал этишда ташаббускор бўлиш; 3) эмоционал-ҳиссий жалб этувчанлик ҳусусиятлари. Юқорида санаб ўтилган ҳусусиятлар муайян кетма-кетликда келтирилиши ҳам ўз мантигига эга.

Тадқиқотларда аниқланишича, ҳиссий жалб этувчанлик лидер шахсда яққол кўзга ташланиши шарт эмас экан. Шахсда бу кўрсаткичининг ўрта даражада намоён бўлиши, уни лидер сифатида тан олиниши учун етарлидир. Лекин инсонга хос ҳиссий жозибадорлик кўрсаткичининг пастлиги иш жараёнидаги узаро муносабатларга салбий таъсир этиши мумкин. Раҳбарнинг мулоқот сирларини му-

каммал эгаллаш орқали атрофдагиларда ўзи ҳақида ижобий таассурот уйғота олиши ушбу күрсаткични ошириш имконини берадиган асосий воситадир.

Раҳбарлик тайинланадиган лавозим бўлса, лидерлик ҳамфикрлар томонидан кўтарилган шахс мавқеидир. Агар раҳбар ва лидер ўртасидаги фарққа эътибор берадиган бўлсак, қатор жиҳатларни санаб ўтиш мумкин. Масалан, раҳбар ходимларни бошқарса, лидер ҳамфикр тарафдорларига таянади; раҳбар тайинланса, лидер жамоа аъзолари орасидан ажralиб чиқади; раҳбар ўз ҳокимиятига суюниб фаолият юритса, лидер обрусига таянади. Раҳбар ўз мажбурияти бўйича ташкилот манфаатини биринчи ўринга қўяди ва унга хос расмий тус касб этади, жамоа олдида эса лидерга нисбатан бир мунча «заиф» ҳолатга тушиб қолиши мумкин.

Ҳаётда шундай жамоалар ҳам учрайдики, уларда расмий раҳбар ва лидер алоҳида-алоҳида шахслар тимсолида намоён бўлади. Бундай жамоа ҳаётидаги кўпгина вазиятларда гуруҳ аъзолари раҳбардан кўра норасмий лидер томонида бўлиш эҳтимоли кузатилади. Жамоадаги расмий раҳбар ва норасмий лидернинг ўзаро муносабати доимо қийин масалалар сирасига киради. Бундай вазиятда, одатда, кўпчилик раҳбарлар лидерни сиқиб чиқаришга, ундан қутулишга интилиши кузатилса, оқилона фикрлайдиган бошқа раҳбар лидернинг имкониятидан фойдаланишга, унинг салоҳиятини гуруҳ мақсадларига тезроқ эришиш йўлига сафарбар этади. Раҳбарнинг лидер билан ўзаро тил топиши, ҳамфикр бўла олиши, шак-шубҳасиз, бўлажак муваффақиятлар гаровидир. Бунинг учун раҳбардан ҳам топқирлик, сабр-тоқат ва ўз шахсий манфаатидан устун тура олиш қобилияти намоён бўлиши талаб этилади.

Расмий раҳбар ва гуруҳ лидери бошқа-бошқа шахслар бўлса, улар ўртасидаги келишмовчилик кўпгина ходимлар томонидан ижтимоий адолатнинг бузилиши сифатида талқин этилади. Лидер билан муносабатни ривожлантириш эса, аксинча, гуруҳдаги кучларни тан олиш, оқиллик йўлини танлаш, деб баҳоланади. Раҳбар сезгир шахс сифатида нафақат лидерга, балки бундай хислатга эга бўлган ҳар бир гуруҳ аъзолисига алоҳида дикқат-эътибор қаратиши лозим. Зоро, лидер билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш орқали гуруҳнинг бошқа аъзолари

билин үзаро фойдали муносабатларни шакллантириш имконияти туғилади. Шу маңнода, гурухда норасмий лидернинг мавжудлиги расмий раҳбар учун гурух аъзолари билан илиқ муносабатларни йўлга қўйишда үзига хос кўпприк сифатида хизмат қиласди. Лекин ҳаётда ҳамма нарса ҳам бир текис, силиқ кечавермайди, чунончи, айрим ҳолларда расмий раҳбар билан норасмий лидер манфаатлари ўргасида зиддиятнинг вужудга келиши, раҳбарнинг илтифотли қадамига қарамай, норасмий лидернинг қайсарлиги, муросасизлиги билан изоҳланади. Бу эса жамоадаги ишлаб чиқариш жараёнлари ва меҳнат интизомига салбий таъсир этиши, энг ачинарлиси, маънавий-руҳий муҳитнинг издан чиқишига олиб келиши мумкин.

Лидерга хос бўлган фазилатларни шакллантириш бўйича психология фанида қўлга киритилган назарий ва амалий хуносалар асосида маҳсус дастурлар яратилиб, улар интерфаол таълим услубига асосланган амалий машғулотларда үз аксини топади. Шахснинг лидерлик жиҳатларини ривожлантирувчи психологик тадбирларнинг методологик асослари бирмунча баҳсли бўлиб, бу мавзунинг пухта ишлаб чиқилиши ушбу машғулотлардан олинажак натижажа самарасини белгилайди. Яқин пайтгача психология фанида шахснинг лидерлик хислатларини шакллантириш бўйича «Хислатлар назарияси» деган таълимот етакчилик қилиб келган. Бу таълимотга биноан, лидерликни ифодаловчи бир неча хислатлар мажмуи мавжуд бўлиб, улар муайян шахснинг ўзгаларга таъсир этиш қобилиятини белгилайди. Аммо, аниқланишича, хислатларнинг ўзигина, улар қанча бўлишидан қатъи назар, шахсни лидер дарајасига кўтара олмайди. Бу хислатларни шакллантириш, уларни шахсга хос бошқа таркибий хусусиятлар билан мувофиқлаштириш ва инсоннинг ички мазмун-моҳиятига айлантириш ўта мураккаб масаладир. Кўп йиллик психологик изланишлар бу йўлнинг кутилган даражада самарали эмаслигидан далолат беради.

Шахснинг лидерлик имкониятларини ривожлантиришнинг замонавий ёндашувларидан бири — инсонга инъом этилган қобилиятга суюниш ва уни рӯёбга чиқаришни тақозо этади. Бундай ёндашув «ситуатив лидерлик» деб аталаб, унда лидер сифатида тан олинган шахснинг умумий мақсадга эришиш йўлида вужудга келган муаммоли вази-

ятда ўз қобилияларини намоён эта олиши тушунилади. Бу назарияга биноан, гуруҳ бир неча лидерга эга бўлиши ва ҳатто, ҳар бир жамоа аъзоси кескин вазиятни ҳал этиш чогида ўз қобилияларини намоён эта олади. Фикримизча, самарали фаолият олиб борадиган раҳбар ўз жамоасида айнан шундай муҳитни яратиши керакки, ҳар бир ходим вазият тақозо этганда, ўз имкониятларини ишга солиш орқали муаммоли вазиятни ҳал этишда қатнашиши ва бошқарув жараёнида иштирок этайдиганини чукур ҳис қила олсин. Бунинг учун жамоа ҳар қандай кескин вазиятни бартараф этиш чогида масъулиятни тегран ҳис этадиган ва ўз ишининг чинакам устаси бўлган юксак малакали ходимларга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, гуруҳда доимо шундай ходимлар ҳам бўладики, улар вужудга келган қўпгина муаммоли вазиятларни ҳал эта олиш қобилиятига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, лидерлик кўп жиҳатдан шахс тугма қобилияларининг етарли даражада шаклангани билан характерланади.

Юқорида айтганимиздек, лидерликнинг асосий жиҳатларидан бири – гуруҳ манфаати ҳақида фамхурлик қилишидир. Шунинг учун ҳам лидерлик таърифидағи асосий маъно касб этувчи жиҳатлар бу – шахснинг ушбу вазиятни муваффақиятли ҳал эта олиш қобилияти ва гуруҳ манфаати йўлидаги жонбозлиги деб тушунилиши мумкин.

Шахснинг лидерлик имкониятини намоён этувчи яна бир муҳим жиҳат – унинг жамоа талаб-эҳтиёжларини тегран англаши ва шунга таянган ҳолда фаолият юрита олишидир. Турли меҳнат жамоалари ўз масъулият даражасидан келиб чиққан ҳолда турлича истакларни намоён этади, ҳатто баъзида жамият манфаатига тўла мос келмаслик ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай жамоаларда эса табиий равишда деструктив, яъни ижтимоий ва ахлоқий меъёрларга зид фаолият юритадиган лидерлар ажralиб чиқиши ва улар гуруҳнинг яширин майлларини намоён этувчи ўзига хос кучга айланиши мумкин.

Лидер ва расмий раҳбарнинг турли шахслар тимсолида намоён бўлиши ва улар ўртасида зиддият вужудга келиши мумкинлиги ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик. Шундай ҳолатлар ҳам юз берадики, ташкилот манфаатига зид йўл тутган лидер атрофига ўзи кабиларни тўплаши ва файриахлоқий хатти-ҳаракати билан нафақат ташкилот мақ-

сад-муддаолари, балки раҳбарнинг обўсиға ҳам путур етказади. Бундай лидерни дарҳол ишдан бўшатиш лозим, деган анъянавий фикр бир қараашда, тўгри бўлса-да, лекин ушбу вазиятдан тарбиявий мақсадларда фойдаланиш раҳбарнинг моҳир ташкилотчилигидан далолат беради. Раҳбар ўз ташкилотидаги мавжуд имкониятларни эътиборга олган ҳолда норасмий лидерни нафақат бўшатиш ёки гуруҳдан ажратишдан кўра, қобилияти ва салоҳиятига мос келадиган вазифаларни зиммасига юклатиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Умуман олганда, раҳбар унинг ман-фаатларига зид ҳаракат қилаётган ҳар қандай кучни, норасмий лидерни ўз томонига ағдара олиши унинг жамоа аъзолари ўртасидаги обру-эътибори ва нуфузини янада оширувчи энг самарали имкониятдир.

### **Лидерликка оид назарияларнинг пайдо бўлиши**

Лидерлик ҳодисаси тўғрисида сўз кетар экан, лидерлик илмий ёндашув ва назариялар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтишга эҳтиёж тугилади. Ҳозирги кунга қадар бошқарув психологияси фанида лидерлик, унинг мазмун-моҳиятига оид асосан учта назария илгари сурилган.

**Биринчиси** – «лидерлик сифатлари назарияси» ёки харизматик лидер назариясидир. Мазкур назарияни илгари сурган олимлар ҳамма ҳам лидер бўла олмаслигини, айрим шахслардагина шундай туфма сифатлар зухур топиши ва айнан ана шу сифатлар мажмуи уларнинг гуруҳда лидер сифатида намоён бўлишини таъкидлайди. Масалан, 1940 йилда американлик олим К. Берд лидерликка хос қирраларни акс эттирувчи 79 та сифатлар рўйхатини эълон қиласди. Бу рўйхатда, жумладан, ташаббускорлик, мулоқотга кириша олиш, ҳазил-хузулга мойиллик, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарорлар қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар қайд этилган эди. Лекин бу назарияни илгари сурган олимлар, биринчидан, лидерга хос сифатларнинг қандай намоён бўлиши ва қай тарзда шаклланишини илмий далиллар билан асослаб бера олмагани, иккинчидан, ижтимоий тадқиқот ва сўровлар натижаларига кўра, бирорта ҳам сифат мутлақ устуворлик (масалан, таклиф этилган сифатларнинг атиги 5 фоизигина респондентларнинг аксарияти жавобларида қайд этилган) касб этмага-

ни мазкур назариянинг чеклангани ва бир ёқламалигидан далолат беради. Бу эса ушбу назарий ёндашув негизида илмий жиҳатдан асосланган ва тўлақонли лидерлик моделини яратиш мумкин эмаслигини кўрсатди.

*Иккинчиси* – лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назариясидир. Унинг асосий моҳияти лидерлик хислатлари муайян вазият маҳсулидир, деган фояга таянади. Мазкур назария вакилларининг фикрича, аслида лидерлик сифатлари ҳар бир одамда мавжуд бўлса-да, бироқ вазият тақозоси, ижтимоий муҳит таъсирида айрим шахсларда улар яқъол кўзга ташланса, бошқаларда эса умуман намоён бўлмаслиги мумкин.

Юқоридаги икки назарияга танқидий муносабат асосида *учинчи* ёндашув – лидерликнинг синтетик назарияси пайдо бўлган. Бу назария вакиллари лидер – гуруҳий муносабатларнинг бевосита маҳсули, унинг рӯёбга чиқишида гуруҳ ҳал қўлиувчи аҳамият касб этади, деган қарашларни илгари суради.

Кейинги йилларда кўплаб олимлар, жумладан, россиялик ижтимоий психологлар А. Н. Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерлик бу – фаолият маҳсули, деган фояни асослашга ҳаракат қилиб, бундай хусусиятларга эга бўлган шахсни аниқлаш учун гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва унда қабул қилинган меъёрлар ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни эътиборга олиш лозимлигини таъкидлайди. Олимлар фикрича, гуруҳ доирасида қабул қилинган меъёрлар, унинг талаб-эҳтиёжлари ва манфаатларини теран англаган ҳамда ўзида мужассам этган шахсгина лидер сифатида тан олиниши мумкин. Умуман олганда, мазкур назария доирасида илгари сурилган фоялар, юқоридаги таълимотлардан фарқли ўлароқ, лидерлик ҳодисаси ҳамда унинг мазмун-моҳиятини нисбатан чукурроқ акс эттиради, десак муболага бўлмайди. Шу билан бирга, кейинги йилларда бу борада илгари сурилган яна бир таълимот – *ижтимоий эҳтиёжлар назарияси* кўплаб олим-мутахассислар томонидан энг мақбул ёндашувлардан бири сифатида эътироф этилаётгани диққатга сазовордир.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳукукий

давлат ва ривожланган фуқаролик жамияти барпо этиш, шу жумладан, таълим-тарбия тизимини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг қобилиятларини рӯёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Бу қайси соҳада раҳбарлик қилишидан қатъи назар, ислоҳотлар моҳиятини, мақсад ва вазифаларини, уларни амалга ошириш йўллари ва усулларини тӯғри тушунадиган, илфор бошқарувоялари, тажрибаси ва ютуқларини ўзлаштирган янги кадрларни, том маънода лидерларни тарбиялаб вояга етказишга ҳам бевосита тааллуқлидир. Президент Ислом Каримовнинг асарлари, турли чиқишилари, халқ депутатлари вилоят кенгашларидағи маъруза ва нутқларида раҳбарларга қўйидаги талаблар қўйилган:

1. Раҳбар, энг аввало, зарур инсоний фазилатларга: ақлидрокка, мустаҳкам иродага, иймон-эътиқодга, ор-номусга эга бўлмоғи керак.

2. Раҳбар чинакам юртпарвар, ватанпарвар булиши, халқи, юрти олдида ўз масъулиятини чукур ҳис этган, элдарди билан яшайдиган, етим-есирларга, ногиронларга, муҳтожларга, кексаларга меҳрибон булиши лозим.

3. Раҳбар шахс камида битта касб-хунар негизини билиши, шу касб эгаси сифатида бошқаларга устозлик қила оладиган даражада булиши шарт. У масъулиятни зиммасига ола билиши, ўз устида тинимсиз ишлаб, доимо изланиб, янгиликка интилиши лозим.

4. Раҳбарнинг савияси баланд, у инсофли ва ишビルармон булиши, ностандарт фикрлай олиши, ҳар қандай масалага янгича ёндашиб, унинг янгича ечимини топа олиши керак.

5. Раҳбар доимо халқ ташвиши билан яшаши, эл-юртманфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиши, бюрократизм ва манманликдан холи булиши, бир сўз билан айтганда, маънавий уйғоқ булиши керак.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бу талаблар мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, ҳар жиҳатдан етук, бошқарув салоҳиятига эга раҳбар кадрларни тайёрлаш ва тарбиялашнинг миллий концепциясида ўз ифодасини топган. У барча соҳадаги раҳбарлар учун, бошқарувнинг қайси бўғинида ишлашидан қатъи назар, ўзига хос методологик асос ва дастуриламал сифатида хизмат қиласи.

#### **4.4. УСЛУБЧИНИНГ МЕТОДИК ИШЛАРГА РАҲБАРЛИГИ**

Педагогик кенгаш жамоа педагоглари фикрини ифодаловчи, болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини биргаликда кўриб чиқадиган доимий фаолият юритадиган орган, методик маҳорат мактаби ва илгор тажриба минбаридир.

Мактабгача таълим муассасаси раҳбари Педагогик кенгаш раиси ҳисобланади.

Педагогик кенгаш муҳокамасига болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш, муассасада педагогика, психология, социология каби фан соҳаларида эришилган ютуқларни ва етук педагог-тарбиячилар илгор тажрибасини амалиётга жорий этиш; тарбиячилар педагогик маҳоратини ошириш, уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантириш сингари масалалар киритилиди.

Педагогик кенгаш Халқ таълими вазирлиги, мактабгача таълим бўйича бўйруқ, йўл-йўриқ, низом ва бошқа меъёрий хужжатларни; мактабгача таълим муассасасининг йиллик иш режасини; болалар соглигини мустаҳкамлаш тадбирларини; ҳар бир ёш гуруҳлари бўйича «Болажон» дастурининг сифатли бажарилиши жараёнини; иш амалиётига жорий қилиш мақсадида тарбиячиларнинг илгор тажрибаларини; мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг долзарб масалаларини, тарбиячиларнинг назарий ва методик тайёргарлигини ошириш масалаларини ва мактабгача таълим муассасаси фаолиятига доир бошқа масалаларини муҳокама қиласи.

Педагогик кенгаш кун тартибини белгилашда барча қатнашчиларни қизиқтирадиган долзарб мавзуларнинг киритилишини таъминлаш зарур. Фақат шундагина Педагогик кенгашда иш муҳити хукм суради, масалалар муҳокамаси фаол ва сермаҳсул бўлади.

Педагогик кенгаш таркибиға: услубчи, тарбиячилар, мусиқа раҳбари, мактабгача таълим муассасасига хизмат қиласиган шифокор, катта ҳамшира, касаба ўюшмаси, отоналар қўмитаси ҳамда васийлик кенгаш раислари киради. Педагогик кенгаш йиғилишига жамоат ташкилотлари вакиллари, мактаб ўқитувчилари, мактабгача таълим муас-

сасаси тарбияланувчиларининг ота-оналари таклиф этилиши мумкин.

Педагогик кенгаш мактабгача муассасанинг йиллик иш режасига киритилган ва Педагогик кенгаш томонидан тасдиқланган режа асосида фаолият юритади.

Мактабгача таълим муассасаларининг коллегиал органи ҳисобланган Педагогик кенгаш фаолияти педагог ходимлар, ота-оналар, ҳомийларни бирлаштириб, мактабгача таълимда давлат талаблари асосида мувофиқлаштирилган таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Педагогик кенгашнинг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- таълим муассасаси педагогик жамоаси фаолиятини йўналтириш, тарбияланувчилар эгаллаши лозим булган билим, малака ва кўникмаларни ривожлантириш, «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари»нинг бажарилишини таъминлаш;

- таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш самарадорлигини оширишда мақбул шарт-шароитлар яратишга доир қарорлар қабул қилиш;

- педагог ходимларнинг нуфузи ва методик салоҳиятини ошириш, уларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича мақсадли ишларни ташкил этиш;

- педагогик жамоанинг таълим-тарбия йўналишидаги фаолиятини таҳлил қилиш ва якуний хulosа бериш;

- илфор педагогларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш, ёш педагогларга методик ёрдам кўрсатиш ишларини амалга ошириш йўлларини белгилаш;

- Устоз-шогирд анъаналари, узлуксиз малака ошириш борасида олинган ҳисботлар юзасидан хulosалар тайёрлаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- тарбияланувчиларга умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий қадриятларни сингдириш, бола шахсини шакллантиришда таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни татбиқ этиш;

- тарбияланувларни жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан баркамол, ватанпарвар ва юртпарвар шахс сифатида тарбиялаш юзасидан таклифлар бериш.

## Педагогика кенгаши фаолиятини ташкил этиш ва унинг иш мазмунни

- Мактабгача таълим муассасаси раҳбари кенгашнинг раиси ҳисобланади ва унинг фаолиятини бошқаради. Педагогика кенгаши котиби жамоа томонидан бир йил муддатга сайланади;
- кенгаш йиғилишлари ўқув йили аввалидан бошланаб, ҳар чоракда бир марта ўтказилади. Зарурат бўлган ҳолларда навбатдан ташқари Педагогика кенгаши ўтказилиши мумкин;
- кенгаш аъзоларининг камидаги учдан иккиси қатнашиб, улардан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлган тақдирда, кенгаш раисининг қарори ҳал қилювчи ҳисобланади;
- навбатдан ташқари чақирилган йиғилишда эса кенгаш аъзоларининг камидаги учдан бир қисми иштирок этиши керак;
- кенгаш йиғилишида муҳокама этилаётган масалалар юзасидан қарорлар очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади;
- кенгаш таркибига муассаса шифокори, ҳамшира, касаба уюшма раиси, ота-оналар (васийлик кенгаши) қўмитаси раиси, маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари кириши мумкин;
- кенгашни ўтказиш вақти, жойи ва кун тартиби муассасада бир ой олдин эълон қилинади;
- кенгашда муҳокама этиладиган масалалар бўйича материаллар доимий ёки вақтингчалик ташкил қилинган гурӯҳлар ёки муассаса маъмурияти тайинлаган педагоглар томонидан тайёрланади;
- кенгашда муассасанинг иш режаси, малака ошириш режасининг бажарилиши, назорат турлари бўйича ўрганиш хulosалари, ходимларнинг ҳисоботлари, тарбияла-нувларнинг ўзлаштириши, муассасанинг санитар-гигиеник аҳволи ва болаларнинг соғлиги ва муассаса фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилади;
- кенгаш педагогларнинг илфор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш, ёш педагогларга ёрдам уюштириш ишларини амалга ошириш йўлларини белгилайди;

— кенгашда машғулот ишланмалари, тарбия жараёнинг шакл ва методларини амалга ошириш йўллари муҳокама қилинади, таълим-тарбиянинг илғор усулларини жорий этиш бўйича тажриба-синов ишларини олиб бориш, олий таълим институтлари, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, мактаб, маҳалла билан ҳамкорлик қилиш йўналишлари белгиланади;

— кенгаш таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда педагогик жамоанинг маълум йўналишлардаги фаолиятини таҳлил қиласи ва таълим-тарбия самарадорлигини оширишда зарур шарт-шароитлар яратишга оид якуний хулоса чиқаради ва тегишли қарор қабул қиласи. Малака ошириш курсидан қайтган педагогларнинг ҳисботларини тинглайди;

— кенгашда кун тартибидаги масалаларни кўришдан олдин аввалги кенгашда қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақидаги масала эшитилади ва ижроси таъминланган ҳар бир масала юзасидан қабул қилинган қарорлар назоратдан олинади;

— кенгаш кун тартибидаги масалаларни кўришдан олдин аввалги кенгашда қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақидаги масала эшитилади ва ижроси таъминланган ҳар бир масала юзасидан қабул қилинган қарорлар назоратдан олинади;

— кенгашда қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш муассаса раҳбари зиммасига юклатилади.

### **Педагогика кенгаши хукуқлари**

— Педагогика кенгаши мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ривожлантириш йўналишининг истиқбол режасини белгилайди;

— мактабгача таълим муассасасининг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни бажариш йўлларини белгилаб беради ва ижросини таъминлайди;

— таълим-тарбия жараёнини ташкил қилишда турли шакл ва методларни ишлаб чиқади;

— ўз ваколати доирасида ишлаб чиқилган хужжатларни муҳокама қиласи ва тегишли қарорлар қабул қиласи;

— педагогларнинг малака оширишдан кейинги амалга оширадиган вазифалари юзасидан ишлаб чиқилган истиқбол иш режаларини тасдиқлайди ва уларнинг ижроси таъминланишини назорат қиласи;

— мактабгача таълим муассасаси низомига мувофик, педагог ходимларни рафбатлантириш ва жазолаш бўйича масалаларни ҳал қиласди.

### **Педагогика кенгаши баённома дафтари нинг юритилиши**

Кенгаши баённомаси ёзиладиган дафтари нинг кириш қисмida кенгаши ўтказиладиган сана, баённома тартиб рақами, қатнашган педагоглар сони, кенгаши раиси ва котибининг исми-шарифи қайд этилади, қатнашмаган педагогларнинг қатнаша олмаслик сабаблари кўрсатилган ҳолда фамилиялари тартиб бўйича ёзиб чиқилади.

Баённомалар дафтарида Педагогика кенгаши кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси, кенгаши аъзолари киритган таклиф ва мулоҳазалар ҳамда кун тартибидаги ҳар бир масала юзасидан қабул қилинган қарорлар қайд этиб борилади. Кун тартибига «Турли масалалар» ёки «Бошқа масалалар»нинг киритилишига йўл қўйилмайди.

Баённомаларда йўл қўйилган камчиликларга тегишли изоҳ берилиб, кенгаши раисининг имзоси билан тасдиқланади. Баённомалар аниқ, озода, равон ёзилиши, дафтари нинг ҳар бир саҳифаси рақамланishi ва тикилиши лозим.

Баённомалар дафтари ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шашар) бўлими мудири томонидан, нодавлат мактабгача таълим муассасаларида эса муассис томонидан имзоланади ва муҳрланади.

Кенгаши баённомаси Педагогика кенгаши раиси ва котиби томонидан имзоланади ва муҳрланади.

Педагогика кенгаши баённомаси ҳар ўкув йили бошида янгидан рақамланади.

### **Педагогика кенгаши ҳужжатлари**

Педагогика кенгаши ҳужжатлари таълим муассасаси нинг иш юритиш ҳужжатлари билан бирга сақланади.

Педагогика кенгаши ҳужжатлари баённома ва педагогика кенгаши кун тартибидаги муҳокама қилинган масалаларга оид материаллардан иборат.

Педагогика кенгаши ҳужжатлари муассасада уч йил давомида сақланади.

## **Илгор педагогик тажрибани умумлаштириш**

Тарбиячиларнинг энг яхши тажрибаларини ўрганиш, барча илгор тажрибаларини таҳдил қилиш ва амалиётга жорий этиш мактабгача таълим муассасаси услугий фаолиятининг асосини ташкил этади.

Тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш гуруҳлардаги тарбиявий ишлар ҳолатини тизимли тарзда таҳдил қилишни назарда тутади. Тажрибани ўрганишнинг асосий йўлларидан бири гуруҳларга режали тарзда кириш ва педагогик жараён ҳамда кун тартиби жараёнларининг турли жиҳатларини кузатишdir. Ана шу кузатишлар асосида тарбиячининг иши, болаларнинг хатти-ҳаракатлари ва хилманил фаолиятлари ҳақида тасаввур пайдо булади.

Услубчининг кузатишлари маҳсус дафтарда қайд этилади.

## **Педагогик кабинетнинг иши**

Педагогика кабинети – мактабгача таълим муассасасидаги бутун услугий ишларнинг маркази ҳисобланади. Педагогик жараённи уюштириш, ота-оналар билан ишлаш, ходимлар педагогик маҳоратини ошириш ва ўз устидаги мустақил ишлари ва ўқишини ташкил қилишда, тарбиячиларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида педагогика кабинети етакчи ўрин тутади.

Педагогика кабинети мактабгача таълим муассасаси қарор топган анъана ва тупланган тажриба жамланадиган жойdir. Услубчининг вазифаси – ана шу анъана ва тажрибани аниқ ва тушунарли ифодалаб, ҳар бир тарбиячи онгига сингдиришга, болалар билан ишлашда уларни ижодий қўллашга ўргатишdir.

Педагогика кабинетида тўғри йўлга қўйилган иш барча ходимларнинг методик тайёргарлигини оширишга, хусусан, болаларни ҳар томонлама ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Педагогик кабинетининг асосий вазифаси – мактабгача таълим муассасаси тарбиячиларига методик ёрдам кўрсатиш, уларнинг гоявий-сиёсий ва илмий-методик савияси, педагогик маҳоратининг ўсиши, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил қилишида тегишли шарт-шароит яратишdir. Бунинг учун услубчи томонидан тайёрланган

материаллар мазмунан бой, пухта-пишиқ үйланган ва мұайян тизимга солинган булиши керак.

Педагогика кабинетида тарбиячиларни мавжуд материаллар билан таништириш, илгор тажрибани оммалаштириш мақсадида «ахборот хизмати» үштірилади. Ахборот хизмати доирасыда кабинетни ижтимойй-сиёсий ва маънавий-маърифий адабиётлар, хилма-хил ахборот бюллетенлари билан жиҳозлаш, болалар таълим-тарбиясига доир масалалар бўйича «ахборот кунлари»ни ўтказиш, «Методик адабиётлар янгиликлари», «Тажриба, муаммо, амалиёт», «Методик бурчак» каби стендларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, кабинетнинг узлуксиз ишлашини ташкил этиш, тарбиячиларга ўз вақтида услугбий ёрдам күрсатиш мақсадида мактабгача таълим муассасаси мудири билан келишган ҳолда навбатчилик үштірилиши мумкин.

Мухтасар айтганда, педагогика кабинети мактабгача таълим муассасаси услугбий-методик фаолиятининг чинакам марказига айланиши зарур. Бунинг учун услугбийётчи тарбиячиларнинг яқин ҳамкорига айланиши, уларга кабинет хизматидан, бу ерда сақланыётган ўқув, илмий ва услугбий материаллардан самарали фойдаланиш күникмасини шакллантириши зарур. Бу үринда, айниқса, ёш тарбиячилар билан ишлашни йўлга кўйиш мұхим аҳамият касб этади. Бу эса услугчининг билими, маҳорати, ташкилотчилик қобилияти ва инсоний фазилатларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

### **Таянч тушунчалар:**

*Услубчи* – мактабгача таълим муассасасида услугбий-методик ишларга раҳбарлик қилувчи ходим.

*Методик иш комплекси* – тарбиячиларнинг болалар билан ишлаш усул ва услубларининг умумий мажмуси.

*Таҳлил* – таълим-тарбия, методик ва бошқа жараёнларни кузатиш ва мұхокама қилиш асосида таҳлил этиб бориш.

*Қиёсий кузатув* – назоратнинг ўзга хос тури бўлиб, тарбиячилар фаолиятини ўрганиш, иш самарадорлигини аниқлаш услуби.

## МАВЗУ ЮЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим туғрисида»ги Қонуни// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.
3. «Болажон» дастури. –Т., «Матрифат-Мададкор», 2010.
4. Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари. –Т., 2012.
5. Справочник «Руководителя дошкольного образовательного учреждения». –Т., 2006.
6. **Ф. Р. Қодирова, Р. М. Қодирова**. Мактабгача таълим концепцияси. –Т., «Фан ва технология», 2011.
7. Мактабгача таълим тизимига доир ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар тўплами. «LIDER PRESS», –Т., 2009.

### Назорат учун саволлар:

1. Мудирага қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
2. Мудира фаолиятини изоҳлаб беринг.
3. Мудиранинг таълим-тарбия йўналишида ва ташкилий фаолиятини ёритинг.
4. Методик иш фаолиятига нималар киради?
5. Кадрлар ва ота-оналар билан иш услублари нималардан иборат?
6. Мудиранинг ҳукуқлари қайси ҳужжатларда белгилаб берилган?
7. Мактабгача таълим муассасаси услубчиси фаолиянинг мазмуни нималардан иборат?
8. Услубчининг таълим-тарбия ишларига раҳбарлиги-ни мисоллар билан тушунтиринг.
9. Илгор иш тажрибаларни аниқлаш усуллари нималардан иборат?
10. Педагогик кенгашнинг вазифа ва ваколатлари нималардан иборат?
11. Педагогик кенгашни ўтказишда услубчининг роли нималарда намоён бўлади?
12. Педагогик ходимлар билан ишлаш услубларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

## **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

**1. Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг касбий маҳоратини такомиллаштириши йўлари бу –**

- а) Педагогик кенгаш, семинар, семинар-машғулот, очиқ машғулотлар, методик бирлашмалар;
- б) турли педагогик тадбирлар, очиқ машғулотлар, ота-оналар мажлислари;
- в) очиқ эшиклар куни, умумий ота-оналар мажлислари, семинарлар;
- г) Педагогик кенгаш, семинар машғулотлари, турли методик тадбирлар.

**2. Мудира томонидан кадрлар билан ишлаш усуллари бу –**

- а) яккама-якка сұхбатлашиш, ёш мутахассислар билан ишлаш, очиқ машғулотлар;
- б) кадрларни, мутахассислик иш тажрибаларини ўрганиш, таҳлил қилиш;
- в) ота-оналар билан олиб борадиган ишларини пухта ўрганиш, таҳлил қилиш;
- г) гуруҳларга кириш, кузатиш, рағбатлантириш, назорат қилиш.

**3. Бошқарувда педагогик технологияларнинг шаклларини аникланг:**

- а) педагогик, инновацион, ахборот технологиялари;
- б) инновацион, М. Монтессори технологияси, ахборот технологиялари;
- в) ахборот, триз, инновацион;
- г) триз, интерфаол услублар, ахборот технологиялари.

**4. Мудиранинг касбий сифатлари қайси бандда тўғри кўрса-тилган?**

- а) аниқлик, ҳамкорлик, демократик бошқарув;
- б) яккабошчилик, табиий-генетик, софдиллик;
- в) юксак маънавият, ирова, ташкилотчилик, педагогик сифатлар;
- г) кадрларни илгари суриш.

**5. Мактабгача таълим муассасаси мудираси олиб борадиган иш мазмуни қайси бандда тўғри ёрнилган?**

- а) молиявий-хўжалик, методик ва таълим-тарбия ишлари;
- б) ота-оналар университети, жамоатчилик, маҳалла билан иш фаолияти;
- в) ёш мутахассислар, хизмат курсатувчи ходимлар, маҳалла ва ташкилотлар билан;
- г) таълим-тарбия, меҳнат, молиявий-хўжалик фаолият.

## *V боб. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЛІМЛАРИ ТОМОНИДАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ*

1. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабгача таълимга раҳбарлик.
2. Мактабгача таълим бошқармаси, унинг вазифаси, иш мазмунни.
3. Мактабгача таълим муассасаси назоратчи-услубчининг вазифалари, хуқуқлари ва унга қўйилган талаблар.
4. Таълим соҳасидаги қонун хужжатларида таълим тизими ни бошқариш.

### **5.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА РАҲБАРЛИК**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимлари мактабгача таълимни бошқаришнинг ваколатли органлари ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоят ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) Халқ таълими бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсунади.

Мактабгача таълим муассасалари бошқариш халқ депутатлари Кенгаши қошидаги тегишли кенгаш вазифасига киради.

Вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бошқармаси турли шаклдаги мактабгача таълим муассасалари тармоғини шакллантириш ва ривожлантириш ишларини бошқаради. У мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги муассасаларни куриш, маб-



лаф билан таъминлаш, кадрлар танлаш ишларига кўмаклашади, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишишларини йўлга қўяди, услубий қулланмалар ва кўргазмали воситалар билан таъминлайди, идоралар, жамоат ташкилотлари, ота-оналар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Кенгаш таркибида ҳомийлик қилувчи муассасаларнинг ходимлари, ота-оналар, ўрта мактаб, мактабгача таълим, тиббий ёрдам, маҳалла қўмитаси вакиллари киритилади. Мактабгача таълим мудираси тегишли туман халқ таълими бўлими томонидан тайинланади

Мактабгача таълим муассасалари фаолияти асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Халқ таълими вазирлиги, вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлиmlари – мактаб, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари, мактаб-интернатлар, академик лицей ва коллежларга раҳбарлик қилувчи юқори органлар ҳисобланади.

Халқ таълими вазирлиги, вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлиmlари қуйидаги йўналишлар бўйича фаолият юритади:

- мактабгача таълим;
- умумий ўрта таълим;
- мактабдан ташқари ишлар;
- малака ошириш.

Халқ таълими вазирлиги тизимидағи ташкилот ва муассасаларга умумий раҳбарлик вазир томонидан амалга оши-

рилади. Ҳар бир йўналиш буйича раҳбарлик вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари томонидан амалга оширилади. Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бош бошқармаси зиммасига мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, муассасалар фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни назорат этиш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги фаолиятига кўмаклашади ва иш режаларини тасдиқлайди. Вазирлик «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа меъёрий хужжатларга таянган ҳолда фаолият юритиб, мактабгача таълим, умумий, ўрта маҳсус ва малака ошириш институтлари тизимини такомиллаштириш, республикада педагогика фанини тараққий эттириш ишларига раҳбарлик қиласди.

Вазирликнинг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади:

— умуминсоний қадриятлар, тарихий тажриба, халқнинг кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарини, жамиятнинг келгуси тараққиётини ҳисобга олган ҳолда, республиканинг интеллектуал ва илмий имкониятини ривожлантириш, ўзининг жамият, оила ва давлат олдидаги масъулиятини англайдиган, ҳар томонлама етук, эркин шахсни шакллантириш мақсадида таълим соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

— таълим стратегиясини ишлаб чиқиш, унинг ривожланиш истиқболини белгилаш ва режалаштириш, таълим тизимининг халқ хўжалиги бошқа соҳалари билан ўзаро муносабати тартибини такомиллаштириш;

— таълим мазмунини мунтазам янгилаб туриш ҳамда таълимнинг жаҳон андозаларига, аҳолининг миллий, ёш ва бошқа гурӯҳлари эҳтиёжларига жавоб берадиган янги мазмуни ишлаб чиқилишини таъминлаш;

— қасб таълими олиш ва янги ижтимоий-иктисодий шароитлардаги фаолиятга тайёрланиш учун ёшларнинг умумий ўрта ва базавий таълими концепциясини шакллантириш ва рӯёбга чиқариш;

— болалар ва ўсмирларни ижтимоий-хукуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, чора-тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таълим, илмий-педагог ходимлар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш, таълим соҳаси ходимининг жамиятдаги ижтимоий мақомини кўтаришни амалга ошириш соҳасидаги кадрлар сиёсатини рүёбга чиқариш;
- ўқув-тарбия жараёни сифатига давлат баҳосини бериш, давлат тасарруфида бўлган ва давлатга қарашли бўлмаган таълим муассасаларида ишчилар ва мутахассислар тайёрлаш;
- таълимнинг моддий негизини ривожлантириш ва техника билан қайта жиҳозлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий таълимни амалга ошириш учун зарур бўлган турли буюмлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш йўналишларини белгилаш;
- таълим масалаларида халқаро, давлатлараро даражаларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;
- таълим муассасаларида, уларнинг идоравий бўйсунинишидан қатъи назар, ўқув-тарбиявий ва услубий ишларни мувофиқлаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда таълим сифатини ошириш, болалар ва ёшлар тарбияси бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш.

## 5.2. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ, УНИНГ ВАЗИФАСИ, ИШ МАЗМУНИ

Мактабгача таълим бошқармасининг вазифалари қуидагилардан иборат:

- мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг асосий йўналишларига раҳбарлик қилиш;
- мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия ва ташкилий-педагогик ишларга раҳбарлик қилиш;
- «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва мактабгача таълим концепциясида ва соҳага оид бошқа қонун хужжатларида кўзда тутилган вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш;
- аҳоли ўртасида педагогик билимларни тарғиб этиш ва оммалаштириш ишларини мувофиқлаштириш;
- «Болажон» дастурини такомиллаштириш ишларига раҳбарлик қилиш;
- мактабгача таълим муассасалари ва оиласда болаларга таълим-тарбия беришнинг ўзаро уйғулугини таъминлаш;

— педагогика фани ва амалиёти ютуқлари асосида мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия дастурларини такомиллаштириб бориш;

— мактабгача таълим муассасаларига услубий раҳбарликни амалга ошириш;

— бўйсунишидан қатъи назар, мактабгача таълим муассасалари фаолияти устидан назорат қилиш;

— мактабгача таълим муассасалари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларига раҳбарлик қилиш;

— хорижий мамлакатларнинг мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини бошқарадиган идоралар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мактабгача таълим бошқармаси унга топширилган фаолият йўналиши бўйича вазирликнинг бошқа бошқарма ва бўлимлари, вилоят, шаҳар, туман мактабгача таълим бошқармалари (булимлари), Иқтисодиёт, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Педагогика фанлари академияси, шунингдек, қарамоғида мактабгача таълим муассасалари бўлган тармоқдарнинг тегишли бўлинмалари билан амалий ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Мактабгача таълим бошқармасининг иш мазмуни қўйидагилардан иборат:

— таълим-тарбия ва ташкилий-педагогик ишларга раҳбарлик қилиш;



- ижтимоий мактабгача таълим муассасаларини ривожлантиришнинг асосий йуналишларини аниқлаш;
- вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари, мактабгача таълим бошқармалари (бўлимлари) томонидан меъёрий, инструктив, методик-дастурний ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- ички меҳнат тартиби тўғрисида низом, йўл-йуриқ ва қоидаларни ишлаб чиқиш (касаба уюшмалари билан ҳамкорликда);
- муассасалар тармоғи тараққиётининг истиқболи, йиллик, халқ ҳужалиги ва давлат режаларини тузишда, капитал курилиш, кадрлар тайёрлаш, педагогик маҳоратни ошириш ва уни назорат қилишда иштирок этиш, намунавий бинолар лойиҳасини ишлаб чиқиш, муассасаларнинг ускуналар ва ўқув-кўргазма қўлланмаларига бўлган талабини аниқлаш;
- болалар ҳаёти ва соғлигини сақлаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш, унинг бажарилишини назорат қилиш;
- ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларининг ишини ташкил этиш;
- мактабгача таълим ёшидаги болаларни тарбиялаш борасида тўпланган илфор хорижий тажрибаларни ұрганиш ва амалиётга жорий этиш;
- меҳнаткашларнинг аризалари, хат ва шикоятларини куриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш ва ҳоказолар.

Б./ Б./ ТЕХНОЛОГИЯСИННИ ҚУЛЛАШ ҚОИДАЛАРИ			
МАВЗУ САВОЛЛАРИ	БИЛАМАН	БИЛДИМ	ВИЛИШНИ ХОЖЛАЙМАН
1. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН РАҲБАРЛИК ШАКЛЛАРИ			
2. НАЗОРАТНИ ВА УНГА КЭЙИДЛАНГАН ТАЛАБЛАР			
3. НАЗОРАТ-ТЕКШИРУВ ТУРЛАРИ			
4. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ			
5. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ИШЛАДА РАҲБАРЛИК			
6. МЕТОДИК ИШЛАРГА РАҲБАРЛИК			

Вилоят, шаҳар бошқармалари бевосита Халқ таълими вазирлигига бўйсунади. Вилоят, шаҳар, туман халқ таълими бўлимларида мактабгача таълим сектори мавжуд бўлиб, у мазкур ҳудудда жойлашган муассасалар фаолиятини бошқаради, уларнинг ишини назорат қиласди, педагог ходим-

лар малакасини ошириш тадбирлари ҳам улар зиммасидайдир. Туман халқ таълими булими шу ҳудудда жойлашган барча мактабгача таълим муассасалари, улар қайси идора ва ташкилотларга бўйсунишидан қатъи назар, назорат этади.

### **5.3. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ НАЗОРАТЧИ-УСЛУБЧИСИННИНГ ВАЗИФАЛАРИ, ҲУҶУҚЛАРИ ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР**

Мактабгача таълим муассасалари ишига бевосита раҳбарлик қилиш халқ таълими булими мактабгача таълим назоратчи-услубчи зиммасига юклатилади.

Назоратчи-услубчи – мактабгача таълим муассасалариға тегишли қонун-қоидаларнинг бажарилишини назорат қилувчи шахсадир.

Назоратчи-услубчининг иши мураккаб ва кўп қирралидир. Шунингдек, у мамлакатимизда халқ таълими соҳасига оид чиқарилган қонунлар, Кадрлар тайёрлаш милий дастури ва инструктив, дастурий, услугбий ҳужжатларга амал қиласди.

Назоратчи-услубчининг асосий вазифалари қўйидаги лардан иборат:

- турли тилдаги, идоравий бўйсунишидан қатъи назар, барча мактабгача таълим муассасаларида «Болажон» дастурининг бажарилишини кузатади, текширади;
- мактабгача таълим муассасаси ишини ҳар томонлама назорат этади;
- амалдаги қонунлар доирасида йул-йуриқ, буйруқ, тавсия, кўрсатмалар беради;
- файриқонуний ишларга чек қуяди ва бу ҳақда халқ таълими булимига ахборот тақдим этади;
- мактабгача таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф-тавсия, фикр-мулоҳазалар беради;
- халқ таълими булимида мудира, услубчи ва тарбиячилар учун илмий-услубий кенгашлар ташкил этади;
- мактабгача таълим муассасаси ходимларини аттестациядан ўтказади;
- ходимларни рағбатлантириш ва жазолаш, ишдан бўшатиш масалалари бўйича тавсиялар беради.

#### ***Назоратчи-услубчига қўйиладиган асосий талаблар:***

**Назоратчи-услубчи:**

- мактабгача таълим тизими ишини ва тамоийиллари ни пухта эгаллаган, олий маҳсус маълумотга, кўп йиллик

иш стажига, энг илфор, юксак педагогик ташкилотчилик қобилиятига эга булиши;

— ҳар жиҳатдан етук, ўз ишининг устаси, дунёқараши кенг, давлатимизнинг таълим йўналишидаги сиёсатини чукур биладиган, назоратчи-услубчи мутахассислиги бўйича юқори малакага эга булиши;

— қатъиятли, холис, виждонли, давлат манфаатларини кузлаб иш юритадиган, зиммасидаги масъулиятни чукур ҳис этадиган, тартибли, ўзига ва бошқаларга талабчан, ўз сўзида тура оладиган, камчиликка муросасиз булиши;

— мактабгача таълим равнақи учун энг муҳим вазифаларни ўз вақтида аниқлай олиши, уларни қисқа муддатда бажара олиш қобилиятига эга булиши;

— мактабгача таълим муассасаси фаолиятини ҳар томонлама чукур таҳдил қила оладиган, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини белгилаб амалга оширишга қодир булиши;

— ҳалқ таълими бўлими ва мактабгача таълим муассасаларига доимий равишда услугбий ёрдам беришга тайёр булиши;

— янгиликка интилувчан, педагогика фани соҳасида кўлга киритилган янги ишланмалар ва технологияларни, етук педагогларнинг илфор иш тажрибалар амалиётини татбиқ этишга қодир булиши;

— ғоявий, сиёсий, педагоглик савияси ва билимларни ошириш устида тинимсиз ишлаш кўникмасини эгаллаган булиши зарур.

Назоратчи-услубчи ҳар уч йилда малака ошириш курсларида ўз малакасини оширади.

Мактабгача таълим муассасалари ишининг барча бўлимларини самарали бошқариш учун назоратчи-услубчи ўз ишини аниқ ва пухта ўйланган режа асосида, кенг жамоатчиликка таянган ҳолда амалга ошириши керак.

Назоратчи-услубчи аҳолининг мактабгача таълим муассасаларига бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим. Шу мақсадда у мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтиришнинг кундалик ва истиқбол режаларини тузища иштирок этади ва янги муассасаларнинг фойдаланишга топширилишини мунтазам назорат этиб боради. Назоратчи-услубчи мактабгача таълим муассасаларининг самарали фаолият юритишига ҳаракат қиласи, айниқса, қишлоқда мактабгача таълим

муассасалари қурилишига, уларнинг моддий базасининг яхшиланишига алоҳида эътибор қаратади.

Назоратчи-услубчи молия масалаларини тушуниши, мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш, болаларни овқатлантиришга оид меъёрий ҳужжатларни билиши, муассаса фаолияти учун ажратилган маблағларни ўз вақтида берилиши ва тўғри сарфланишини мунтазам текшириб туриши, бу борада марказлаштирилган бухгалтерия билан ҳамкорликда ишлаши керак.

Назоратчи-услубчи мактабгача таълим муассасасига борганида услубий, тарбиявий ва маъмурӣ-хўжалик ишлар ҳолатини ўрганади, илфор тажрибани, ишдаги камчиликларни аниқлайди, зарур ёрдам кўрсатади.

У «Болажон» дастурининг бажарилишини назорат қиласи, педагогик кадрлар таркиби ва жойлаштирилишини ўрганади, уларнинг малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Назоратчи-услубчи фаолиятида ота-оналар қўмитаси ишига раҳбарлик қилиш ва аҳоли ўртасида педагогик билимларни тарғиб этиш ва оммалаштириш муҳим ўрин тулади. Унинг бу борадаги фаолиятининг мазмуни ва шакллари муайян ҳудуд (вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ) шароитига мувофиқ равишда белгиланади.

Халқ таълими бўлимларига умумий раҳбарлик бўлим мудири, назоратчи-услубчи томонидан ишлаб чиқилган йиллик режа асосида олиб борилади.

Режанинг кириш қисмida аввалги ўкув йилига тавсифнома, қандай шаклда ва қанча мактабгача таълим муассасалари қурилгани, услубий ишлар қай даражада йўлга кўйилгани, қандай илфор иш тажрибалари умумлаштирилгани, шунингдек, амалга оширилган ташкилий-хўжалик ишлари, ўтказилган кенгашлар ва бошқа масалалар атрофлича таҳлил этилади.

#### **5.4. ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ АСОСЛАРИ**

#### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳасидаги ваколатларига қўйидагилар киради:

— таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

- таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларини аккредитациядан, педагог, илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;
- бошқа давлатнинг таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижий давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тан олиш ва бу ҳужжатларнинг эквивалент эканини қайд этиш тартибини белгилаш;
- давлат таълим стандартларини тасдиқлаш;
- давлат томонидан тасдиқланган намунаидаги маълумот тўғрисидаги ҳужжатларни тасдиқлаш ва уларни бериш тартибини белгилаш;
- давлат грантлари миқдорини ва таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасасининг ректорларини тайинлаш;
- таълим олувчиларни аккредитация қилинган бир таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

***Таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ҳуқуқ доирасига қўйидағилар киради:***

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш;
- таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва услубий жиҳатдан уларга раҳбарлик қилиш;
- давлат таълим стандартлари, мутахассисларнинг билим савияси ва касб тайёргарлигига бўлган талаблар баҳарилишини таъминлаш;
- ўқитишининг илфор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўкув жараёнинг жорий этиш;
- ўкув ва ўкув-услубий адабиётларни яратиш ва нашр этишни ташкил қилиш;

— таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва давлат таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

— давлат олий таълим муассасининг ректорини таъинлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш;

— педагог ходимларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

### **Таълим муассасасини бошқариш:**

— таълим муассасасини унинг раҳбари бошқаради;

— таълим муассасаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият кўрсатадиган жамоат бошқаруви органлари ҳам ташкил этилиши мумкин.

### **Таянч тушунчалар:**

*Типовой штат* — намунавий иш жойи.

*Педагогик билимлар* — бола тарбиясига оид билимлар.

*Назоратчи* — назоратчи-услубчи.

*Оператив* — муайян вазифаларни тез ва изчил амалга оширилиши.

*Объектив* — холис, холисона.

*Ота-оналар қўймитаси* — мактабгача таълим муассасасида жамоатчилик асосида ташкил этиладиган орган.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.// Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т., «Шарқ», 1997.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.// Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т., «Шарқ», 1997.

3. Болажон. Таянч дастур. —Т., «Маърифат-Мададкор», 2010.

4. Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари. —Т., 2006.

5. Справочник «Руководителя дошкольного образовательного учреждения». —Т., 2006.

6. Ф. Р. Қодирова, Р. М. Қодирова. Мактабгача таълим концепцияси. —Т., «Фан ва технология», 2011.

7. Мактабгача таълим тизимига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар туплами. —Т., «LIDER PRESS», 2009.

### **Назорат учун саволлар:**

1. «Таълим түғрисида»ги Қонунда халқ таълими булимлари томонидан бошқариш мақсадларини ёритинг.
2. Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тизими ва иш мазмуни нималардан иборат?
3. Мактабгача таълим бошқармаси, унинг вазифаси, иш фаолиятини ёритиб беринг.
4. Халқ таълими булими назоратчи-услубчиси ва унга кўйилган талаблар нималардан иборат?
5. Назоратчи-услубчи фаолиятининг мазмуни нималардан иборат?
6. Ота-оналар ва жамоатчилик билан иш услубларини изоҳлаб беринг.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

- 1. Халқ таълими бўлими назоратчи-услубчининг бошқарув фаолияти қайси жавобда тўғри берилган:**
  - а) мактабгача таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларга услубий ёрдам курсатиш;
  - б) режа асосида текширувларни ўтказиш;
  - в) алоҳида мавзулар бўйича ҳамда ялпи текширув ўтказиш;
  - г) ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш.
- 2. Мактабгача таълим бўйича назорат ишларини ташкил этишнинг аҳамияти нимада?**
  - а) мактабгача таълим муассасининг таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини оширади;
  - б) таълим-тарбия ва услубий ишлар сифатини оширади;
  - в) мактабгача таълим ходимларининг мутахассислик бўйича малакасини ўстиради;
  - г) смета бўйича харажатларнинг тўғри сарфланишини таъминлайди.
- 3. Мактабгача таълим бўлими назоратчи-услубчининг вазифалари нималардан иборат?**
  - а) мактабгача таълим муассасаси фаолиятининг барча йўналишларини назорат этиш, раҳбарлик қилиш, кадрлар билан таъминлаш, услубий ёрдам курсатиш;
  - б) методик бирлашма ишига раҳбарлик қилиш, Педагогик кенгашни ўтказиш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш;

- в) очиқ тадбирлар үтказишни ташкил этиш, ҳомий ташкилдар билан ишлаш, мактабга раҳбарлик қилиш;
- г) мудира ва услубчилар иш фаолиятини назорат қилиш.

**4. Халқ таълими назоратчи-услубчисининг асосий иш фаолияти бу —**

- а) қарамоғидаги барча мактабгача таълим муассасалари фаолиятини назорат қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш;
- б) бошқарув, назорат, таълим-тарбия ишларига раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш;
- в) кадрларни тугри танлаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш;
- г) таълим-тарбия ишларига раҳбарлик қилиш, ота-оналар билан ишлаш.

**5. Халқ таълими ходимлари асосий вазифаларининг малака тавсифлари қайси вазирлик томонидан тасдиқланади?**

- а) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги;
- в) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
- с) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- д) Ўзбекистон Республикаси Мечнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.

## **VI боб. ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ УСЛУБИЙ ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

1. Назорат қилиш – давлат назоратининг, халқ таълими бўлимлари томонидан раҳбарликнинг энг муҳим шакли.
2. Назорат қилишнинг мақсади, вазифалари ва унга қўйиладиган талаблар.
3. Назорат қилиш (текширув)га тайёргарлик ва унинг босқичлари.
4. Назорат қилишнинг усул ва услублари.
5. Мактабгача таълим муассасаларини ялпи текширишнинг асосий йўллари.
6. Тематик (мавзулар бўйича) назоратнинг мақсад ва вазифалари.

### **6.1. НАЗОРАТ ҚИЛИШ – ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН РАҲБАРЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАКЛИ**

Назорат қилиш деганда – давлат назорати, халқ таълими бўлимлари томонидан мактабгача тарбия муассасалари ва раҳбарлари фаолиятини текшириш шакллари тушунилади.

Бу, аввало, соҳага оид амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун асосларини, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг, «Мактабгача таълим тўғрисида»ги Низом, «Мактабгача таълим концепцияси», «Мактабгача таълим дастури», «Болажон» дастурининг бажарилишини, халқ таълими идоралари томонидан мактабгача таълим муассасалари фаолиятини, шунингдек, мактабгача таълим-тарбия масалалари билан боғлиқ бўлган ариза ва шикоятларни текширишни англаради.

Бундан ташқари, назорат – ҳар бир мактабгача таълим муассасаси фаолиятидаги мавжуд нуқсон ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, таълим-тарбия, педагоглар ва тарбиячилар иш самарадорлигини оширишга хизмат қиласиган муҳим воситадир.



Назорат қилишнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида, «Мактабгача таълим концепция»сида белгилаб берилган тамойил ва мезонлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси давлат хокимиятининг тизими – унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва назорат қилувчи тамойилларига асосланади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимой адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42 моддасида «Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникий ривожланишига фамхўрлик қиласди», деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳалқ таълими бўлимларида назорат ишларини амалга оширища ҳам ўрин тутади.

Назорат қилишда қонун устуворлиги тамойили мухим аҳамият касб этади. У амалдаги барча қонунлар ва меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг Конституция асосида яратилиши ва унга мувофиқ булишини тақозо этади. Улуг Соҳиб-қирон Амир Темур таъкидлаганидек: «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади». Шу боис мактабгача таълим муассасаларида назоратнинг тўғри, оқилона ва изчил амалга оширилиши, мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини узлуксиз мониторинг қилиб борилиши мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қиласидиган, муассаса ва унда фаолият юритадиган педагог-тарбиячилар иш самарадорлиги ва муваффақиятини белгилаб берадиган мухим омил ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида соҳага тегишли қонун-қоидаларнинг тўғри бажарилишини назорат қилиш мудира ҳамда назоратчи-услубчи зиммасига юклатилади.

## 6.2. НАЗОРАТНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УНГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Назоратнинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш мислий дастури ҳамда соҳага доир бошқа меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда мактабгача таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш, замонавий фан ютуқлари асосида таълим-тарбия ишларини ривожлантиришдан иборатdir.

Назоратнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- мактабгача таълим муассасаларини бошқаришнинг энг самарали шаклларини аниқлаш ва амалиётта татбиқ этиш;
- мактабгача таълим тизимини бошқариш даражасини юксалтириш;
- мактабгача таълим дастурлари, тарбияланувчиларни ҳар томонлама ривожлантириш даражасини назорат қилиш;
- мактабгача таълим муассасалари ишини назорат қилиш жараённида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоратдабирларини ишлаб чиқиш ва амалиётта жорий этиш;
- муассаса фаолиятидаги илфор тажриба ва ижобий ютуқларни урганиш, умумлаштириш, оммалаштириш, рағбатлантириш;
- раҳбарнинг ходимлар билан ишлаш малакасини ўстирища назорат ишларини ташкил этиш;
- мактабгача таълим муассасаси ходимларига таълим-тарбия ишларини янада ривожлантиришда услубий ёрдам кўрсатиш.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Мактабгача таълим бошқармаси ўз қарамоғидаги автоном, вилоят ва уларнинг жойлардаги бўлимларини, педагогика билим юртларини, мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Халқ таълими бўлимлари ва мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, илмий мезон ва тамоиллар асосида амалга оширилади.

Назорат(текширув)нинг самарадорлигига эришишнинг муҳим омилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) назоратнинг режали амалга оширилиши ва тизимилиги;
- б) ишлар аҳволининг ҳар томонлама ва илмий-педагогик жиҳатдан чуқур таҳлил қилиниши;

## НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛЛАРИНИ АНИҚЛАША ВА АМАЛИЁТТА ТАТБИК ЭТИШ;
- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ;
- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ТАЛАБЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИДАН ўТКАЗИШ;
- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ИШНИ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБДА ТЕКСИРИВ БОРИШ;
- МУАССАСА ИШИДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАВ ЧИКИШ ВА УНГА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШ;
- ИШДАГИ ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРНИ ЎҶГАНИШ, УМУМЛАШТИРИШ, ОММАЛАШТИРИШ РАҒБАТЛАНТИРИШ;
- РАҲБАРНИНГ ХОДИМЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАЛАКАЛАРИНИ ЎСТИРИШДА НАЗОРАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ;
- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ХОДИМЛАРИГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕТОДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ.

- в) ишларга холисона баҳо берилиши ва хулосаларнинг асослангани;
- г) текширувни ўз вақтида бошлиш ва тугатиш;
- д) тақлифларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- е) назоратни амалий ёрдам бериш билан қўшиб олиб бориш;
- ё) ҳар бир масалага алоҳида ёндашиш;
- ж) назоратда талабчанлик билан педагогик маданиятни қўшиб олиб бориш.

Назорат ишларини тизимли ташкил этиш учун мактабгача таълим муассасалари учун назоратчи-услубчи томонидан 5 йилга мўлжалланган истиқбол режа тузилиб, у шаҳар ёки туман халқ таълими мудири томонидан тасдиқланади. Режада текшириш муддати аниқ кўрсатилади.

Назорат ишларини ташкил этишда кўпинча ихтисослаштирилган, маҳсус ва санатория типидаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини текширишга алоҳида эътибор берилади, назоратнинг мақсади ҳам муассасанинг турига қараб белгиланади.

Назорат қилиш муддати муассасадаги гуруҳларнинг сонига ва текшириш турига қараб 10 кундан ошмаслиги керак.

Шаҳар, туман халқ таълими бўлимларини назорат қилиш 5 йилда бир марта амалга оширилади. Бундай ишларга тажрибали, ўз ишининг устаси бўлган мактабгача таълим муассасаси ходимларидан иборат гуруҳ тузилиб, унинг таркибига мудиралар, услугчилар, тарбиячилар, ҳамширалар, услугий кабинет ходимлари, малака ошириш институти мутахассислари, жамоатчилик вакиллари

## НАЗОРАТ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИГА ЭРИШИШНИНГ МУҲИМ ТАЛАБЛАРИ

- а) ТЕКШИРИШНИНГ РЕЖАЛИ БЎЛИШИ ВА ТИЗИМЛИЛИГИ;
- б) ИШ АҲВОЛИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ВА ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК ЖИХАТДАН ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ;
- в) ИШЛАРГА БАҲО БЕРИШДА ХОЛИСЛИК ВА ХУЛОСАЛАРНИНГ АСОСЛИ ЭКАНИ;
- г) ТЕКШИРИШНИ ЎЗ ВАКТИДА БОШЛАШ ВА ТУГАТИШ;
- д) ТАКЛИФЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ;
- е) НАЗОРАТНИ ЁРДАМ БЕРИШ БИЛАН КЎШИБ ОЛИБ БОРИШ;
- ж) ҲАР БИР МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЁНДАШИШ;
- ж) ТАЛАБЧАНИК БИЛАН ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТНИ КЎШИБ ОЛИБ БОРИШ

киритилиши мумкин. Назорат гуруҳи таркиби, текширув режаси ва муддати тегишли халқ таълими бўлимлари томонидан тасдиқланади.

### 6.3. НАЗОРАТ ҚИЛИШ(ТЕКШИРУВ)ГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Назоратчи-услубчи назорат қилиш(текширув)га тайёргарлик жараёнида куйидагиларни эътиборга олиши лозим:

1. Мактабгача таълим муассасаларини текшириш учун юқори идора томонидан ёзма хат олинади.

2. Текширувдан олдин тегишли саволнома тузилиб, шу орқали муассаса фаолияти текширилади.

3. Текширилиши лозим бўлган муассаса ҳақида халқ таълими бўлимидан маълумот олинади; назоратчи-услубчига мактабгача таълим муассасаси ҳақида дастлабки маълумотлар берилиб, у муассасанинг халқ таълими тизимида тутган ўрни ҳамда бутун фаолиятини акс эттирувчи хужжатлар билан таниширилади;

4. Текшириш режаси тузилиб, унинг муддати, текширув ким томонидан амалга оширилаётгани кўрсатилади.

Назорат қилишга тайёргарлик жараёнида назоратчи-услубчи давлатимизнинг соҳага оид қонуний-меъёрий хужжатларини яна бир бор кўздан кечириб чиқиши зарур.

Демак, назорат қилишни ташкил этиш, унга тайёргарлик текширувчилардан ўз устида ишлашни, ғоявий-сиёсий ва илмий етукликни, ташкилий, педагогик усулларни, услубий ишланмаларни моҳирлик билан қўллашни талаб этади.

Назорат қилишни самарали ташкил этишда унинг бос-

қичларини түгри белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Улар қуидагилар:

- а) текшириш режасини тузиш ва тасдиқлатиш;
- б) текширишнинг мақсади ва вазифалари түгрисида мудирани огоҳлантириш;
- в) ишнинг боришини ифодаловчи ҳужжатларни *ўрганиш* (хисоботлар, актлар ва ҳоказо);
- д) муассаса ходимлари билан суҳбатлашиш;
- е) мактабгача таълимни бошқариш ишини *ўрганиш*, унинг ҳолатини таҳлил қилиш;
- ё) мактабгача таълим муассасалари фаолиятининг айрим жиҳатларини текшириш;
- ж) мактабгача таълимни ташкил этиш ва уни ривожлантиришда қўлга киритилган ижобий натижалар, тўплangan тажрибаларни аниқлаш, уларни амалиётга татбиқ этиш йўлларини белгилаш, тавсияномалар ишлаб чиқиш;
- з) аниқланган камчиликларни таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш учун зарур кўрсатмалар ва амалий ёрдам бериш; текширув натижаларини жамoa аъзоларининг иштирокида муҳокама қилиш;
- и) текшириш якунлари бўйича маълумотнома ёки даглатнома тузиш;
- к) бажарилган ишлар бўйича бошқарма, булим раҳбари олдидা ҳисбот бериш.

#### 6.4. НАЗОРАТ ҚИЛИШ (ТЕКШИРУВ)НИНГ УСУЛ ВА УСЛУБЛАРИ

Назоратнинг асосий усул ва услубларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- болаларнинг муассасадаги машғулотларини, кун тартибининг турли жараёнларини қузатиш ва таҳлил қилиш;
- педагогик ва молиявий-хўжалик ишларига оид ҳужжатларни *ўрганиш* ва таҳлил қилиш;
- болалар ишларини таҳлил қилиш;
- мудира, тарбиячилар, ота-оналар ва болалар билан (уларнинг билими, онги, нутқининг ривожланишини аниқлаш мақсадида) суҳбатлашиш;
- «Педагогик кенгаш», «Ишлаб чиқариш мажлислири»да, ота-оналар кенгашларида иштирок этиш;
- жамоат ташкилотлари вакиллари билан суҳбатлашиш.

Текширув жараённида қандай усул ва услубларни қўллаш – назорат қилиш турига, муайян гуруҳда тарбиявий жара-

ённинг қай жиҳати ёки муассаса молиявий-хўжалик ишларининг қайси томонлари текширилиши, назоратчи-услубчининг касбий маҳорати ва амалий тажрибасига боғлиқдир.

Текширув жараёнида турли усулларнинг қўлланиши мактабгача таълим муассасаси ишини ҳар томонлама ўрганишда фоят аҳамиятлидир.

Кузатиш усули бу – педагогик жараёндаги ютуқ ва камчиликларни, ишдаги қийинчиликларни бартараф этиш ва таълим-тарбия ишлари самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Шунингдек, кузатиш услуби – муассасадаги педагогик жараёнга, услубий ва молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳолатига тўғри баҳо бериш ва зарур хulosалар чиқаришга имконият яратади.

Ялпи текшириш усули орқали муассасанинг кун давомидаги фаолиятининг барча жиҳатлари: ташкилий-маъмурий, молиявий-хўжалик, таълим-тарбия ишларининг мазмуни, йўналишлари, самараси ва натижалари кузатилади.

Муайян мавзу буйича назорат қилишда эса кузатиш усули танлаб олинган мавзу ва унинг характеристига боғлиқ бўлади. Агар таълим-тарбия ишлари кузатилаётган бўлса, текширувчи машғулотларни изчил таҳлил қиласди, уларни ташкил этиш мазмуни, тузилиши ва услубиятига алоҳида аҳамият беради.

Ўйин жараёнини кузатаётганда кузатувчи асосий эътиборни ўйин турига, ўйнаш учун яратилган шарт-шароит, болаларнинг ўзаро муносабатлари ва тарбиячининг бу жараённи қай даражада бошқараётганига қаратади.

Баъзан педагогик ишларни кузатаётган назоратчи унинг мазмун-моҳияти ҳақида аниқ, яққол тасаввур ҳосил қиласлиги мумкин. Бундай ҳолларда, одатда, қўшимча ёки тақрорий текширув ўтказилади.

Ташкилий-педагогик фаолиятни кузатишда:

– мудиранинг бу ишни тўғри ташкил этгани, унинг ташкилий-маъмурий, тарбиявий ва молиявий-хўжалик ишларини самарали олиб бораётгани, жамоа аъзолари, тарбиячи ва бошқа ходимлар билан муносабати, шунингдек, ота-оналар билан ўзаро муносабатларини қандай йўлга қўйганига эътибор қаратиш мақсаддага мувофиқдир.

Бундан ташқари, кузатишда муассасада кун тартиби қоидаларига қай даражада риоя этилаётгани, болаларнинг билим даражаси, уларнинг ахлоқ-одоби, тарбиячининг

билими, малакаси, тажрибаси ҳамда таълим-тарбия усул ва услубларини қай даражада эгаллагани сингари масалалар ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

### **ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БҮЛЛИМИНИНГ НАМУНАВИЙ ИШ РЕЖАСИ**

Ҳар бир, айниқса, ёш назоратчи-услубчилар учун төшишли кузатиш режасини тузиб фаолият юритиши жараённи пухта, мазмунли, ҳар томонлама кенг ва самарали олиб боришини таъминлайди. Бундай кузатиш режасининг йўқлиги текширишнинг юзаки, пала-партиш, амалга оширилган ишларга баҳо беришда бир ёқламаликка олиб келади. Чунки, олдиндан ўйланган режали кузатиш муассасадаги илфор иш тажрибаларини ўрганишга, умумлаштиришга ва оммалаштиришга хизмат қиласиди. Кузатиш жараёнида тарбиячи ёки мудира томонидан камчиликка йўл қўйилгани аниқланса, назоратчи-услубчи муассаса ходимларининг шахсиятларига тегмасдан, шошилмасдан, камчиликларнинг олдини олиш чораларини тушунириб бериши, методик ёрдам кўрсатиши керак. Агар кузатиш жараёнида болалар соғлифи ва ҳаётига хавф соладиган камчиликка йўл қўйилган бўлса, назоратчи-услубчи зудлик билан масалани ҳал этиш чора-тадбирларини кўриши зарур.

Текширув жараёнида аниқланган вазият ва ҳолатлар, хато ва камчиликлар маҳсус дафтарга ёзив борилади.

Текширувни тулиқ ва ҳар томонлама мукаммал бўлишини таъминлаш учун қуйидаги ҳужжатларни ўрганиш ва таҳдил қилиш талаб этилади:

- иш ҳужжатлари;
- болалар соғлиғига доир материаллар;
- таълим-тарбия соҳасидаги иш режалари;
- тарбиячиларнинг кундалик дафтарлари (дастлабки босқич гурухларида);
- болалар ишлари (расм, пластилиндан ясалган нарсалар ва ҳ.к.);
- Педагогик кенгаш, ишлаб чиқариш, ота-оналар мажлисларининг қарорлари;
- молиявий-хўжалик ҳужжатлари.

Текширувга бундай ёндашув негизида муассаса ҳақида тулиқ тасаввур ҳосил бўлади. Шунинг учун назоратчи-услубчи муассаса мудираси, шифокор (тиббий ҳамшира) ва

тарбиячиларни олдиндан барча зарур иш ҳужжатларини тайёrlаш ҳақида оғоҳлантиради.

Педагогик иш ҳужжатларини ўрганиш жараённида тарбиячи томонидан «Мактабгача таълим дастури» талабларининг бажарилиши, дидактик материаллардан фойдаланилиши, дастурни босқичма-босқич мураккаблаштириб олиб борилишини кузатиш мумкин.

Тарбиячиларнинг кундалик дафтарлари болаларнинг жисмоний ва интеллектуал жиҳатдан ривожланиши, уларнинг қизиқишлиари, қобилиятларининг айрим қирраларини намоён қиласди.

Болалар соғлигини муҳофаза этишга доир материалларни (масалан, патронаж дафтари, кундалик давомат, касалликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилган ишлар) ўрганиш асосида муассасанинг бу борадаги фолиятига ойдинлик киритиш мумкин.

Таълим-тарбия йўналишидаги иш режалари дастурига асосланиб, унинг мазмун-моҳияти, изчиллиги, мантиқийлиги, йиллик, ярим йиллик, чорак, ойлик ва кундалик режалари ва машғулотлар жадвалининг қандай тузилгани, дастурда ўзбек халқ миллий ўйинлари, урф-одатлари қандай ўрин тутгани, «Одабнома» машғулотларининг мазмундорлиги, болалар дунёқараши, нутқ маданиятини оширишда ҳар бир тарбияланувчи билан индивидуал ишлаш қандай йўлга куйилгани, ота-оналар билан ўзаро муносабатлар дарражаси, болаларнинг ижодий имкониятларини ривожлантиришда тарбиячининг ролини кузатиш ва ўрганиш мумкин.

Педагогик ва ота-оналар кенгашларининг қарорлари ни ўрганиш эса йиллик режа асосида қандай масалалар муҳокама этилгани, уларни ҳал этиш бўйича қандай чоратадбирлар амалга оширилгани, бу жараёнда ота-оналарнинг иштироки масаласига ойдинлик киритади.

Ҳужжатларни ўрганиш жараённида айрим масалаларга аниқлик киритиш имкони булмаган ҳолларда сұхбат усулидан фойдаланиш мумкин.

Сұхбат мазмуни ва унинг характерига кура куйидаги турларга бўлинади:

- гуруҳдаги бир кунлик педагогик жараённи кузатиш натижалари бўйича тарбиячи билан сұхбат-муҳокама;
- ўрганиш натижаларини таҳтил қилиш (сұхбат-таҳтил).

Сұхбат тарбиячининг машғулот жараённида қўллаган усуллари ҳақида ҳам бўлиши мумкин. Кузатиш жараёни

якунига етганидан сўнг ўтказиладиган суҳбатда мудира ёки услубчи иштирокида тарбиячи фаолиятидаги ютуқ ва камчиликларга холисона ёндашиб, унинг ишига баҳо берилади. Суҳбат якунида назоратчи-услубчи тарбиячи фаолиятини атрофлича тавсифлаб, баҳо беради, зарур ҳолларда, тарбиявий жараёнга янги педагогик технологияларни жорий этиш борасида тегишли тавсия ва маслаҳат берishi лозим. Мудира билан суҳбатда асосий эътибор муассасанинг молиявий-хўжалик, ташкилий-педагогик, услубий, ходимлар билан ишлаш масалаларига қаратилади.

Муассаса шифокори ёки тиббий ҳамшира иш режаси асосида болаларнинг соғлиғи, касалликларнинг олдини олиш, даволаш-профилактика ишларини амалга ошириш хусусида суҳбат ўтказади.

Ота-оналар ва қўмита раиси билан суҳбат чоғида уларнинг муассаса фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган талаб-истаклари, таклиф ва тавсиялари ҳамда муассасанинг оиласида болаларни тарбиялашга қушаётган ҳиссаси масалаларига бағишланиши мумкин.

Болалар ишларини таҳлил қилиш – гуруҳда болаларнинг фаоллиги, билим олишга қизиқишилари, уларда муайян кўнікмаларнинг шаклланиши ва ривожланишини аниқлаб берувчи омилдир. Бу жараёнда ишларнинг сони билан чекланмай, уларнинг мазмуни, ўзига хослиги, дастур талабларига қай даражада жавоб берини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда тарбиячига зарур тавсиялар ва маслаҳатлар бериш муҳим аҳамият касб этади.

Гуруҳ тарбиячисининг иш фаолияти дастлаб унинг ўзи билан муҳокама қилингандан сўнг масала Педагогик кенгашга олиб чиқилади. Унда ютуқ ва камчиликлар, таклиф ва мулоҳазалар ошкора муҳокама этилади, зарур йул-йўрик, кўрсатма ва услубий ёрдам кўрсатилади.

Болаларнинг билими, кўнікма ва малакасини чукурроқ ўрганиш мақсадида гуруҳда савол-жавоб, сўровномалар ўтказиш усулини қуллаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳар бир чоракда дастур талабларининг қай даражада бажарилгани, болаларнинг билим доираси, дунёқараши, ижодий, маънавий-руҳий ривожланишини аниқлашда муҳим омил сифатида хизмат қиласи.

Сўровнома юртимиздаги тарихий жойлар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур, Абдулла Қодирий сингари улуғ

бобокалонларимизнинг илмий ва маънавий-маърифий месори ва бошқа мавзуларда ўтказилиши мумкин.

Суровнома ўтказиш орқали мудира, услугубчи ва тарбиячининг билим даражаси, фоявий-сиёсий етуклиги, касб маҳорати ва малакасини аниқлаш, уларнинг ишига баҳо бериш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси ўз педагогик фаолиятида қўйидаги тамойилларга амал қилиши лозим:

– бола шахсига ҳурмат билан муносабатда булиш асосига қурилган таълим-тарбия жараёни инсонпарварлик рухи билан йўғрилган булиши;

– педагогика, психология ва ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқларга таянган ҳолда болаларнинг ўз-ўзини ривожлантиришга интилишларини рағбатлантириш.

Назоратчи-услубчи юқорида баён этилган тамойилларни муассасада амалга оширилишини назорат қилиш ва илгари қабул қилинган қарорлар ижросининг бажарилишини аниқлаш мақсадида Педагогик кенгаш ишида қатнашади. У болалар ҳаётини муҳофаза этиш, уларнинг жисмоний ва руҳий соғломлиги, ҳар бир боланинг ёши ва шахсий хусусиятларига мос ҳолда ривожланиши, таълим-тарбия беришнинг танланган усул ва услублари самарадорлигига эришиш учун яратилган зарур шарт-шароитлар, тарбиявий жараённи психологик жиҳатдан таъминлаш, хусусан, мактабгача таълим муассасасида психологик хизматни ташкил этиш ишига услубий ёрдам курсатиши керак.

Мактабгача таълим муассасасида раҳбар ходимлар ва тарбиячиларнинг замонавий педагогик технологияларни тулиқ ўзлаштириши ва ўз педагогик фаолиятида қўллаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш орқали уларнинг ўз соҳаси доирасида мустақил ижод қилиш хукуқи таъминланади.

Назоратчи-услубчи муассасадаги ишлаб чиқариш мажlisларида қатнашиб, унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалалар давлат ва жамият манфаатларига риоя қилинган ҳолда ҳал этилишини назорат қиласди.

«Мактабгача таълим концепцияси»да «Ижтимоий мактабгача таълим тизими оилавий тарбиядан узилиб қолмаслиги керак, балки у билан чамбарчас боғлиқ ҳолдагина болага ёрдам бериш мумкин»... «Барча маънавий қадриятлар оиласида таркиб топади. Зоро, оила доимо этник

хусусиятларга тааллуқли ва этнопсихологик хусусиятларга эга бұлади. Оила бола тарбиясига катта таъсир күрсатади», деб таъкидланади.

Назоратчи-услубчи умумий ва гуруҳ ота-оналар мажlisларида қатнашиб, болалар тарбиясига оид барча масалаларни ұал этилишини кузатади ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратылған таклиф ва тавсияларини баён этади. Ота-оналарнинг муассаса ишида иштирокини фаоллаштириш мақсадида «Жамиятимизда оиласынг тутган ўрни» мавзусида сұхбатлар уюштириши, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларидан акс эттирилған оиласынг ҳуқуқый негизлари, давлатимиз томонидан оиласынг құрсақлаётган ғамхұрлық, яратылаётган имкониятларни атрофлича ёритиб бериш керак.

Назоратчи-услубчи юқорида құрсақтың үтилған усул ва методлардан фойдаланиб, муассасаны ялпи ва тематик текширишни амалга оширади.

#### **6.5. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ЯЛПИ ТЕКШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙҮЛЛАРИ**

Амалда назорат қилишнинг асосий турлари фронтал-ялпи ва тематик текшириш турларидан фойдаланилади.

**Ялпи текшириш** – бу мактабгача таълим муассасаси фаолиятининг барча йұналишларини атрофлича текшириш шақлидір. Бундай текширувда муассасанинг кадрлар таркиби, мактабгача таълим дастыры талабларининг бажарылышы, мудира ва услубчининг таълим-тарбия, молия-хұжалик ва услубий ишлары ва услубий раҳбарлігі, уларнинг ходимлар, ота-оналар ва жамоатчылар билан иш шақллари, тиббий ёрдам хизмати, мактаблар билан алоқалар, илфор иш тажрибаларини ұрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш борасидаги фаолияти ва бошқа масалалар назорат қилинади.

Ялпи текшириш муассасанинг мақоми ва кимга бұйсынишидан қатын назар, барча турдаги мактабгача таълим муассасаларыда амалга оширилади.

Бундай текширувлар түрт йилда бир марта халқ таълими бұлымлари (вилоят ХТБ, шаҳар, туман ХТБ) томонидан амалга оширилади.

Ялпи текширувни бошлашдан аввал пухта тайёрланған ва тасдиқланған текшириш режасини ишлаб чиқиш, унда барча асосий масала ва саволлар, текшириш услуб-

лари, текширувчиларнинг вазифалари, мажбуриятлари ва текшириш муддати қўрсатилиши керак.

Шунингдек, назоратчи-услубчи мактабгача таълим муассасаларига оид қонун, қарор, курсатма, буйруқлар, педагогик ва услубий журналларни кўздан кечириб, мактабгача таълим дастури ҳамда текширилиши мўлжалланаётган муассасанинг тегишли ҳужжатлари, жумладан, таълимтарбия, молия-хўжалик, услубий иш ҳужжатлари, ходимларнинг туман, шаҳар методик тадбирлар, малака ошириш ишларининг аҳволи билан танишади.

Муассасанинг кучли ёки заиф томонларини билиш учун аввалги текшириш материаллари ўрганиб чиқилади, камчиликларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган қарорлар қандай бажарилгани аниқланади. Бу навбатдаги текширувда кўпроқ нималарга аҳамият бериш кераклигини белгилаб беради.

Туман миқёсида текширув ўтказишида, албатта, маҳаллий ҳокимият органлари, корхона ва ташкилотларга қарашли бўлган мактабгача таълим муассасалари билан алоқа ўрнатилади.

Текширув корхона ва ташкилотларга қарашли мактабгача таълим муассасаларида ўтказилаётган бўлса, бу жа раёнда уларнинг вакили иштирок этиши лозим.

**Ялпи текширувнинг асосий йўллари.** Ялпи текширув бошланишидан олдин назоратчи-услубчи ва гурӯҳ аъзолари муассаса мудири билан сұхбатлашади, текширув максади, фаолият йўналиши, тартиби, вақти билан таништирилади. Сўнгра мудира муассаса ҳақида, жумладан, унинг нечта гурӯҳдан иборат экани, ташкил этилган йили, болаларнинг гурӯҳлар бўйича тақсимланиши, кундалик давомат, муассасанинг моддий-техника базаси, кадрлар таркиби (педагогик ва хизмат кўрсатувчи), уларнинг гоявий-сиёсий савияси, касб малакаси ва маҳорати, меҳнат ва ижро интизоми, жамоанинг ютуқ ва камчиликлари, уларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида маълумот беради.

Бу сұхбат асосида текширувчиларда муассаса тўғрисида дастлабки таассурот пайдо бўлади. Сўнгра назоратчи-услубчи тасдиқланган режа бўйича текшириш, ўрганиш ишларини бошлайди.

Кўйида текширувга оид асосий саволлар келтирилади:

1) мактабгача таълим муассасадаги таълим-тарбия иш-

ларининг аҳволи, «Мактабгача таълим муассасасида таълим-тарбия дастури» талабларининг бажарилиши, болаларнинг билими ва қўникумалари, тарбиячининг ишлаш услублари;

2) кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш, ишлаш малакаларини ошириш омиллари; муассасадаги услубий ишлар, услубий кабинет фаолияти;

3) ташкилий-педагогик ва молиявий-хўжалик ишларнинг аҳволи; белгиланган режаларнинг бажарилиши, йўлланмалар сони, болаларнинг давомати;

4) болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати; болалар овқатланишининг рационал ташкил этилиши;

5) ота-оналарнинг муассаса фаолиятидаги иштироки;

6) мудиранинг мактабгача таълим муассасасига раҳбарлиги, бошқариш услуби; мудира ва услубчи томонидан таълим-тарбия ишлари, дастур талабларининг бажарилишини назорат этиши;

7) муассасанинг моддий-техника базасининг аҳволи, молия-хўжалик фаолияти, сметанинг бажарилиши, харатжатларнинг тўғри сарфланиши;

8) таълим-тарбия йўналишидаги иш режаларнинг бажарилиши, Педагогик кенгащ, умумий мажлислар, ота-оналар йиғилишлари, халқ таълими бўлимлари томонидан чиқарилган бўйруқ ва фармойишларнинг бажарилишини назорат этиши;

9) муассасада иш ҳужжатларини тўғри юритиш, жамлаш ва сақланишини таъминлаш;

10) назоратчи-услубчининг текширув натижаларига доир хулоса ва таклифлари бўйича якуний Педагогик кенгашнинг ўтказилиши.

Ялпи текширувнинг якуни унинг мақсадига ва вазифаларига боғлиқ.

Назоратчи-услубчи педагогик ёки умумий мажлис ўтказиб, текширилган масалалар, мактабгача таълим муассасанинг аҳволи, ишларни янада яхшилаш борасидаги таклиф ва мулоҳазаларини баён этади.

Назорат натижалари бўйича уч нусхада далолатнома тузилиб, бири туман, шаҳар халқ таълими бўлимига, иккинчиси муассасага, учинчиси текширувчиларга берилади. Бундан ташқари, текширув натижалари асосида тайёрланган маълумотномада аниқ таклиф ва тавсиялар баён этилади.

**Тематик текширув** бу — одатда, йилда бир марта ўтказилиб, мактабгача таълим муассасаси фаолиятининг ай-

рим томонларини (муайян йұналишлар ёки мавзулар доирасыда) назорат қилиш шакли ҳисобланади. Масалан, «Мәжнат тарбияси», «Ахлоқий тарбия», «Мактаб билан алоқа», «Үйин машғулотларини ташкил этиш» каби мавзулар шулар жумласидандыр.

Масалан, «Мәжнат тарбияси» мавзууси бүйича текширувда қуидаги масалаларга аниқлик киритиш назарда тутилады:

- 1) гурух режалари муддатини эътиборга олган ҳолда текшириш (чорак мобайнида, ярим йиллик). Мақсад: бажарилған ва бажариладын ишларни аниқлаш;
- 2) машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш; болалар мәжнатининг эңг мұхым томонларини күра олиш;
- 3) катталар ва болаларнинг биргаликдаги мәжнатини кузатиш;
- 4) болаларнинг катталар мәжнатига муносабати;
- 5) болалар үйинларыда мәжнатни акс эттирувчи жараёнларни кузатиш;
- 6) болалар билан индивидуал сұхбатлашиш;
- 7) болалар томонидан бажарилған ишлар таҳлили;
- 8) тарбиячининг кундалиқ ёзувларини күздан кецириш;
- 9) гурухдаги үқув материалларини текшириш.

Назоратчи-услубчи гурух режаларини (3–6 ойлик) үрганиб, унда күзде тутилған мақсад ва вазифаларни амалга оширилишини, ойлик, чорак ва истиқболдаги иш режаларыда таълим-тарбиянинг барча йұналишлари эътиборга олингани, қайси йұналиш тушириб қолдирилғани ва бу нинг сабабларини аниқлаб олиши керак.

#### **6.6. ТЕМАТИК (МАВЗУЛАР БҮЙИЧА) НАЗОРАТНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Мудиранинг ишини тематик назорат этишда унинг текширилаёттан мавзу доирасыда режада белгиланған вазифаларнинг бажарилиши юзасидан тарбиячилар ва услубчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, ушбу йұналишда иш самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш учун қандай шарт-шароит яратганини, ушбу мақсадларға еришиш учун қандай усул ва услубларни құллаётганини кузатиш, үрганиш ва таҳлил қилиш талаб этилади.

Кузатиш режаси қуидагиларни үз ичига олади:  
— кузатилаёттан жараён;

- кузатилаётган кун, йил, ой;
- иш мазмуни;
- тайёргарлик;
- болаларнинг билими ва қўникмаси;
- тарбиячининг билим даражаси, қўникма ва малакаси;
- қўлланилаётган усул ва услублар;
- муассаса фаолиятидаги ютуқлар;
- муассаса фаолиятида камчиликлар;
- таклиф ва мулоҳазалар.

## ТЕМАТИК НАЗОРАТ РЕЖАСИ (меҳнат тарбияси бўйича)

Мазкур режада қўйидагилар акс эттирилади:

- а) мактабгача таълим муассасасининг номи, сони, қайси ташкилотга қарашли экани, текшириш санаси, у ким томонидан ва қайси ёш гуруҳларида ўтказилиши;
- б) муассасадаги болалар таркиби: умумий сони, гуруҳлар сони, болаларнинг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши, давомат, болалар соғлиги;
- в) кадрлар таркиби:
  - мудира (маълумоти, педагогик стажи).
  - тарбиячи-услубчи (маълумоти, педагогик стажи).
  - тарбиячилар (сони, маълумоти, педагогик стажи, ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши).
  - хизмат курсатувчи ходимлар-энагалар (сони, маълумоти, меҳнат стажи, малакаси).

Педагогик жамоанинг гоявий-назарий савияси ва касб малакасини ошириши. «Мактабгача таълим муассасаси таълим дастури», «Болалар меҳнати» йўналишини ўрганиш. Меҳнат тарбияси бўйича психологик-педагогик адабиётлар сони, болаларнинг меҳнат тарбиясида улардан фойдаланиш. Турли меҳнат турлари бўйича тарбиячиларнинг амалий малакаси.

Болаларни катталар меҳнати билан таништириш ва унга нисбатан хурматни тарбиялаш. Дастур бўйича болаларга берилган маълумотлар ҳажми. Катталар меҳнати билан таништириш методикаси: кузатиш, ҳикоя, кўргазмали воситалардан фойдаланиш (сурат, фотография, альбомлар, кино ва диафильмлар, телекўрсатувлар намойиш этиш). Болаларнинг меҳнат қилишга қизиқиши, интилиши, унга қатнашишга ҳаракат қилиши.

Ёш гурухларда меҳнатнинг турлари, уларнинг мазмуми, дастур талабларига мувофиқлиги (хўжалик-маший, қўл меҳнати, ақлий меҳнат ва ҳ.к.). Катта ва тайёрлов гурухларда меҳнатнинг аҳамияти, мазмунининг мураккаблашиб бориши, билим ҳажми, билим малакалари, болаларнинг меҳнатдаги мустақиллиги. Тарбиячилар томонидан меҳнат фаолиятини режалаштириш, кун тартибининг турли вақтдаги индивидуал ва жамоа меҳнати.

Мактабгача таълим муассасасидаги меҳнатнинг барча турлари учун шароитни ташкил этиш: меҳнат учун жой, қуроллар, предметлар, керакли асбоб-ускуналар. Дастур талабларига ва болаларни ёш хусусиятлари ҳамда қобилиятларига мувофиқ меҳнат қуролларини сақлаш, болаларни мустақил шуғулланишлари учун қулагайлик яратиш.

**Меҳнат тарбияси методикасининг таҳлили.** Топшириқ бериш, навбатчилик, жамоа меҳнати, меҳнат турлари, уларни бажаришда турли усуслардан фойдаланиш, тарбиячилар томонидан турли усуслардан фойдаланиш: меҳнатга нисбатан қизиқиши Уйготиш, тушунтириш, Уйин усуслари, биргаликдаги меҳнат жараёнидаги вазифаларни тақсимлаш, ишнинг бажарилишини назорат қилиш, болаларга ёрдам курсатиш чоралари, меҳнат натижасини баҳолаш, болаларга индивидуал ёндашиш.

Меҳнат фаолияти жараёнида кўйиладиган тарбиявий мақсадлар: болаларда меҳнатга қизиқиши тарбиялаш, диққатни шакллантириш, тўғри, сифатли меҳнат қилишга ўргатиш, бир мақсад йўлида ҳаракат қилиш, ишни охирiga етказиш, меҳнат қуролларидан тўғри ва эҳтиёткорлик билан фойдаланиш, иш учун жавобгарликни ҳис этиш, ўзаро ёрдам кўникмаларини тарбиялаш, атрофдагиларнинг меҳнатига ҳурмат руҳида тарбиялаш. Диққатни жамлаш, ишнинг моҳиятини тушуниб этиш, уни режали амалга ошириш, келишиб ишлаш, биргаликдаги меҳнатда ҳар болани бирор-бир фойдали иш қилишга ўргатиш.

Меҳнатнинг ўйин тарзида, у билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш. Бунинг учун турли предметлар тайёрлаш, бунда тарбиячининг роли.

Мудира ва тарбиячи-услубчининг меҳнат тарбиясига раҳбарлиги: раҳбарликнинг шакл ва мазмuni, йиллик ва ойлик режаларда акс эттирилгани, болалар меҳнати учун шароит яратилгани, педагоглар жамоа билан меҳнат тарбияси тўғрисидаги адабиётларни ўрганишни ташкил этиш,

турли ёш гурухлари бўйича меҳнат тарбиясини текшириш ва таҳлил қилиш, муассаса иш режасига меҳнат тарбияси-ни киритиш, Педагогик кенгашларда тажриба алмашиш, машғулотларга кириш, ўзаро назорат қилиш, очиқ маш-ғулотларни ташкил этиш. Маслаҳатлар бериш.

Ота-оналарга меҳнат тарбияси ҳақида маърузалар уюштириш, уларга тегишли адабиётлар бериш, болалар меҳнат қуроллари, жиҳозлари витринасини ташкил этиш (ёғочдан, картондан, қофоз ва бошқа материаллардан). Туман ота-оналар анжуманида «Мактабгача таълим ёшидаги болалар тарбиясида меҳнатнинг роли» мавзусидаги маърузалар билан қатнашиш.

Хулоса, мактабгача таълим муассасасини баҳолаш, илфор иш тажрибаларини оммалаштириш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсияларни баён этиш.

### Таянч тушунчалар:

*Истиқбол режа* – мактабгача таълимда таълим-тарбия жараёнини 1 ёки 3 ойга мўлжалланган иш режаси.

*Ялпи текширув (назорат)* – муассаса фаолиятининг барча йўналишларини ҳар томонлама текшириш.

*Тематик назорат (текширув)* – муассаса фаолиятининг муайян йўналишини (бир ёки бир неча мавзулар) бўйича текширилиши.

*Ҳисобот* – кундалик иш жараёнини қайд этиш ва умумлаштиришга доир ҳужжат.

### МАВЗУ ЮЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим туғрисида»ги Қонуни.// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.// Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.

3. Болажон. Таянч дастур. –Т., «Маърифат-Мададкор», 2010.

4. Халқ таълимни ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари. –Т., 2006.

5. Справочник «Руководителя дошкольного образовательного учреждения». –Т., 2006.

6. Ф. Р. Қодирова, Р. М. Қодирова. Мактабгача таълим концепцияси. –Т., «Фан ва технология», 2011.

7. Мактабгача таълим тизимига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўплами. –Т., «LIDER PRESS», 2009.

## **Назорат учун саволлар:**

1. Назорат қилиш деганда нимани тушунасиз?
2. Назорат қилишнинг мақсади ва вазифаларини изоҳлаб беринг.
3. Назорат қилишда назоратчи-услубчининг тайёргарлиги нималардан иборат?
4. Назорат қилишнинг усулларини изоҳлаб беринг.
5. Назорат қилишнинг қандай босқичларини биласиз?
6. Ялпи текшириш деганда нимани тушунасиз?
7. Ялпи текшириш қайси муддатларда ва қай тарзда ўтказилади?
8. Тематик текширувнинг моҳиятини изоҳлаб беринг.

### **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

**1. Халқ таълими тизими назоратчи-услубчининг бошқарув тамоийиллари қайси бандда тўғри ёритилған?**

- а) ҳамкорлик, аниқлик, иш юритишни бошқариш, назорат қилиш;
- б) демократик, либерал, авторитар;
- в) авторитар, ишбилармон, тадбиркор;
- г) демократик, яккабошлиқ, аниқлик, янгиликни ҳис этиш, хўжаликни бошқариш, танқид ва ўз-узини танқид, фарқ қилмоқ.

**2. Мактабгача таълим бўйича назорат ишларини ташкил этишининг аҳамияти нимада?**

- а) мактабгача таълим муассасининг таълим-тарбиявий ишлари самарадорлигини оширади;
- б) услугий, таълим-тарбиявий ишлар сифатини оширади;
- в) мактабгача таълим муассасаси ходимларининг касб мала-касини устиради;
- г) смета бўйича харажатларни түғри сарфлашни таъминлади.

**3. Мактабгача таълим тизимида қўлланадиган назорат турларини аниқланг:**

- а) огоҳлантирувчи, қайта, иккиламчи, тематик, ялпи, қиёсий назорат;
- б) гурӯҳларга мақсадли кириш, очиқ машгулотлар ташкил этиш;
- в) кундалик назорат, тематик назорат, қиёсий назорат;
- г) қиёсий, иккиламчи, ялпи назорат.

**4. Раҳбар томонидан таълим-тарбиявий ишларни ташкил этишни назорат қилиш йўллари бу –**

- а) очик машғулотлар, жамоа тарзида кузатиш ва таҳлил қилиш, кундалик назорат, иш режаларини кўриб, таҳлил қилиш, баҳолаш;
- б) очик тадбирлар ташкил этиш, услубий бирлашма ишларида қатнашиш;
- в) гурӯҳларга мақсадли кириш, машғулотларни кузатиш ва таҳлил қилиш;
- г) огоҳлантириш, суҳбатлашиш, давра суҳбати.

**5. Мактабгача таълим муассасаларидаги мониторинг тизими таърифи қайси баандда тўғри берилган?**

- а) давлат ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгиланган вазифалар ижросини назорат қилиб бориш;
- б) педагогик таълим-тарбия ишларини узлуксиз кузатиб бориш ва таҳлил қилиш;
- в) педагогик фаолият мазмунини узлуксиз кузатиш ва ривожлантириб бориш;
- г) ота-оналар билан иш усусларини такомиллаштириш.

## VII боб. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЙИЧА МЕТОДИК ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВАЗИФАЛАРИ, МАЗМУНИ ВА ШАКЛЛАРИ

1. Мактабгача таълимга услубий раҳбарлик ишининг ташкилий тузилиши ва вазифалари.
2. Республика мактабгача таълим методикаси кабинетининг тузилиши, иш мазмунни ва вазифалари.
3. Туман методика кабинетининг иш мазмунни ва вазифалари.
4. Методик бирлашмалар.
5. Семинар, семинар-машғулотлари.

### 7.1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА УСЛУБИЙ РАҲБАРЛИК ИШИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Республикада мактабгача таълимга услубий раҳбарлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган Республика мактабгача таълим методикаси кабинети орқали амалга оширилади.

Методика кабинети Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган режа асосида иш юритади. Унинг ташкилий тузилиши қуйидагича:



Республика мактабгача таълим методикаси кабинети Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман методика кабинети фаолиятини назорат қиласи ҳамда уларга услубий ёрдам беради.

Унинг асосий вазифалари: халқ таълими бўлимлари қошидаги методика кабинетлари фаолиятини назорат қилиш, тарбиячилар ва халқ таълими ходимларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш, илгор иш тажрибалари-ни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштиришдан иборат.

## 7.2. РЕСПУБЛИКА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАБИНЕТИ

Республика мактабгача таълим методикаси кабинети Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида ташкил этилиб, мазкур соҳа буйича етакчи тузилма сифатида барча мактабгача таълим муассасалари фаолиятини услубий жиҳатдан бошқаради ва мувофиқлаштириб боради.

Республика мактабгача таълим методикаси кабинети ўз фаолиятида амалдаги қонунчилик, Халқ таълими вазирлиги томонидан чиқарилган қарорлар, фармойишлар ва бошқа меъёрий хужжатларга асосланниб иш юритади.

Республика мактабгача таълим методикаси кабинети Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ўкув-методика маркази, Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ва бошқа илмий муассасалар билан мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади.

Республика мактабгача таълим методикаси кабинетининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

– Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар мактабгача таълим методикаси кабинетларига услубий ёрдам кўрсатиш, педагогик жараёнлар ва таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, «Болажон» дастурини тулиқ бажарилишини таъминлайди;

– илгор иш тажрибаларни ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради (мактабгача таълим муассасалари ходимлари, мактабгача таълим методикаси кабинетлари, назоратчи-услубчи, мудиралар, услугчилар ва тарбиячилар, мураббийлар фаолиятини таҳлил этиш асосида);

— илфор педагогик тажрибаларни, педагогика, психология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, халқ педагогикаси анъаналариға таянган ҳолда мактабгача ёшдаги болаларга таълимтарбия бериш ишларини такомиллаштиришнинг илмий-услубий асослари, йўл-йўриқларини ишлаб чиқади.

### **Методика кабинети ишининг мазмуни ва асосий шакллари**

1. Методика кабинети ўз зиммасига юкланган вазифаларга кўра:

— Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар мактабгача таълим методика кабинети иш фаолиятини назорат этади ва мувофиқлаштиради;

— мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия ишлар аҳволи ва белгиланган режаларнинг бажарилишини ўрганиди;

— «Болажон» дастурида кўзда тутилган вазифаларни тўлақонли амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва бажарилишини назорат қиласди;

— республика методика кабинети ходимларини малака ошириш курсларида маъruzалар ўқишига, семинар-машғулотлар ўтказишига ва тугараклар ишини олиб боришга жалб этади.

2. Республика мактабгача таълим методика кабинети хузурида ташкил этилган услубий Кенгаш методикаси кабинетлари фаолиятига янги услубий ёндашувлар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга масъулдир. Кенгаш таркибига услубчилар, ўқитувчилар малакасини ошириш институти раҳбари ва мутахассислари, мудиралар, тарбиячилар, мусиқа раҳбарлари, олий ўқув юртларининг етук профессор ўқитувчилари киради.

Услубий Кенгашда марказий мактабгача таълим методикаси кабинетининг иш режаси, бажарилган ва режалаштирилаётган ташкилий, услубий тадбирлар муҳокама этилади, таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш, жумладан, методика кабинетларининг илфор педагогик тажрибаларни тўплаш борасидаги амалий фаолияти, мактабгача таълим бўйича услубий қўлланмаларни муҳокама қилиш, тасдиқлаш билан боғлиқ масалалар ҳал этилади.

3. Республика мактабгача таълим методикаси кабинетида ходимларнинг билими ва малакасини ошириш мақса-

дида тегишли шарт-шароит яратилади (бунинг учун маъру-залар, семинар-тренинглар, кўргазмалар ва бошқа тадбирлар ташкил этилади).

4. Республика мактабгача таълим методикаси кабинетида илмий педагогик ва услубий адабиётлар учун кутубхона ташкил қилинади.

Б./ Б./ Б./ ТЕХНОЛОГИЯСИ			
МАВЗУ САВОЛЛАРИ	БИЛАМАН	БИЛДИМ	ДИЛИЦИН ХОЖЛАМАН
1. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ КАБИНЕТИ			
2. ТАШКИЛИЙ-ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАР			
3. МЕТОДИК КАБИНЕТ			
4. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ ВА МЕТОДИК ИШЛАРГА РАҲБАРЛАНК			
5. НАЗОРАТ КИЛИШ УСУЛИ			
6. ОТА-ОНАЛАР ВА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ИШЛАШ УСЛУБЛАРНИ			

### Методика кабинети ходимлари

1. Республика мактабгача таълим методикаси кабинетига Малака ошириш маркази директори раҳбарлик қилади. У олий педагогик билимга ва ташкилий-услубий ишларни ташкил этиш борасида муайян тажрибага эга бўлиши лозим. Унинг зиммасига кабинетнинг услубий, молиявий-хужалик фаолиятига раҳбарлик қилиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, меҳнат қонунчилигига биноан ходимларни ишга қабул қиласи ва ишдан буштади.

2. Методик ишлар марказ директори тавсияси билан Халқ таълими вазирлиги томонидан тайинланадиган олий педагогик маълумот ва камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган малакали услубчилар томонидан амалга оширилади.

3. Республика мактабгача таълим методикаси кабинетининг штатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

### Ташкилий, ҳукуқий ва молиявий асослари

1. Республика мактабгача таълим методикаси кабинети давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Унга Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида маблағ ажратилади.

2. Республика мактабгача таълим методикаси кабинети Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги олдида ўз фаолияти бўйича ҳисобот бериб туради.

3. Республика мактабгача таълим методикаси кабинети Ўқитувчилар малакасини ошириш институти билан келишган ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган режа асосида иш юритади.

### **7.3. ТУМАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАБИНЕТИНИНГ ИШ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

Туман мактабгача таълим методикаси кабинетининг соҳага доир меъёрий-хуқуқий хужжатлар, Халқ таълими вазирлиги, бошқармалари ва бўлимлари томонидан чиқарилган қарорлар, фармойишлар ва бошқа хужжатлар асосида беш йилга мужалланган истиқбол режаси тузилади.

Йиллик режада методика кабинетининг ҳар бир ўқув йилига тааллуқли фаолияти акс этади.

Чорак ва ойлик режаларида йиллик режа белгиланган вазифаларнинг бажарилиши муддати аниқ қайд этилади.

Туман мактабгача таълим методикаси кабинетининг йиллик иш режаси тумандаги услугубий ишларни босқичмабосқич, мазмунли ташкил этилишини таъминлаш керак. Бунда асосий эътибор ўқув, таълим-тарбия йўналишидаги фаолиятини ўрганиш, мактабгача таълим муассасаларида услугубий ишларни ташкил этиш ва такомиллаштириб бориш, мудира, услубчи, тарбиячиларга ўқув фаолияти, меҳнат, эстетик, мусиқа тарбияси бўйича услугубий ёрдам кўрсатиш муассасаларда касалликларнинг олдини олиш ва профилактикасини йўлга кўйиш, ясли ва аралаш гуруҳларда, шунингдек, болалар сони кам бўлган муассасалар фаолиятини илмий-услубий жиҳатдан тўғри ва самарали ташкил этиш каби масалаларнинг бажарилишига қаратилади.

Режада мактабгача таълим муассасаларини мақсадли, бирламчи ёки тизимли текшириш тадбирлари алоҳида ўрин тутади. Юқорида таъкидланганидек, текширув шакли унинг мақсади ва мазмунига боғлиқ. Бундай тадбирлар мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишиш, уларда кечётган жараёнлардан доимо хабардор бўлиб туришни таъминлайди. Таъкидлаш жоизки, текширув режаси барча муассасаларни қамраб олиши керак.

Режада мактабгача таълим муассасалари сони ва номи курсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, туман мактабгача таълим методикаси кабинетининг асосий вазифаси — педагогика ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида эришилган ютуқларни, илфор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва таҳдил қилиш асосида мактабгача тарбия муассасаларининг кундалик фаолиятига доир ютуқ ва тажрибалар, янги ишланма ва технологияларни жорий этиш борасида амалий услубий ёрдам беришдан иборат.

Бу ўринда туман Халқ таълими бўлими томонидан тавсия этилган билимли, тажрибали ва илфор педагогларнинг услубий бирлашмалар, семинар машғулотлари, маърузалар ва бошқа анжуманларни ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

#### 7.4. МЕТОДИК БИРЛАЩМАЛАР

Методик бирлашмалар — мактабгача таълим муассасалари фаолиятига оид энг долзарб масалалар муҳокама этиладиган ва ҳал қилинадиган услубий тузилмалардир.

Методик бирлашмаларнинг асосий вазифаси — педагог ва тарбиячиларнинг ижодий фаоллигини ошириш ва янгиликка интилишларини қуллаб-кувватлаш, ўз ишига танқидий муносабатда булиш ва холисона баҳо бериш кўникмасини шакллантириш, зиммасидаги вазифаларга юксак масъулият ҳиссини қарор топтириш, касб маҳорати ва малакасини узлуксиз ошириб боришга йўналтиришдан иборат.

Методик бирлашмалар бутун ўқув йили давомида (сен-тябрдан майгача) фаолият олиб боради. У турли тоифадаги педагог-тарбиячилар, мусиқа раҳбарлари, мудиралар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида ташкил этилади.

Бизнинг фикримизча, мактабгача таълим муассасалари сони кўп бўлган йирик туманларда бундай бирлашмаларни бўлим (ёки бир неча бўлим) шаклида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ҳар бир бўлимда 18–20 мактабгача таълим муассасалари киради.

Бирлашманинг ишлаш муддати, фаолият доираси ва ваколатлари Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади. Одатда, унинг йиғилишлари 2 ойда бир марта ўтказилади.

Методик бирлашма таркибини шакллантиришда педагогларнинг иш стажи, касб маҳорати ва малакаси эътиборга олинади. Масалан, мудиralар учун ташкил этилган методик бирлашма таркибига киритиладиган педагоглар (йирик туманлар учун) олий маълумотли, беш йил ва ундан зиёд иш стажига эга булиши зарур:

Ўрта ва маҳсус маълумотга эга ва иш стажи кам бўлган мудиralар ва услубчилар учун ҳам методик бирлашмалар шундай тартибда ташкил этилади.

Тарбиячилар учун методик бирлашмалар ташкил этишида эса уларнинг жорий йилда қайси ёшдаги болалар гуруҳида ишлагани эътиборга олинади.

Методик бирлашмаларнинг кўргазмали қуроллар ва янги услубий адабиётлар кўргазмаларини ташкил этиши борасидаги фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Методик бирлашма ишининг самараси унинг фаолияти халқ таълими бўлими ва методика кабинети томонидан қай даражада бошқарилаётганига ҳам боғлик.

Қорақалпогистон Республика, вилоятлар, шаҳар ва туманлар методика кабинетлари методика бирлашма раҳбари ва ходимлари малакаларини ошириш ишини йўлга кўяди, жумладан, бир йилда 2–3 марта услубий бирлашмани ташкил этиш ва режалаштириш, уни бошқариш, замонавий фан ютуқлари, илгор тажрибаларни ўрганиш ва татбиқ этиш каби мавзуларда семинарлар ташкил этади.

Шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари методика кабинети режа тузиш, маъruzалар тайёрлаш, турли кўрик-кўргазмаларни ташкил этишда бирлашмалар раҳбарларига ёрдам беради.

Мактабгача таълим бўйича тайёрланган барча услубий ишланмана ва қўлланмалар, амалий таклиф-тавсиялар, аввало, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилигига тақдим этилади. Улар вазирилик томонидан кўриб чиқилиб, тасдиқлангандан сўнг мактабгача таълим муасасаларига тарқатилади.

Методик кабинет ўз олдидаги вазифаларни ҳал этишида материалнинг мазмун-моҳиятига, белгиланган талабларга жавоб бериши, ўтказилаётган тадбирларда, хусусан, семинарларда янги услубий ишланмалар, адабиётлар муҳокамасига алоҳида эътибор бериши лозим.

Услубий-педагогик йиғилишлар асосан илк ёш гуруҳлари тарбиячилари учун ўтказилади. Уларда, асосан, бо-

лаларнинг жисмоний-физиологик, руҳий ва ақлий ривожланиши масалалари муҳокама қилинади. Бундай йиғилишлар 1 ёшдан 2 ёшгача гуруҳларда ҳар ойда, 2 ёшдан 3 ёшгача гуруҳларда ҳар чоракда 1 марта ўтказилади. Йиғилишларда мудира, услугчи ва тарбиячилардан ташқари, шифокор, катта ҳамшира ҳам иштирок этади.

Методик бирлашма фаолияти услубчи томонидан назорат этилади.

Мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини услубий таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими тизимида мактабгача таълим йўналиши бўйича методика уюшмалари фаолият юритади.

***Методика уюшмаларининг мақсади:***

- мактабгача таълим муассасаларининг ҳар бир йўналиш бўйича турли ёш даврларига тегишли таълим фаолиятини мувофиқлаштириш;
- замонавий таълим-тарбия беришнинг инновацион форя ва янги педагогик технологияларни ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, илғор тажриба ва ижодий ташабbusларни амалиётга татбиқ этиш;
- таълим муассасалари педагог ва тарбиячиларининг қасб маҳорати ва малакасини ошириш мақсадида маҳорат мактаблари, амалий машгулотлар, янги педагогик, услубий адабиётлар, таълимга оид ва дидактик ўйин воситалари кўргазмаси, семинар-тренингларни мунтазам равишда ташкил этиш орқали услубий ёрдам кўрсатишдан иборат.

***Методика уюшмаларининг асосий вазифалари:***

1. Ҳалқ таълими бошқарув органлари томонидан мактабгача таълим йўналишига оид меъёрий ҳужжатлар ва методик ишларни ўрганади ҳамда таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш йўлларини кўрсатиб беради.

2. Вилоят методика марказларида мактабгача таълим муассасаларининг тажрибали педагоглари таркибидан йўналишлар (раҳбар, методист, тарбиячи, логопед, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбари, жисмоний тарбия ўриқчиси) бўйича тренерлар гуруҳи ташкил этилади. Тренерларнинг ҳар бири уз йўналиши бўйича янги методик тавсиялар ва меъёрий ҳужжатлар билан методик уюшма раҳбарлари учун икки ойда бир марта машгулотларни ташкил этади.

3. Туман (шаҳар) миқёсидаги илғор педагогик иш тажрибаларини ўрганади ҳамда улардан энг самаралиларини

методика уюшмаси қарори билан туман (шаҳар) бўйича оммалаштиради. Туман (шаҳар) миқёсида оммалашган инновацион иш услубларига эга муассасалар иш тажрибасини вилоят бўйича оммалаштиришга тавсия этади.

4. Таълим муассасалари тарбиячиларининг методик ва касбий маҳоратларини такомиллаштириш мақсадида, таълим-тарбия фаолиятининг замон талабига мослигини, кўйилган талабларнинг бажарилиши ва ижодий фикрларнинг таълим жараёнига тўғри йўналтирилганини кузатиб боради.

5. «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйилган Давлат талаблари»нинг йўналишлар бўйича бажарилиши ва таянч дастурининг ишлашини таъминлашга раҳбарлик қиласди.

6. «Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйилган Давлат талаблари»нинг ижросини ўрганиш учун зарур бўлган тест топшириклари ва бошқа назорат материалларини тайёрлаш ишларини амалга оширади.

7. Шаҳар ва туманда тегишли таълим йўналишининг татбиқ этиш аҳволини ўрганади, таҳлил қиласди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг Давлат талаблари асосида эгаллаган малака ва кўнимкамаларидаги бўшлиқларни аниқлади ва уларни тўлдириш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди.

8. «Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган Давлат талаблари» ижросини таъминлаш, таълим сифат ва самарадорлигини ошириш, таълим-тарбия жараёнини илгор педагогик технологиялар билан бойитиш, унга янги инновацион гояларни татбиқ этишга кўмаклашувчи тавсиялар ишлаб чиқади ва уларни таълим муассасаларига етказади.

9. Туман (шаҳар) миқёсида тегишли таълим йўналишларининг методик таъминотга бўлган эҳтиёжини аниқлади.

10. Янги таянч дастури, методик қўлланма ва бошқа янги методик нашрлар, шунингдек, таълим-тарбия жараёнига доир илмий мақолаларни ўрганади ва муҳокама қиласди.

11. Халқ таълими бошқарув органлари кўрсатмаси билан соҳага оид яратилаётган янги дастур, қўлланмаларни таҳлил қиласди ва асосланган хulosалар тақдим этади.

12. Мактабгача таълим муассасаларини махсус санитария-гиgiene талаблари асосида жиҳозланишига методик ёрдам беради.

13. Туман (шаҳар) миқёсида тегишли йўналиш бўйича замонавий педагогик технологиялар, илфор иш тажриба-

ларини ўрганишга йўналтирилган ўқув-методик семинарларни ташкил этади.

14. Туман (шаҳар) миқёсида тарбиячиларнинг узлуксиз малака ва маҳоратларини ошириб боришларини таъминлайди.

15. Туман (шаҳар) мактабгача таълим муассасаларининг илгор педагогик тажрибалари, ижодкор тарбиячилари ҳақида ахборотлар базасини ташкил этади.

16. Таълим муассасаларида турили йўналишдаги тугараклар фаолияти ва ноанъанавий гуруҳларнинг ишларини ўрганади, уларга тегишли ёрдам кўрсатади.

17. Туман (шаҳар) миқёсида ўтказиладиган иккинчи босқич кўрик-тандовларни ўтказишга ёрдам беради.

18. Таълим муассасаларининг янги ўқув-услубий адабиётлар билан таъминланишини назорат қиласади.

### **Методика уюшмасининг ишини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш**

1. Туман (шаҳар) миқёсида мактабгача таълимнинг бир неча йўналишлари, шунингдек (мактабгача таълим муассасаси раҳбари, методист, тарбиячи, психолог, мусиқа раҳбари, жисмоний тарбия йўриқчisi, логопедлар учун) биттадан Методика уюшмаси ташкил этилади.

2. Методика уюшмасига ҳар бир таълим муассасасидан бир ва бир неча педагог ходим муассасаси раҳбарининг тавсияси ва буйруфи билан аъзо қилиб олинади.

3. Методика уюшмасига тегишли таълим йўналиши бўйича туман (шаҳар)нинг энг ижодкор ва тажрибали тарбиячи мутахассиси раис этиб сайланади ва уюшма йигилишига раҳбарлик қиласади.

4. Методик уюшма раиси ва унинг аъзолари уюшма фаолиятларини жамоатчилик асосида юритадилар.

5. Методик уюшма фаолиятига боғлиқ барча ташкилий ишлар ва ҳужжатларни юритиш туман (шаҳар) таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш кичик гуруҳининг мактабгача таълим йўналиши методисти зиммасига юклатилади.

6. Уюшма фаолияти туман (шаҳар) таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш кичик гуруҳининг ҳузуридаги Методик кенгаш томонидан мувофиқлаштириб борилади.

7. Методика уюшмаси йиғилиши ҳар икки ойда бир .

марта ўтказилиши ва йиғилиш маълум бир масалани муҳокама қилиши ёки ўқув семинари ташкил қилиши мумкин.

8. Методика уюшмаси йиғилишларида муҳокама этилган масалалар мажлис баённомасида акс эттирилиши ва қабул қилинган қарор юзасидан тегишли кўчирма тақдим этилиши зарур.

9. Йиғилиш баёнлари дафтари, уюшма иш режаси ва ҳисботи туман (шаҳар) методика кабинетида уч йил сақланади.

#### **Методика уюшмаси ҳужжатлари:**

Методика уюшмаси қуидаги ҳужжатлар асосида фаолият юритади:

- йиллик иш режаси;
- йиғилиш баённомалари;
- ҳисботлар;
- методика кенгашига тақдим этилган ва муҳокамадан ўтган ишларнинг чоп этилган ва электрон нусхаси.

Методика кенгашига халқ таълими бошқарув органдаридан йўлланган ҳужжатлар нусхаси.

### **7.5. СЕМИНАР, СЕМИНАР МАШФУЛОТЛАРИ**

Мактабгача таълим ходимларининг ишлаш малакаларини ошириш шаклларидан бири бу семинарлардир.

Семинарларда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига доир энг долзарб масалалар муҳокама этилиб, чора-тадбирлари белгилаб олинади. Семинар мавзулари вилоят, шаҳар, туман Халқ таълими бошқармалари (бўлимлари) томонидан белгиланади.

Семинар учун мавзу танлашда унинг мақсади, вазифалари, мавзулар тематикаси аниқланади ва библиография тузилади.

Маъруза мавзулари семинар қатнашчиларига тақсимлаб берилади, ҳар бир маърузачи белгиланган мавзуси бўйича ўз тажрибаларидан намуналар келтириб, илмий жihatдан асослаб беришга ҳаракат қилиши зарур.

Мудиралар учун семинар мавзусини қуидагича танлаш мумкин:

- мудиранинг услубий-тарбиявий ишларга раҳбарлиги;
- ўйин фаолиятига раҳбарлиги.

Мусиқа раҳбарларига мактабгача ёшдаги тарбияланувчиларни кўшиқ санъатига қизиқтириш, ёшига мос кўшикларни куйлашга ўргатиш каби мавзуларда семинарлар ташкил этилиши мумкин.

Семинарларнинг асосий мақсади — алоҳида методика бўйича тарбиячиларнинг билимларини чуқурлаштириш ва тарбия бўйича долзарб масалаларни муҳокама этиб, уларнинг ҳал қилиш усул ва услубларини белгилашдир.

Семинар уқув машғулотлар режаси бир йилга мўлжалланган бўлиб, вилоят ва республика миқёсида 5—12 кунга ишдан ажралган, шаҳар ва туман семинарлари эса ҳар ойда 1—2 марта ишдан ажралмаган ҳолда ташкил этилади.

Семинарлар мавзулари режаси ва дастури мактабгача таълим муассасаларида иш сифатини яхшилаш мақсадида тегишли илмий текшириш институтлари томонидан ишлаб чиқилади.

Мактабгача таълим муассасасида семинар машғулотлари мавзулари мудира, катта тарбиячи ва тарбиячилар билан биргаликда танланади ва Педагогик кенгашда тасдиқланади ҳамда муассасанинг йиллик режасига киритилади. Шу асосда барча услубчи-тарбиячиларнинг фаол иштирокида семинар машғулотларининг аниқ режаси ишлаб чиқилади.

Семинар машғулотлари муассасасида семинар машғулоти долзарб масалалар муҳокамасига бағишланishi, режада бир хил мавзуларнинг кўтарилишига йул кўймаслик зарур. Акс ҳолда, бу семинар қатнашчиларининг қизиқиши ва фаоллигининг пасайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, машғулот соф назарий тус олмаслиги, муҳокама этилаётган мавзу (масала) амалиёт билан узвий боғлиқ ҳолда баён этилиши керак.

Семинар мавзулари тахминан кўйидагича булиши мумкин:

- ясли ва боғча ёшдаги болалар психофизиологик хусусиятлари (семинарни педиатр шифокор ёки психолог олиб боради);
- турли фаолият турларида болаларга индивидуал ёндашиш усуллари;
- мактабгача таълим ёшидаги болаларни ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялаш омиллари;
- тарбиячининг болалар билан муносабатларининг ўзига хос жиҳатлари ва ҳоказо.

## Маърузалар

Мактабгача таълим муассасалари ходимларининг гоявий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, маданий ва ишлаш малакаларини ўстириш учун ижтимоий-сиёсий, таълим-

тарбия, маънавий-маърифий мавзулар бўйича ўтказилиши мумкин. Бундай тадбирлар мактабгача таълим муассасаси ходимлари билими ва дунёқарашини кенгайтиради, сиёсий ва маънавий жиҳатдан етук бўлишига хизмат қилади. Бу мақсадга эришиш учун маърузалар юксак илмий-ғоявий савияда, амалиёт билан узвий bogлиқ ҳолда ўтказилиши талаб этилади.

### Ўз устида ишлаш

Бу – мактабгача таълим муассасаси ходимларининг ўз устида тинимсиз ишлаши, касб маҳорати ва малакасини, ғоявий-сиёсий савиясини ошириб бориш борасидаги фаолиятининг кенг тарқалган шаклларидан бири.

Мактабгача таълим муассасаси ходимлари иш режасида мактабгача таълим бўйича назарий-амалий масалаларни чуқур ўзлаштириш, мактаб таълим дастурини, услубий адабиётларни ўрганиш ўз ифодасини топади.

Йиллик режада иш жараённида қийинчилик келтириб чиқарган бир ёки бир неча мавзу акс эттирилиб, бунда нафақат тегишли мавзуларни, балки тегишли илмий-услубий адабиётларга таянган ҳолда қийинчилик туғдирган масалаларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Мудира касаба уюшма раиси билан биргаликда ўз устида ишлашни қандай ташкил этиш, бу тадбирларни тизимли, аниқ режа асосида олиб бориш йўл-йўриқларини белгилashi лозим. Бунда ташкилий-педагогик вазифаларни амалга оширишда зарур шарт-шароит, ўқув-услубий адабиётлар, бажарувчи – жавобгар шахслар аниқ белгиланиши ва уларнинг бажарилиши мудира томонидан назорат этиб борилиши керак.

Мактабгача таълим муассасаларида ташкил этиладиган очиқ эшиклар куни фоят аҳамиятлидир. Бунда мактабгача таълим муассасасининг бутун фаолияти ота-оналар томонидан кузатилади, йўл қўйилаётган камчиликлар ўз вақтида ҳал этилади. Мактабгача таълим муассасасининг барча ходимлари очиқ эшиклар кунини ўтказишга жиддий тайёргарлик кўради.

Яккама-якка суҳбат – бола тарбиясида қийналган ота-оналар учун ташкил қилинади, бунда гуруҳ тарбиячиси ва муассаса мудираси илмий асосланган ҳолда масалаларни ҳал этмоғи лозим.

Мактабгача таълим муассасаларида ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида кутубхона ва ота-оналар бурчагини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Муассаса мудираси, услубчи ва тарбиячилар томонидан танланган ва ота-оналарга тавсия этилган илмий-оммабоп адабиётлар оиласда болалар тарбиясини тұғри ва оқылона ташкил этиш, болаларнинг жисмоний-физиологик, рухий ва интеллектуал ривожланиши ҳақида муайян билимларни әгаллашлари учун ота-оналарга катта ёрдам беради.

### Таянч түшүнчалар:

*ХТБ* – Халқ таълими бұлими.

*Методик бирлашма* – мактабгача таълим ходимларининг касб маҳорати ва малакасини ошириш шаклларидан бири.

*Күчирма-папка* – йиғма папка, ота-оналар ва мактабгача таълим муассасаларида бирор-бир мавзу бүйича жиҳозланган күргазмали воситадир.

*Тиббий-педагогик үйілиш* – бу мактабгача таълим муассасаларининг илк ёш гурухлари тарбияланувчилари соғлигини муҳофаза этиш масалаларига бағишли нағдиган кенгаш.

*Очиқ тадбирлар* – жамоа иштирокида педагогик жараёнларни кузатиши.

### МАВЗУ ЮЗАСИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тұғрисида»ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., «Шарқ», 1997.

3. Болажон. Таянч дастур. –Т., «Маърифат-Мададкор», 2010.

4. Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари. –Т., 2006.

5. Справочник «Руководителя дошкольного образовательного учреждения». –Т., 2006.

6. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Мактабгача таълим концепцияси. –Т., «Фан ва технология», 2011.

7. Мактабгача таълим тизимиға доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар түплами. «LIDER PRESS», –Т., 2009.

## **Назорат учун саволлар:**

1. Ўзбекистонда мактабгача таълимга методик раҳбарлик қайси тизимда олиб борилади?
2. Марказий мактабгача таълим методикаси кабинетининг тузилиши ва вазифалари нималардан иборат?
3. Методик бирлашма нима?
4. Семинар ва семинар машғулотининг асосий мақсади нималардан иборат?
5. Аҳоли ўртасида педагогик тарғибот ишларини олиб бориш усул ва шаклларини сўзлаб беринг.

## **МАВЗУ ЮЗАСИДАН ТЕСТ ТОПШИРИҚЛАРИ:**

### **1. Мактабгача таълимда методик ишлар бу –**

- а) Педагогик кенгаш, семинар, семинар машғулотлари, тибий-педагогик кенгаш, маслаҳатлар, адабиётлар таҳдили;
- б) ота-оналар мажлиси, умумий маслаҳатлар, семинарлар;
- в) Педагогик кенгаш, семинарлар, маслаҳатлар;
- г) семинар, семинар машғулотлари.

### **2. Педагогик диагностика бу –**

- а) таълим-тарбия жараёнини чуқур таҳдил қилиш, унинг самардорлигини түғри баҳолаш, таълим даражасини аниқлаш;
- б) таълим тизимидағи йўл қўйилган камчиликларни барта-раф этиш;
- в) билим сифатини такомиллаштириш;
- г) таълимни такомиллаштириб бориши.

### **3. Методик бирлашмалар ким томонидан ташкил этилади?**

- а) мактабгача таълим мусассасаси томонидан;
- б) Халқ таълими бўлими томонидан;
- в) Халқ таълими вазирлиги томонидан;
- г) юқори ташкилотлар томонидан.

### **4. Методик ишларни ташкил этишнинг асосларини ёритиб беринг:**

- а) Методик кабинетда ишлаш, Педагогик кенгаш, семинар-тренинг, семинар машғулотлари;
- б) яккама-якка сұхбат, Педагогик кенгаш, семинар;
- в) Педагогик кенгаш, семинар машғулотлари, семинар-тренинг, тиббий-педагогик кенгаш;
- г) умумий ва гурӯҳ ота-оналар кенгashi, очиқ машғулотлар, маслаҳатлар.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
<i>I боб.</i> Ижтимоий мактабгача таълимни ташкил қилиш вазифалари ва ривожланишининг асосий босқичлари .....	5
<i>II боб.</i> Мактабгача таълимни режалаштириш, молиявий таъминлаш, ташкил этиш ва бошқариш тамойиллари .....	26
<i>III боб.</i> Мактабгача таълим муассасалари ва уларни ташкил этиш ....	41
<i>IV боб.</i> Мудира – мактабгача таълим муассасасининг раҳбари. Мактабгача таълим муассасаси услугчисининг методик ишларга раҳбарлиги .....	65
<i>V боб.</i> Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасаларига раҳбарлик қилиш .....	111
<i>VI боб.</i> Халқ таълими муассасалари фаолиятини услугбий таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш .....	124
<i>VII боб.</i> Мактабгача таълим буйича методик ишларни ташкил қилиш вазифалари, мазмуни ва шакллари .....	144

Ф. ҚОДИРОВА, Ш. ТОШПҮЛАТОВА, М. АЪЗАМОВА

## МАКТАБГАЧА ПЕДАГОГИКА

*Toшкент «Маънавият» 2013*

Муҳаррирлар: *Б. Умаров, О. Бозорова*

Мусаввир *Н. Попов*

Мусаҳих *Ш. Илҳомбекова*

Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия А1 №189, 10.05.2013 й. да берилган. Босишга 10.04.2013 й. да  
рухсат этилди. Бичими  $84 \times 108 \frac{1}{32}$ . Times гарнитураси. Офсет босма  
усулида босилди. Шартли б. т. 8,40. Нашр т. 7,61. 5000 нусха.  
Буюртма №13-586. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Тараққиёт 2-берккуча, 2-үй.  
Шартнома 08–13.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон»  
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100129. Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-үй, 2013.

6.



ISBN 978-9943-04-214-8



9 789943 042148

*Manaviyal*